

# 1




РОБЕРТ Т. КИОСАКИ,  
МАЙКЛ Л. ЛЕЧТЕР

88.4

К 38

Ўз активингизни сақланг  
ёхуд ғояларингизни  
активга айлантириш  
борасида Бой отанинг  
маслаҳатлари



# ЭНГ

# КАТТА

# БОЙЛИГИНГИЗ

Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart

ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--	--

2016

**Роберт Т. Киосаки, Майкл Л.Лечтер**

# **ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИНГИЗ**

**Ўз активингизни сақланг ёхуд  
ғояларингизни активга айлантириш  
борасида Бой отанинг маслаҳатлари**

**1-китоб**

**Тошкент – 2016**



**УЎК: 159.9**

**КБК: 88.4**

**К 38**

**Киосаки Р. Т., Лечтер Ш. Л.**


**Ўз активингизни сақланг ёхуд ғояларингизни активга айлантириш борасида Бой отанинг маслаҳатлари К. 1 / Р. Т. Киосаки, Ш. Л. Лечтер; таржимонлар: Тохиржон Ҳакимов, Наргиза Анорбоева. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2016. 160 б.**

**ISBN 978-9943-4336-5-6**

**УЎК: 159.9**

**КБК: 88.4**

***Тақризчи ва масъул муҳаррир:  
Гуландом Тоғаева,  
филология фанлари номзоди***



**ISBN 978-9943-4336-5-6**

**© “Yurist-media markazi” нашриёти, 2016 йил**


*Энг катта бойлигингиз – бу сизнинг  
гояларингиз ва вақтингиздир.*

**Бой ота**

## **СЎЗ БОШИ**

Одамлар билан суҳбатлашганимда кўпинча «Менинг вақтим йўқ!» ёки «Менинг ҳали вақтим кўп!» каби эътирозларни эшитаман. Бундай муносабат уларнинг эгалари учун балки тўғридир. Аммо асосий масала бебаҳо имкониятимиз – вақтимизни нима учун сарфлаётганимиз ҳақида бормоқда.

Қуйидаги чизмада бой отам вақтни тақсимлаш йўллари кўрсатган:



Яратган Эгам бизга берган вақтни шундай ишлатмоқ керакки, «Актив» ниҳолчамиз тўхтовсиз ўсиб борсин. Агар ўз вақтимизни тўғри тақсимлаб, кунлик режадаги зарурий ишларимизни бажара олсак ва бунга ўргансак, ҳаммасини айтилган вақтга улгурсак, вақт бизга ҳаётимизда шундайин ҳокимликни берадики, буни фақат орзу қилиш мумкин.

Биз рафиқам Ким билан аллақачон энг асосий мақсадимиз – молиявий мустақиллик ва озодликка эришиш йўлини белгилаб олгандик. Бизнинг ҳамма вақтимиз «Актив» ниҳолчамизни ўстириш учун тақсимланганди. Шу ниҳолчанинг ўсиши учун вақтимизни сарфлаб, бундан завқланиб яшардик.

Бу китоб – шахсий тажрибам ва бой отамнинг сабоқлари ҳамда тажрибалари асосидаги хулосаларим; турли семинар иштирокчилари ва миждозларимнинг вақтни тақсимлаш борасидаги маслаҳатларимдан фойдаланиб эришган натижалари йиғиндисидир.

Мен ишдаги шеригим, маслаҳатчим, дўстим, «Бой ота маслаҳатлари» китоби ҳаммуаллифининг турмуш ўртоғи Майкл Летчерга алоҳида миннатдорчилигимни изҳор этаман. Унинг билим ва тажрибалари менга кўп пулимни сақлаб, вақтимдан унумли фойдаланишимга ёрдам берди.

Бу китоб завқли ҳаётга интилиб, умрини мазмунли ва бахтли яшаб ўтмоқчи бўлганлар учундир. Китобда ҳозирги ҳаётдаги баъзи муаммолар ва уларни ечиш йўллари кўрсатибгина қолмай, ўша муаммоларни турли услублар ёрдамида, бирор бир зарарсиз ва йўқотишларсиз, барча тўсиқларни енгиб ўтиб, яхши натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида ёзишга ҳаракат қилганман.

Бу кўрсатмалар барча учун бирдек зарурдир, шунинг учун ҳам бу китоб ҳаётингиз давомида сизга доимий ёрдамчи бўла олади, деб ўйлайман.

«Ўз ҳаётингиз ва вақтингизни қандай назоратга олишингиз мумкин?» Бу мураккаб саволга инкор қилиб бўлмайдиган жавобни ушбу китобдан топишингизга ишонаман.

## **1-БОБ**

### **НИМА УЧУН СИЗ ЎЗ ВАҚТИНГИЗ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШИНГИЗ КЕРАК?!**

#### **ВАҚТ – БУ ҲАЁТ**

У ҳеч кимни ўзига жалб этмайди ва ўз йўлида сокинлик билан давом этади. Вақтини беҳудага сарфлаш – бу ўз ҳаётини исроф этиш демакдир. Вақтини назорат остига олиш – ўз ҳаётини қўлга олиб, ундан унумлироқ фойдаланишга киришмоқдир. Бой отам доим таъкидлаганидек: «Энг катта актив – бу икки кулоғинг ўртасида жойлашган ва сенинг вақтинг. Агар ақлни машқ қилдириш мумкин бўлса, демак, унга тажриба ва янги билимлар жойлаш керак, шундагина вақтинг беҳуда кетмайди».

Бизнес ва сармоя бўйича бўлажак маслаҳатчи сифатидаги иш жараёнимда, мен вақт етишмовчилигидан шикоят қилганларни ва ҳатто, қўшимча бирор иш билан шуғулланиш учун умуман вақт тополмаётган одамларни кўп учратганман. Шунга ўхшаш миллионлаб одамларга ёрдам бериш истагида, ҳаётий мақсадларини белгилаш учун вақтни режалаштириш тизимини яратишга анча вақт сарфладим. Бу тизим, бой отамнинг ҳаётий тажрибалари, ўз камбағал отамнинг турмуш тарзи, менинг тадбиркор, сармоядор сифатида ва ўқитувчилик фаолиятимдаги ҳаёт йўлларимга таянган ҳолда тузилган.

Бу тизим орқали одамлар, ўз вақтларидан унумли фойдаланиб, ҳаёт йўллари ни белгилай олишлари ва уни назорат қилишлари мумкин.

## **НАФАҚАТ МАҚСАДГА МУВОФИҚ, БАЛКИ ФОЙДАЛИ**

Мен маълум бир ишни кам ҳаракат сарфлаб, қисқа вақт ичида бажариш мумкин бўлган тўғри меҳнат тизимини яратувчи ихтирочи эмасман. Бундай ихчамлаштириш одам фаолиятини механик ҳаракатланишга олиб боради. Бундай ташкиллаштиришда, инсон фаолиятидаги меҳнат хурсандчилик ва кизиқишдан маҳрум бўлади. Шунинг учун айтиш мумкинки, сонияларни қайд қилувчи асбоб бўйича ишлаш нафақат одамдаги фикрлаш тарзини, балки ҳаётини ҳам ўғирлайди.

Мен инсонлар ўз фаолиятлари давомида фикрлаш жараёнидан узоқлашмай, кўпроқ қилаётган ишлари ҳақида бош қотиришга эришишларини истайман. Агар маслаҳатларимга амал қилсангиз, ўз вақтингиздан унумли фойдаланиб, меҳнатингизни енгиллаштириш, ҳамиша истаганларингизга эришиш, ҳаётдан кўпроқ баҳра олиш ҳақида ўйлашга киришишингиз мумкин.

## **«МЕНИНГ ВАҚТИМ ЙЎҚ»**

Вақт сарфлаш борасида бой отам ва камбағал отамнинг ҳаёт йўллари мени ҳамиша ҳаяжонга солган. Айниқса, олий маълумотли отам ҳақидаги болалик хотираларим кўз олдимдан ўтади. Менинг ақлли, олий маълумотли отам ҳамиша уйга қўлида қандайдир қоғозларни кўтариб, кеч кириб келарди. У апил-тапил кечки овқатни тановул қилиб, хонасига яна ишлагани кириб кетарди. Унинг менга ва оиламизга ажратадиган вақти кам эди. Отамдан жаҳлим



чиқарди, чунки у ҳеч қачон мен ўйнайдиган футбол мусобақаларига бориб, ўйинларимизни томоша қилмаганди. Дам олиш кунлари ҳам у кимлар биландир иш юзасидан учрашувлар белгиларди. Уларнинг ичида ўқитувчилар, ҳукумат вакиллари, сиёсатчилар бўлишарди.

«Дада, қачон иккимиз ўйнагани борамиз?» деган саволимга, «Кечир ўғлим, ҳозир менинг вақтим йўқ» жавобини олардим. Отам ҳамиша вақти йўқ инсон сифатида хотирамда қолган.

## **МУҲИМИ – САМАРАДОРЛИК**

Мен ўзимни меҳнатни тўғри ташкиллаштирувчи мутахассис деб ҳисобламайман. Мен – вақтдан унумли фойдаланиш бўйича мутахассисман. Самарадорлик – мавжуд имкониятларнинг энг яхшисини топиш ва уни юқори даражада амалга оширишни англатади.

Мавжуд вазифани тўғри бажаришни ташкиллаштиришга қараганда вақтдан унумли фойдаланиш йўлини тўғри танлаш муҳимроқдир. Рационаллаштириш ўз ўрнида яхши, лекин самарадорлик кераклироқ.

Менинг бой отам ҳамиша шундай дерди: «Бўш вақтида нима билан шуғулланишига қараб ўша одамнинг кимлигини билиш мумкин. Бўш вақтини нимага сарфлаши – бу танлов уни манзилга элтувчи ҳаёт йўлини ҳам белгилаб беради».

Мен таклиф қиладиган айрим услублар, сизни ҳайрон қолдириши мумкин. Масалан, тиш докторида 10 дақиқадан бери навбат кутиб ўтирибсиз, агар шу вақтни ҳаммага ўхшаб ўтказсангиз, уни бекорга сарф қилган бўласиз.

Мен сизга шу ўн дақиқани фойдали ишга сафлашингиз мумкинлигини айта оламан, яъни айнан шу вақтни анчадан бери ортга суриб келаётган катта ишни бошлаш, масалан, янги корхонангизнинг бизнес режаси ҳақида ёки сармоялашдаги режангиз тўғрисида ўйлаб ўтказишингиз мумкин.

Шу билан бирга, маслаҳатларим сизга ишингиз ортга сурилганда ёки секинлашган тақдирда ҳам ишчанликни йўқотмай, бошлаган ишингизни тугатишингизга ёрдам беради. Бу китоб орқали мен, оилам ва менинг мижозларим маслаҳатларимдан қандай фойдаланганлари ҳақида билиб оласиз. Мана кўрасиз, менинг тизимимдан фойдаланиш унча оғир эмас. Мутлақо ундай эмас! Уни ўрганиш ёқимли ва унинг ёрдамида ажойиб тажрибалар ўтказса бўлади. Унинг фойдаси тезда бўй кўрсатади ва кун сайин ўсиб боради.

## **ВАҚТНИ БОШҚАРИШ – НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИДИР**

Менинг вақтдан унумли фойдаланиш тизимим, ўқув семинарларимга қатнашиб ёки яқка тартибда мендан маслаҳатлар олиб, уни ҳаётда қўллаган барча одамларга ўз самарасини кўрсатган. Мен бу тизимимни шунинг учун ҳам ёқлайманки, у ўз шахсий ҳаётимни назорат остига олишимга катта ёрдам берган.

Бой отам бу ҳақда ҳамиша қуйидагиларни таъкидларди: «Мавжуд вақт муаммоси – бу доимий назорат муаммоси демакдир. Бу ўз фикрларинг, ҳиссиётларинг ва сен тушган вазиятлар устидан назорат муаммосидир».

Бу тизим сизга ҳам ўз ҳаётингизга эгаллик қилиб, хоҳлаган нарсангизни қилишингизга изн бера олади. Албатта, мен корхонангиз президенти бўлишингиз ёки хизмат поғоналаридан юқорига кўтарилишингиз ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта болани қандай тарбиялашингиз борасида аниқ маслаҳатлар бера олмайман. Лекин агар ҳақиқий мақсадларингиз мавжуд бўлса, бу тизим воситасида албатта, унга эриша оласиз, деб айта оламан.

Бундан ташқари, тизим ўқишда яхши ўзлаштиришга, шахмат ўйинида, бизнесни ташкил этишда, сармоядорликда

ва ҳар қандай тармоқда сизга яқин йўллارни кўрсатиб бериши мумкин. Ҳаммаси сизнинг танловингизга боғлиқ.

## **ВАҚТ ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛМАЙДИ**

Марҳамат қилиб унутманг: вақт етишмовчилиги йўқ нарса. Менинг бой отам: «Чин дилдан хоҳлаган нарсасини бажариш учун, ҳар бир одамнинг кўли, оёғи, калласи ва бир ҳафта ичида 168 соати бор», дерди.

Албатта, чин дилдан истасак, хоҳлаган ишимизни қилиш учун ҳаммамизда ҳам вақтимиз етарли. Агар сиз баъзи одамлар сингари муваффақиятли ишлашга вақтингиз етмай, «ўта банд» бўлсангиз, шунини билдингки, сиздан ҳам баттар банд одамлар бор ва улар ҳаммасига улгуришади ҳамда ажойиб ютуқларга эришиб яшашмоқда. Уларда ҳам вақт сизникидан кўп эмас, аммо улар вақтдан унумли фойдалана олишади!

Вақтдан самарали фойдаланиш автомобилни моҳирона бошқаришдай гап. Вақтни бошқариш санъатини эгаллашингиз учун зарур қуроолларни ҳозирладим. Вақтга қул эмас, унинг ҳоқими бўлиб, ҳар қандай яхши ниятларингизни амалга ошира олишингиз учун, тўғри ва тажрибадан ўтган усулларни кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Умуман олганда, сиз учун ҳаётингиз ва вақтингиздан муҳимроқ нарса йўқ. Мен сизга мавжуд вақтдан кўра ортиқроғини бера олмайман. Биз ҳаммамиз ҳафтада 168 соатлик чегараланган вақтга эгамиз, холос. Мен шу вақтдан унумли фойдаланишга сизга ёрдам беришим мумкин. Бу йўлда сизга омад тилайман!

## 2-БОБ

### АСОСИЙ ЮТУҚ: ҲАЁТИНГИЗ НАЗОРАТИНГИЗ ОСТИДА

### НАЗОРАТНИ ҲИС ЭТИНГ

Бу китобнинг асосий мавзуси – назорат. Бой отам назоратни оддий мисолларда тушунтиришга ҳаракат қилган. У бу билан шунчаки тушунчага эга бўлишни эмас, балки “ҳис қила олиш”ни ҳам қадрларди. Мен ҳозир унинг бир мисолини ёзаман, сиз бўлса уни амалда бажариб, назоратни ҳис этишга ҳаракат қилинг. Қуйидаги машқни бажаринг: бармоқларингизни мушт қилинг, қўлларингизни қанча каттикроқ сиқсангиз, шунча тарангликни сезасиз. Агар сиз шундай ҳолатда бир неча дақиқа турсангиз, қўлингизда оғриқ ҳис эта бошлайсиз.

Энди қўлларингизни ёнингизга туширинг, муштингизни очиб, панжаларингизни қимирлатинг, шунда сиз қўлларингиз сизга қандай бўйсинаётганини, назоратингиз остидалигини ҳис қила бошлайсиз. Сиз бундай назоратингиз остидаги қўллар билан анча ишларни амалга оширишингиз мумкин.

Мен тавсия этаётган назорат тушунчаси, юқорида бажарилган машқдаги бармоқларнинг бўйсинишига ўхшаб кетади. Бу шундай назоратки, вақтингиз устидан назорат (ҳаётингиз назорати) ўта дағал эмас (чидаса бўладиган, қувватли), ўта бўш (бефарқ, дангаса) ҳам эмас. У бошлаган

ишингизни охирига етказишда ёрдам беради ва ижодий фаолият кўрсатишингизни таъминлайди.

Бундай назорат билан бекаму кўст ҳаётий мувозанатга эришасиз.

## **ҚИСҚАРТИРИШГА АСОСЛАНГАН ВА БОШҚАЛАР**

Таъкидлайманки, бу китобнинг мақсади сизни ҳар бир қадамни ўлчаб, доим банд юрадиган ёки ашаддий рационализатор одамга айлантириш эмас.

Бой отам, Майкл билан иккимизнинг шундай одамлар тоифасидан бўлишимизни унча хоҳламасди. У бизнес ва сармоя оламида яшаш жараёнида, турли одамлар билан мулоқотда бўлишига тўғри келган. Бой отам одамларнинг гапирётган гапларига жуда катта аҳамият берарди. У доим бизга: «Одамларнинг гапига кулоқ тутинг – сўзларини тушуниб, уларнинг қалбини англай оласиз», деб тез-тез такрорларди.

Мен ҳозир одамлардан куйидаги сўзларни эшитаман: «Менинг вақтим йўқ!», «Мен бошқа бирор нарса тўғрисида ўйлай олмайман, чунки жуда бандман», «Сармоялаш жуда кўп вақт олади», «Ишим тиғиз бўлиб, бошлиқ айтган ишга улгурмай турган пайтимда, қандай қилиб ўз бизнесим тўғрисида ўйлашим мумкин».

## **“ЎТА ТАШКИЛОТЧИ” УЧ ТОИФА**

Бу ва бошқа сўзлар одамлар ҳақида унча кўп маълумот беролмайди. Мен нимани назарда тутаётганимни аниқ тушунтириш учун, менда ва бошқа кўпчиликда нохушлик уйғотадиган уч хил тоифа ҳақида гапирмоқчиман:

1. Ҳар доим қандайдир рўйхат тузиб, уни текширадиган ва ўша рўйхатни йўқотиб қўядиган ўта ташкилотчи одам.

Агар ундан бирор нарса қилишни сўрашса, ҳар бир имкониятни минг чамалаб, ҳар бир майда-чуйдаларга аҳамият қаратиб вақтини кетказди. У ҳар бир қадамини режалаштирмас экан, ўрnidан силжймайди, шунинг учун у, ҳатто, ўзининг кундалик мажбуриятларига ҳам улгурмайди. Бирор нарса қилишдан кўра, уни асосан ташкилотчи бўлишлик қизиқтиради. Бугун ўзи тузган кунлик режасини амалга оширмадими, эртага яна янгисини тузиши мумкин. У шунчалар ташкилотчи бўлишга интиладики, ҳатто ўзгаришларни, янги имкониятларни ва заруратларни сезмай қолади.

2. Шу даражада бандлигидан бажараётган иши қанчалик аҳамиятли ва муҳимлигини, ҳатто ўйлаб кўришга ҳам вақти етмайдиган ўта фаол одам. Ҳатто вақтни тежаш ҳақида гаплашмоқчи бўлсаңгиз ҳам у билан муомала қилиш жуда қийин. Одатда, унинг бошқаларга ёқмайдиган томони шундаки, у ҳаммага нима қилишни ўргатиб маслаҳатлар беради. У ўзини доно санагани учун камтарликдан маҳрум. Рационал ечим топишга уринса-да, ижобий ечимга эга эмас ва доим мақсадга етиш учун хато йўлларни танлайди. Уйда ва ишда ҳамisha банд бўлгани учун ўзини эркин ҳис эта олмайди.

3. Ҳар бир қадамини ўлчовчи одамнинг эътибори соат милларида бўлади. У ҳар бир дақиқани бекорга ўтказмасликни ўйлаб доим асабийлашади ва ўзининг бу кайфиятини бошқаларга ҳам юқтиради. У доим иккиламчи ҳаракатда бўлиб, чидаб бўлмас даражада кундалик режага амал қилишга ҳаракат қилади. Агар қандайдир мажлис бир оз кеч бошланса, ўзини кўярга жой тополмай бақирib-чақиради. Нонушта пайтида ўн бир сонияни қандай тежашни билади. Бундай одам билан ишлаш ҳам, яшаш ҳам осон эмас.



## **Кичкина вазифа (бажариш шартмас)**

1. Юқорида айтиб ўтилган уч тоифага мансуб ўзингиз танийдиган одамларни санаб бера оласизми?

1-тоифа \_\_\_\_\_

2-тоифа \_\_\_\_\_

3-тоифа \_\_\_\_\_

2. Қайси тоифанинг феъл-атвори сизга яқинроқ?

Агар сиз юқорида айтиб ўтилган одамларга ўхшашимиз керак экан, деган хаёлга борган бўлсангиз, адашасиз, асло ундай эмас.

## **“ЎТА ТАШКИЛОТЧИЛИК” УМУМАН ТАШКИЛОТЧИ БЎЛМАСЛИК СИНГАРИ ЁМОН**

Иккиси ҳам ишни кўнгилдагидай бажара олишмайди. Ташкилотчи бўлмаган одам, эртага нима бўлишини билмайди, эртанги режаси йўқ, ҳаёт йўлида инқироздан инқирозга қадам ташлаб яшайди. Ўта ташкилотчи одам ҳам худди шундай, унда ҳам юқорида айтилганлар мавжуд. Ҳамма одамга бир хил ечим тўғри келмайди. Ҳамманинг муаммоси турлича, ҳаёт йўлларида ижобий ишларни амалга оширишлари учун алоҳида ўзига яраша ечим керак бўлади.

Вақт масаласи ҳозирги ахборот даврида яшаш тарзимизга жуда катта таъсир қилади. Вақтни қуёшга ва завод гудокларига қараб белгилайдиган даврлар ўтиб кетди. Янги давр вақтга янгича, умуман бошқача ёндопишни талаб қилади. Ахборот шунчалар тез тарқалмоқдаки, пул ва имкониятларингиз билангина эмас, балки вақт билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келмоқда.

Ишдаги жуда ташкилотчи одам ўзининг бўш вақтини атрофга сочиб юбориши мумкин. 30 ёшли одам ҳозирги кунда ҳаммасини тушуниши, унинг олдинда аниқ мақсади ва вақтни қандай ишлатишни, ҳаётдан нимани хоҳлашини

билиши ва 40 ёшида хотиржам ўн йиллик ютуқли ишларини сарҳисоб қилишга қодир бўлиши лозим.

## **ЎЗ-ЎЗИГА ҲАҚАМ**

Мен таклиф қилаётган тизимнинг ҳеч қайси боби оғир, ўз-ўзидан ёки беихтиёр қабул қилинмаслиги керак. У сизнинг ҳаёт тарзингизга ҳалақит бермасдан, ички ва ташқи дунёингиздаги тўсиқларни бузиб ўтишингизда ёрдам бериши лозим. Озодлигингизни чегаралаб, шахсиятингизга тегмаслиги керак.

Вақтдан фойдаланиш – бу ўта шахсий танловингиз. Китобдаги маслаҳатларни амалда синаш масаласини ҳам ўзингиз ҳал этишингиз лозим.

Менинг таклифларимни ҳозирда қўллаётган ва ўзингизга маъқул иш услубингиз билан солиштиришингиз керак. Ўқиш мобайнида ўзингизнинг кучли ва кучсиз томонларингизга баҳо беринг. Нима учун вақт борасида муаммолар чикмоқда, уларнинг қайси бири асосий ва зарурроқ, шуларни ўйлаб кўринг.

Китобни кўлингизда қалам ёки ручка билан ўқиб, ўз иш куролингизга айлантиришингиз мумкин. Асосий фикрларга белги қўйишдан кўркманг. Ўзингизга керакли маслаҳатлар ёзилган саҳифа рақамларини китоб муқовасининг ичига ёзиб боринг.

## **ЎЗ ВАРИАНТИНГИЗНИ ИЗЛАНГ**

Ўзингиз турли таклифлар устида ўйлаб кўринг ва хулоса чиқаринг. Ёдингизда бўлсин, турли одамларга турлича маслаҳатлар тўғри келади, кимгадир берилган маслаҳат зарар етказиб қўйса, кимгадир фойдалидир.

Ўзингизга мос тушадиган, ҳаётингизни яхши томонга ўзгартирадиган ва сизга манзур бўлган ғояларга кўпроқ

эътиборингизни қаратинг. Сиз каерда фаолият кўрсатаётганингиз аҳамиятсиз, ишляяпсизми, уй ишлари билан бандмисиз, ўқияпсизми ёки бекорчимисиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам яхши натижаларга эришишингиз мумкинлигини айтмоқчиман.

Мен керакли ишларни кераксизларидан ажратишга ёрдам бераман. Ишонинг: Сизга керакли ишингизни, гарчи бажариб бўлмас даражада кўринса-да, бажаришингиз мумкинлигини тушунтираман ва мен бунга кўмаклашаман.

Ўз вақтида бошлай олмай, доимо улгурмаслик жонингизга тегмадими? Мен бу улгурмасликдан қандай қилиб бутунлай қутилишингиз мумкинлигини ўргатаман.

## «ОЛТИН ЎРТАЛИК» МАВЖУД

Сиз ўз эътиборингизни асосий масалаларга қаратиб, ишни ортга суриш одатингизни ташламоқчимисиз? Мен сизга бу борада ҳам ёрдам бера оламан ва бундан сиз ҳамиша хурсанд ва мамнун бўласиз.

Бу китоб одамлар билан яхши муносабатни сақлаган ҳолда қийин шароитларда ишлашнинг синалган усуллари ва уни аниқ бажаришнинг барча томонларини кўрсатади.

Агар сиз кўп пул топишни хоҳласангиз, китобда келтирилган барча ғоя, маслаҳат ва фикрларга амал қилсангиз, ўз мақсадингизга етасиз. Вақтингизни тўғри тақсимлай олсангиз, одамлар билан ҳам яхши муносабат ўрнатасиз. Ўз мустақил ишингизни очган бўлсангиз, ундан яхши даромад олишга эришасиз.

Бу китоб шиддат билан ишлашга эмас, ақлан иш юритишга ўргатади. Оқибатда, оилангиз ва бошқа ишларингиз учун, сизда бўш вақт пайдо бўлади. Шу ўринда олий маълумотли ўз отам билан бўлган, мен учун ёқимсиз суҳбатни сизга ҳавола қилмоқчиман.

– Сен нега кўп вақтингни Майкнинг отаси билан ўтказасан, ундан нима топдинг, ахир унда менда бор диплом ва билим йўқ-ку? – деб савол бериб қолди отам.

– Унда бошқа нарса бор, пул ва бўш вақт, – деб жавоб бердим мен.

Орзуларингизни ҳаётга татбиқ қилиш учун, сизга ҳеч қачон етмаган вақтга эришасиз. Вақтни тежабгина қолмай уни тўғри тақсимлашни ўрганасиз. Менинг бу гапларим сизга ғалати туюлиши мумкин, аммо китобнинг охирига борганингизда унинг тўғрилигига амин бўласиз. Ҳаётнинг икки томонини ҳам англаб: молиявий озод ҳамда доимий пул ва вақт етишмовчилиги билан курашиб яшайдиган одамгина китобнинг аҳамиятини яққол ҳис этади.

### 3-БОБ

## ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШНИ ТАНЛАШ КЕРАК


### ПУЛ ОҚИМИ КВАДРАНТИНИ ЁДГА ОЛАМИЗ

Ҳар бир бўлимнинг бош ҳарфлари қуйидагича изоҳланади: Е – хизматчи, S – ўзи учун ишловчи, В – бизнес эгаси, I – сармоядор.

Ўнг ёки чап томонда, у ёки бу бўлимда фаолият олиб бораётган ҳар бир одамнинг ҳафтада 168 соат вақти бор ва Яратган берган бу имкониятдан қандай фойдаланиш ҳам ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Айтайлик, сиз ҳозир квадрантнинг чап томонидасиз, аммо ўнг томонга ўтмоқчисиз, ечим топишингиз керак бўлган асосий масала ҳам ана шу.

### «ЧАП» ҚУЙИДАГИ КЎРИНИШГА ЭГА

Квадрантнинг чап томонидаги одамлар, вақт масаласидаги муаммони ечишга унчалик эҳтиёж сезишмайди. Вақт активига бундай муносабатда бўлиш «Е» тоифали инсонларга тааллуқли. «Е» одатда ўз вақтини бошқаларга пулга сотади, иши ва ухлаши оралиғида озгина вақти қолади, холос. Ўзларининг келажақда оладиган нафақалари ва қариганда соғлиқларини сақлаш ҳақида қайғуришади. Сайлов олди куруқ ваъдалар берадиган депутатларга ёки келажақда пул тўлашга қодирлиги номаълум бўлган турли компанияларга ишонишади.



Агар сиз ҳозирда «Е» бўлимида бўлсангиз, Бой отамнинг куйидаги мулоҳазаси сизга жуда асқотиши мумкин: «Одамлар ишхонада эмас, балки ўзларининг бўш вақтларида бой бўлишади». Яъни ишдан кейин вақтингизни қандай ўтказиш, қандай китобларни ўқишингиз, миянгиз қандай ўй-фикрлар билан банд бўлиши, кимлар билан мулоқот қилишингиз муҳимроқ саналади.

«S»ларда актив кўринишидаги вақт масаласи умуман бошқа кўринишга эга. Бу тоифадаги одамларга ўз ишлари билан банд, яъни: шифокорлар, юристлар, ҳисобчилар, турли йўналишдаги маслаҳатчи ва брокерлар, турли хизмат кўрсатиш соҳасидагилар киришади. Бир қарашда бу инсонлар ўз вақтларини ўзлари бошқараётгандай кўринади, аслида ундай эмас.

Ўзи учун ишлайдиган, ўз дўконида ўзи сотувчилик қилаётган одамни тасаввур қилиб кўринг, айти сотув авжига чиққан пайтда, бирор иши чиқиб қолса, дўконни беркитиб кетиши керак. Тиш докторида ҳам шу аҳвол. Ёки автомобил устаси-чи? Икки соатга иш вақтини қисқартирмоқчи бўлса қандай йўл тутади?

Шунинг учун ҳам улар бир қарашда ўз вақтларига хўжайиндир. “Ўз пулларига иш сотиб оладиганлар” вақт масаласида жуда ноқулай аҳволда бўладилар. Бу одамлар вақт етишмаслиги ва молиявий аҳволлари билан доимий курашда бўлишларига тўғри келади. «S»ларда доим улгуриш учун бир кунлик иш рўйхати мавжуд ва ҳар кун шу аҳвол такрорланади.



## ЎНГ ТОМОНДА ТАМОМИЛА БОШҚАЧА

Пул оқими квадрантининг ўнг томонида вазият умуман бошқача. «В» ва «I»ларнинг катта сирларидан бири, улар ўз пул ва вақтларидан унумли фойдаланишдан ташқари, ўзгалар пулини (ЎП) ва вақтини (ЎВ) ҳам уддабурронлик билан ўз манфаатлари учун ишлата оладилар.

Уларнинг бу устунликлари ва имкониятлари оз муддат ичида бойиб кетишларига ёрдам беради, баъзилари эса ҳақиқий молиявий озодликка эришиб, болалари ва набира-ларининг ҳам келажакларини таъминлаб қўйишлари мумкин. Бой отам ўз ўғли Майкл учун шундай қилиш билан бир қаторда, ўз молиявий бошқарув ишини топширишдан ташқари, пул ва вақтни активга айлантириш йўлларини ҳам ўргатди.

Ўз бизнесига эга бўлиш ва сармоядорлик маҳорати инсон олдида катта ютуқли ўзгаришлар ва ишдаги муваффақиятга йўл очиб, ўзига ишончни уйғотади. «Пул оқимининг квадранти» китобимда бизнесдаги тушунчаларнинг фарқларини, оддий ишлаб чиқариш, мол олди-сотдиси ёки хизмат кўрсатиш ва бизнесни тизимдай тушунишни таъкидлагандим. Бизнеснинг учта тизими: одатий корпорация – бунда сиз ўзингиз тизим яратасиз; франчайзинг – тизимни сотиб оласиз; тармоқ маркетинги – тизимни сотиб олиб, унинг бир қисмига айланасиз.

Ҳар уччала тизим ҳам ўзгалар вақти ҳисобига сизнинг ҳаракатларингизни камайтириш ва бой сармоядорга айлантириш учун корхона ҳамда унда ишловчи одамлар кучини тўғри йўналтириш орқали ҳаммани бир йўлдаги муваффақиятга етаклашга асосланган.

Ҳозирги кунда, менинг ўқитиш корпорациям дунё бўйича ўн битта офисга эга. Мен жуда хоҳлаган тақдиримда ҳам, ҳаммаси тугул, уларнинг ақалли иккитасида бир вақтнинг ўзида бўла олмайман. Шукрки, бунга ҳожат ҳам

йўқ. Биз рафиқам Ким билан яратган тизим, ўзи ҳам яшайвериши, ривожланавериши, муаллифлик хизмати учун минглаб доллар даромад олиб келиши, патент учун гонорарлар ва сармоядорликни дивидент кўринишидаги пул оқими билан таъминлаши мумкин.

## **БОЙ ОТАМНИНГ ЯНА БИР САБОҒИ**

Ўз бизнесимизни қуриш йўлидаги қийинчилик, тўсиқлар ва инкирозларимизга қарамай айтишим мумкинки, бой отамнинг сабоқлари ва ўзимнинг олган тажрибам, биз рафиқам Ким билан ҳозирда эришган ютуқларимизнинг асосини ташкил этади.

Афсуски, баъзан бой отамнинг ҳамма маслаҳат ва кўрсатмаларига риоя қилмаганман. Лекин, вақт ўтган сайин, айниқса, хато қилиб омадсизликка учраган пайтларим у одам қанчалар соддадил, тўғри, шу билан бирга бизнес ва сармоя соҳасида ўта ишбилармон ва бой малака эгаси эканлигини англаганман. У ҳатто ўша пайтларда назаримда мен учун зарур саналмаган нарсаларни ҳам ўргатди.

Бой отамнинг фикрича, вақт инсоннинг энг катта активларидан биридир. У болалигимиздан Майкл иккимизга қуйидагиларни такрорлашдан чарчамасди: «Энг катта бойлигингиз, энг катта активингиз – бу вақт ва икки қулоғингиз ўртасида жойлашган ақлингиз». «Сизнинг маблағингиз ғояларингизда, шунинг учун ғояларингизни ҳимоя қилинг».

Мен сизга ўз бизнесимни ривожлантириш жараёнини гапириб берганимдан сўнггина, гап нима ҳақда бораётганлигини англаб етасиз.

## **ЎЗ ҒОЯНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ**

1975 йили мен серфингистлар учун нейлонли ҳамёнлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Аммо бой отамга кулоқ тутмадим ва компаниям ғоясини ҳимоя қилмадим.

1977 йили калта иштонлар билан югуриш урф бўлганда, пойафзал учун ҳамёнча ихтиро қилиб, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Яна бой отамнинг маслаҳатига кирмадим, ғоямни ҳимоя қилмадим.

Менинг ҳамёнчали пойафзалим бозорни “тебратиб” юборди. Бутун АҚШдан, ҳатто баъзи чет мамлакатлардан ҳам буюртмалар келиб туша бошлади. Миллионлаб долларлик буюртмалар олдик.

1978 йилнинг охирида Лос-Анжелесдаги спорт товарлари савдо кўргазмасида рақобатчиларим менинг товарларим билан қатнашишди ва харидорга жуда арзон нархда сотишлари мумкинлигини айтишди. Бозорни эса мен ўйлаб топган нейлонли кармончаларга тўлдириб ташлашди. 1979 йили ўзим яратган бозор мени ундан сиқиб чиқарди. Бу яна ўша бой отамнинг маслаҳатига кулоқ тутмаганим ва ўз ғоямни ҳимоя қилмаганимнинг меваси эди.

1994 йили «CASHFLOW» номли стол ўйинимни ўйлаб топдим ва Майкл Летчер исмли инсонга мурожаат қилдим. Ундан ғояларимни ҳимоя қилишда менга ёрдам беришини сўрадим. Ва ниҳоят, мен бой отамнинг маслаҳати билан иш тутдим. Аввало, патент ҳимоячисини ёнимга олдим, токи, у менинг ғояларимни ҳимоя қилсин. Ҳозирда Майкл менинг дўстим, юридик маслаҳатчим ва ҳаммуаллифим Шарон Летчернинг умр йўлдоши. Майкл Летчер ушбу китобга мен билан ҳаммуаллиф саналади.

## ХАТОЛАРИМДАН ТАРКИБ ТОПГАН САБОҚЛАР

“Илк бизнесимдан ажралишим мен учун ҳаётимдаги энг яхши сабоқ бўлди” дейишим кўпчиликнинг ҳайратига сабаб бўларди. Ҳаётимдаги энг яхши сабоқ, деб эътироф этишимнинг асосий сабаби ўшанда ўзим ҳақимда кўп нарсаларни билиб олганман ва ҳеч нарса билмаслигимни англаб етганман. Кўп айтаман: «Муваффақиятсизлик ютуқнинг бир қисми. Муваффақиятсизликдан кўркқан одамлар кўпам ютуққа эришаверишмайди». Биринчи омадсизлигим орқали кўп нарсани ўргандим. Уларнинг ичидан энг кераклиси, ғояни ҳимоя қилиш эканини тушуниб етдим.

Бу жуда ажойиб нарса. Ортимга боқиб, баъзан бой отамга кулоқ солганимда бунчалар қийналмасмидим деб ҳам кўяман, аммо биринчи бизнесимни йўқотиш бу тақдиримнинг бир қисми. Бой отамга кулоқ солмай, бизнесимни йўқотдим, лекин ғоянинг баҳосини билиб олдим.

Агар ўша инкироз юз бермаганда, ўзимни аслида ҳам бой эканимни англамаган бўлардим. Биз ҳаммамиз боймиз, чунки бизда Яратган берган ақл бор. Ақлли одамда эса ғоя бўлади. Агар ўша йўқотиш бўлмаганда, мен ҳозиргача машина, пул, уй ва менинг сармойларим – бойлигим деб юрган бўлардим. Аслида бойлик бу ақл ёрдамида туғиладиган ғоялар экан. Энди мен шуни биламанки, ғояларни ҳурмат қилиб, ҳимоя қилиш зарур. Мен биламанки, ҳар биримизда ўзимизни ва оиламиз фаровонлигини таъминлай оладиган, бойитиб юборадиган ғояларимиз бор. Аммо бу бойлик келиши учун, сиз ғоянгизни ҳимоя қилишингиз керак. Мен сизга бой отамнинг сўзларини айтаман: «Сизнинг энг катта бойлигингиз бўлмиш – ғояларингизни ҳимоя қилинг!»

## **ЭЙНШТЕЙН ҲАҚ ЭДИ**

Бой отам Эйнштейннинг куйидаги ҳикматли гапини яхши кўрарди: «Тасаввур билимдан кучли».

Бунга сабаб, у мактабни тугатмаганди. Бир муддатгача, мактабни битириб, билимга эга одамлар олдида ўзини ноқулай ҳис қилиб юрган. Шундай пайтларда у Эйнштейннинг сўзларини ўқиб кўриб, ўқимишли одамлардан-да ўзини бой ҳис қила бошлаган. Чунки ўша одамлар билимга эга эдилар – тасаввурга эмас.

Яна бир сабаб, билим чегараланган, тасаввурнинг эса чегараси йўқ. Бой отам молиявий муаммога дуч келганда, ўз ўғли Майклга ва менга: «Мен молиявий муаммога дуч келганимда, бу чалкашликдан чиқиб кетиш учун доим ўз тасаввуримни ёрдамга чақираман. Тасаввурларим ёрдамига таяниб, бой бўламан ва ўз ҳаётимни бойитаман» дерди.

## **ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГ**

Мазкур китоб «Бой отамнинг маслаҳатлари» туркумидаги китоблар қаторига қўшилди. Майкл Летчер унинг ёзилишида менга яқиндан ёрдам бергани учун ундан миннатдорман. 1994 йили уни қидириб топдим, у пайтда Майкл адвокатлар ичида интеллектуал мулкдорлик бўйича катта шон-шухрат эгаси, ишбилармон бизнесмен, ўз ҳаётини изга сола олган ва вақт билан оқилона муомала қиладиган инсон эди. “Интеллектуал мулкдорлик” ибораси билан энди танишганлар бир дақиқага луғатга қарашлари ва аниқ тушуниб олишлари мумкин. Ундаги «мулкдорлик» сўзига аҳамият қаратинг. Масалан: менинг уйим, менинг машинам, менинг телевизорим.

Ўша пайтлари мулкни ҳимоя қилиш нималигини тушунардим, лекин ғояни ҳимоя қилиш ва интеллектуал мулк

нималигига ақлим етмасди. Бошқача қилиб айтганда, ўша 70-йилларда ғояларим шунчалар аҳамиятли эканини билмасдим. Мен мулким ҳақида ўйламаганимдек, ғояларим ҳақида ҳам ўйламасдим, шунинг учун ғояларимни ҳимоя қилмагандим.

Бугун мен ақллироқман. Мен ўғирлатмаслик учун умрбод машинамни, уйимни беркитиб юришга ўргандим. Ҳозирда кўп миллионли бизнес эгаси сифатида, биламанки, ўз ғояларимни ҳимоя қилишим ва интеллектуал мулкимни асрашим ҳам керак экан.

Биз энди ахборот асрида яшаймиз. Ахборот асрида эса ғояларингиз олдингидан-да бебаҳо саналади. Шунинг учун ҳам, бой отамнинг маслаҳатларидан фойдаланиб, ўз ғояларингизни ҳимоя қилинг, интеллектуал мулкингизни энг муҳим активингиздай кўринг.



## **4-БОБ**

### **ОҚИМ БЎЙИЧА СУЗИШ, ЧЎКИШ ЁКИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЕРАКМИ?**

Миссис Кей тонгги газетани ўқиб ўтириб, тутун ҳидини сизди ва кўрдик, плита ёнидаги дераза пардасига олов илашганди. Келинг, ўйлаб кўрайлик, у бу пайтда қандай йўл билан ўз вақтидан фойдаланади:

Биринчи вариант: у нонга сариёғни суриб, газета ўқишни давом эттиради.

Иккинчи вариант: у ўтни ўчириш учун қандайдир чора кўришни бошлайди. Нима бўлишидан қатъи назар, у кўлидаги кўзада сув билан парда томон югурадими, телефон орқали ўт ўчирувчиларни чакирадими ёки ўт ўчириш мосламасини олиб, ўтни ўчирадими? Ҳеч ким ўз вақтини яхши ўтказиш учун миссис Кей бутерброд тайёрлаб, газета ўқишни давом эттиради, деб айтмайди.

Ҳақиқатда, танлов ҳамиша ҳам тўғри бўлиб чиқмайди.

Мен атайин шундай ғайриоддий мисол келтирдим. Аммо бу одамнинг ҳаётдаги қарорини ва ҳаракатини қисман тушунарлироқ тарзда кўрсата олади. Ёнғин пайтида газета ўқиш ақлга сиғмайди, албатта, аммо ҳаётда одамлар кўп ҳолларда шундай қилишади.

## **ЯНГИ ДАВР, АММО ЭСКИЧА ОДАТЛАР**

Бой отам бундай йўл тутганларни доимо пул учун ишлаб келган, эски шакл-шамоилларга, фикрларга ва эски ғалаба формулаларига ёпишиб олган одамлар каторига кўшарди. Эски саноат асрининг ғоялари ахборот асрига умуман тўғри келмайди. Бундай ғоялар энди ишончли эмас, мувозанатини йўқотган.

Энг ёмони, бу эскириб қолган ғоялар ҳозирда ҳам ота-оналар томонидан замонамиз ёшларига сингдирилиб келинмоқда. Ота-оналарнинг сўзлари: «Астойдил ўқи ўғлим, шунда коллежга кира оласан, кейин ишончли, яхши компаниядан иш топ ва шундагина сенинг келажагинг таъминланган бўлади» – бу сўзлар умуман ахборот асрига тўғри келмайди.

Ахборот асрида одамларнинг бўш вақтлари кўпайгандан кўпаяди. Одамлар катта компаниялардан иш олиш ўрнига, озод агент бўлиб ишлашни бошлашади. Балки бир нечта компанияларда ишлашлари ҳам мумкин. Кўпроқ янги ахборот технологияси ва коммуникация технологияларига ихтисослашган хусусий бизнесда фаолият кўрсатишади. Одамлар борган сайин вақтдан ва пулдан унумли фойдаланиш имкониятларини кидиришади. Ҳозирга келиб, фонд биржалари, кўчмас мулк бозорида ва бошқа сармоя соҳаларида жонланиш сезиляпти.

## **МАВЖУД ҲАЁТДАН ЯНА БИР МИСОЛ**

Автоқурилиш саноатида 14 йил ишлаган мистер Уильмс ўз мартабасини ўзгартиришни ўйлаб қолди. У иш ўрнида муваффақиятли ўсганди, лекин ўзи хоҳлаганчалик эмас. Каламаздедаги йиғув цехининг ишлаб чиқариш бўлими бошликлиги унга унчалик кизикарли эмасди. Унга бу ер жуда зерикарли, Чикаго ҳаёти эса кизикарлироқ туюларди.

У ўзгаришни хоҳларди. Лекин қай тарзда? Ўзи билган соҳани ташлаб, бошқа соҳани ўзлаштирайсинми? Балки у Чикагоданмас, бошқа каттароқ шаҳардан иш қидириши керакдир? Олдин иш ўрнини ўзгартириб, кейин яшашга жой қидирсинми ёки аксинчами? Қайси йўл билан янги имкониятларни қидирсин? Балки у ишлаб чиқариш саноатини унутиб, ер олди-сотди агенти бўлгани маъқулдир? У шунча турли танловларга эга бўла туриб, аниқ бир тўхтамга келолмади.

Айгиб ўтган икки қаҳрамоним сингари, ҳаётда сиз ҳам ва бошқа одамлар ҳам бундай муаммога дуч келганда, муҳим қарор қабул қилишга тўғри келиб қолади. Баъзилари – қийин, баъзилари – оддий, баъзилари – катта, баъзилари – кичкина. Ва бунга ҳар куни тўқнаш келиш мумкин.

Кимдир бу масалани еча оладими? Ким бўлишни хоҳлайсиз, врачми, адвокатми, ҳинд рожасими, ашулачими, архитекторми, бизнесмен ёки сармоядорми? Европани, Жанубий Американи, Африкани кўришни хоҳлайсизми? Бу пулга ёки иқтидорга боғлиқ эмас.

## **БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ИККИ ИШНИ БАЖАРИБ БЎЛМАЙДИ**

Ҳатто Эйнштейн ёки Онассис янгидан туғилганда ҳам ҳамма ишни бажариб, бутун борликни кўра олмасди. Атрофимизда танлашимиз мумкин бўлган имкониятлар, чиқариладиган қарорлар беҳисоб даражада. Хўш, бугун нима қилмоқчисиз? Ишлайсизми, концерт кўрасизми, балки меҳмонга борарсиз ёки карта ўйнайсизми, балки кеч ухларсиз?

Вақтингиз қатъий чегараланган, аммо тасаввурларингизнинг имкониятлари чегара билмайди. Кўпчилик одамлар бошларини қашиб туриб, қанчадан-қанча машғулотларни

ўйлаб топишади, ҳафталарга, ойларга етадиган ишлар кутиб турганини эса тасаввур қилишлари мумкин.

Келинг, қиладиган ишларингизни хаёлдан ўтказиб кўрамиз: бошлиғингиз кутиб турган маърузани ёзиш, анчадан бери жавобини кутиб турган хатларга жавоб бериш, кассага буюртма берилган чиптани олиш, таътил тараддудини кўриш, ўғлингиз нега математикадан оқсаяпти, шуни аниқлаб унга ёрдам бериш, хотинингизнинг туғилган кунига совға олиш, тиш докторига учраш, боғ ерини чопиш ва шунга ўқшаш яна жуда кўп ишлар...

Ушбу – бугун қилинадиган ишларга сиз қандай улгурасиз? Эртага эса яна бошқа ишлар чиқади. Ҳаёт – бу туганмас ишларга тўла оқин дарё мисол. Сизнинг қиладиган ишларингиз шунчалар кўпки, уларни қилиш учун вақтингиз озлиқ қилади.

## ИЛГАРИ БОШҚАЧА БЎЛГАН

Ўтмишдаги нуқтаи-назарингизнинг танловлари – гўё кечагидай кўриниши мумкин. Саноат асридаги имкониятлар ва ҳатто аграр асрининг имкониятлари ҳам чегараланган эди. Тўғри, у пайтларда қарор қабул қилиш ва яшаш унчалар қийин бўлмаган. Вақтни ҳам қандай ўтказиш ҳақида одамлар унчалик бош қотиришмаган.

Баъзи, озчиликдан ташқари бошқа ҳамманинг ҳаракати буйруқ асосида назорат остида бўлган. Ҳаётнинг бошқа томонини удумлар, дин, социал таъминот ва одамларнинг туғилиб ўсган жойларидаги муҳит бошқарган.

Ҳозирги ахборот асрида жисмоний, иқтисодий социал ҳаёт тарзини тезкор алоқа бошқараётган бир пайтда, бўш вақт ҳам кўпайиб, одамларда танлов имконияти пайдо бўлди. Айни пайтда бу давр одамларни шундай танловлар ичида яшашга мажбур қилмоқда.

**«Пул оқимининг квадранти» китобимда одамларни имконият даражаларидан келиб чиқиб, қанча пул топишларига қараб ажратиб чиққандим. Ким бу китобни ўқимаган ёки ёдидан чиққан бўлса, яна эслатмоқчиман, пул оқимининг квадранти куйидагича кўринишга эга:**

**Е – ишчи ёки хизматчи;**

**S – ўзлари учун ишловчи доим банд одамлар;**

**В – бизнесменлар, бизнес ташкил қилувчилар, асосан квадрантнинг чап томонидаги одамлар меҳнатидан фойдаланувчилар;**

**I – сармоядорлар, улар учун пуллари ишлайдиган одамлар.**

## **“КВАДРАНТ...”ДАГИ ВАҚТ**

Энди квадрант ёрдамида одамлар ўз вақтлари билан қандай муносабатда бўлишларини кўриб чиқамиз. У шундай кўринишга эга бўлади:

**Е – ўз вақтини бошқаларга пулга сотадиган одам;**

**S – пулга ўз вақтини сотиб олувчи, бошқача қилиб айтганда, ўз вақтини ўзига сотувчи одам;**

**В – бошқалар вақтини сотиб олувчи одам, асосан квадрантнинг чап томонидаги одамдан;**

**I – ўз вақти ва пулини сармояловчи, оқибатда вақт ва пулга эга бўлувчи одам.**

Ҳар бир одам қачондир ўз вақтини қаерда ва қандай ўтказиши ҳақида, албатта, бир қарорга келишга мажбур.

## **ВАҚТИНГИЗ ФАҚАТ ЎЗИНГИЗНИКИ**

Бу танловни амалга ошириш осон эмас. Айниқса, ўз олдида турган кўплаб имкониятлардан воқиф аёллар учун буни уйдлаш жуда қийин. Кўпчилик одатда вақтингизнинг бир қисмини олиш илинжида бўлади. Балки сиз бир

пайтнинг ўзида оила боқувчиси, турмуш ўртоқ, гольф ўйинчиси ва бошқалардирсиз...

Ҳамма мажбуриятларингиздан тушаётган талабларни диққат билан мушоҳада қилишингиз лозим.

Бундан ташқари, ҳар куни ишдаги хавфсизликнинг камайиб бораётганини ҳис эта бошлайсиз ва янги ғоялар, қарорлар, билим олиш иштиёқи, ўрганиш ҳамда ўз соҳангизни ўзгартиришни хоҳлаб қолишингиз мумкин. Уйга қайтиб келганингизда, оила аъзоларингиз эътиборингизни ўзларига қаратишни хоҳлашади. Телевизорнинг ҳар бир канали ўз дастурларини кўришга даъват этади. Сиз ҳаммасига улгуришни истаб, талабларни бир вақтнинг ўзида бажаришни хоҳлайсиз. Баъзи бир талаблар сиз учун ёқимли қабул қилиниши мумкин, нимадир зарурроққа ўхшаб кўринади ёки ким биландир учрашиш сизга кўпроқ нарса беради. Шунинг билан чикармангки, биз бир-биримизга боғлиқлик замонида яшаймиз, агар кимнингдир иши ёки ўзи сиз учун ҳеч нарсани бермаса-да, у билан вақтингизни бўлишишингиз лозим бўлади.

Сиз олдиндан, турмуш кураётганда, ишга қираётганда, дахлсизлигингизни йўқотиб, ўз вақтингизнинг қанчадир қисмини бошқалар билан бўлишишингизни билгансиз. Бунинг эвазига, сиз – муҳаббат, хавфсизлик, дўстлик, пул ва егулик топдингиз.

Ўз қарорларингизни тарозига қўйиб кўринг. Баъзан одамлар ўзларининг ишларини сиз қилишингизни хоҳлаб қолишади, майли бажаринг. Аммо ҳар доим ҳам эмас.



## **ИСТАГАНИНГИЗНИ ҚИЛИШ**

Келажагим хақида маслаҳатлашиб, ота-онам ҳеч иккиланмай вақтимни қандай сарф қилишимни белгилаб бўлишганди: «Мактабни тугатибоқ, коллежга ёки университетга кирасан. Яхши билим ҳамиша керак. Дипломли бўлсанг, ишончли компаниядан яхши иш ўрнига эга бўлишинг ёки ҳукумат идорасида ишлаб, келажагингни таъминлашинг мумкин», дерди кўпинча менга камбағал отам. Менинг эса бошқа режаларим бўлиб, мактаб жонимга теккан, йўргакланган билимга жиддий эътирозларим бор эди. Фикримча, бизнесмен ёки сармоядор бўлиш учун амалий малака керак эди. Бой отам бу фикримни қўлларди. У доим айтардики: «Кўпчилик одамларда бўлганидек, ўқиш мактабда ёки коллежда тугамаслиги керак. Мактаб – бу бошланиши, ўқишнинг тугаши эмас. Бир кун келиб, ўз фаолиятингни кимлар биландир амалга оширасан, шунинг учун ҳам ўз вақтингни улар билан ўтказиб, улардан ўқиб-ўрганишинг лозим».

### **ЎҚИБ-ЎРГАНИШГА ҚАНЧА ВАҚТ КЕРАК?**

Мен мактабдан кейинги ўн йилни ўқиш ва амалий ўрганишга бағишладим. Бу менинг бизнес ва сармоя оламидаги фаолиятимга керак эди. Амалиёт учун ҳарбий денгиз флотида хизматни ўтаб, кейин денгиз нефть флотида ишимни давом эттирдим. Амалиётим сабабли кўпгина мамлакатларни ўргандим. Узоқ Шарқ, Япония, Хитой, Филиппин, Малайзия, Гонконг, Сингапур – шулар жумласидандир. Мен етакчилик ва бошқариш маҳоратини ўргандим. “Ксерокс”ларни сотиб, одамлар билан муомалани, уларга қандай ёндошиш ва нима таклиф қилишни ҳам билиб олдим.

Ўз соҳамни ва машғулотимни тез-тез ўзгартиришимни камбағал отам ҳеч тушуна олмасди. У менга вақтни бекорга сарфляяпсан дерди, аммо мен амалиёт учун ажратган вақтим бир кун мева беришини билардим.

Бой отам ўзимга керакли деб ўйлаган қарорларимдан мамнун эди. Мен дунёни таниб, одамларни ўрганишдаги амалий билимларга эга бўлганимдан сўнг, бой отамнинг сармоядорлик тўғрисидаги дарслари бошланди. Бу ҳақда мен «Бой отамнинг сармоядорликдаги йўл бошчилиги» китобимда батафсил ёзганман.

Бой отамнинг фикрларини қўллаган ҳолда ва албатта, ўз камбағал отамнинг ҳам тушунчаларини англаган ҳолда, барибир танловни ва вақтимни қандай сарфлашни ўзим ҳал қилганман. Ҳамиша, ўз ҳаётимга ўзим жавобгарлигимни ҳис этиб яшаганман. Мен икки отамнинг ҳам ҳурматларини жойига қўяман ва уларнинг мен учун қайғуриб қилган ишлари ва берган маслаҳатларини ҳеч қачон унутмайман. Улардан умрбод миннатдорман албатта, лекин ҳар бир қарор мен учун экан, демак, ўзим қарор қабул қилишим лозим. Балки икки отам ва рафиқам Ким шунинг учун ҳам мени ҳурмат қилишар.

## **ЭРКИН ТАНЛОВ РОСТДАН ҲАМ МАВЖУДМИ?**

Шундай ҳолатлар бўладики, сиз учун бошқалар қарор қабул қилаётгандай туюлади. Ота-она, фарзанд, турмуш ўртоқ, бошлик, дўст... Улар вақтингизни сарф қилишингизда, баъзан сиздан-да фаол иштирок этишлари мумкин.

Бу туйғуни тушуниш мумкин, аммо ҳақиқат бошқа томонни кўрсатади. Бошқа одам аслида сизга нима қилишингиз ҳақида тавсия бериши мумкин. Аммо асосий қарорни фақат сиз қабул қиласиз ёки тавсияни рад этасиз.

Тўғри, баъзи қарорларни қабул қилишга мажбур бўлиб қолинади. Бошлиғингиз аниқ бир вазифа устида ишлашингизни хоҳлайди, сизда эса бу масалага вақтингизни сарфлаш учун бошқачароқ ечим бор. Агар ўз қарорингизда туриб олсангиз, ишсиз қолишингиз мумкин. Лекин кўп ҳолларда эркин қарор қабул қилиш имконияти кенгрок. Тўғри, баъзан бундай имконият оздек туюлиши мумкин. Бунга билим, инсоннинг ёши, келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи, жинси ва ирқи ҳам боғлиқлигини рад қилиш аҳмоқлик, албатта. Келинг, яхшиси бошидан келишиб олайлик. Ҳар бир одамда қандайдир, хоҳишига бўйсунмайдиган сабаблар бўлади. Агар уларга аҳамият бериб, тўғри тушуниб, кўниксангиз анча вақтни тежайсиз.

## **ЭРКИН ТАНЛОВ ВА ЧЕКЛАНИШ**

Бой отам айтганди: «Мен одамлардан, – қанийди ёш бўлганимда..., қанийди бой бўлганимда..., қанийди омад кулиб боққанда эди..., – деган сўзларни эшитсам, у одам воқеликни ёмон қабул қилади, деб ўйлаб қоламан. Инсонда ҳамиша ниманидир бажаришга вақт бўлган ва бўлади». Мен эса доим Генри Форднинг қуйидаги сўзларини такрорлаб тураман:

**«Ҳозир бажариш мумкин бўлган ишни бажар ва уни аъло даражада бажар».**

Вазият қанчалар мураккаб бўлмасин, «қанийди...» деган ўйин билан вақтни ўтказиш ярамайди. Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш учун қилган ҳаракатингизнинг ўзи – вақтингизни тўғри ишлатишни бошлаганингизни англатади.

Ҳар бирингизни чеклов қийнайди, бунинг оқибатида турли вазиятларда эркин қарор қабул қила олмайсиз. Аммо кўп вақтларда қатъий бир тўхтамга келишга куч топасиз. Баъзан сиз ташқи муҳит ҳаётимизни бошқараяпти, деб

Ўзингизни алдайсиз. Демак, курбингиз етадиган жойда ҳолатни, муҳитни ўз кўлингизга, назоратингизга ола билмаяпсиз. Балки сиз ўтмишга боғланиб қолгандирсиз?

## МЕНИНГ ТАЖРИБАМ

Мен «Ксерокс» компаниясида ишлаб юрган пайтларим 1-рақамли сотувчи бўлдим ва кейинроқ сотув бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилдим. Янги иш ўрнимда муваффақиятсизликка учраб, бой отамдан маслаҳат сўрадим.

Қарангки, янги лавозимимда, менинг олдинги ишим – сотувчилик одатларим билан боғлиқ бўлган муаммо юзага келган экан. Отамнинг: «Иш вақтини қай тарзда унумли сарф қилиш керак» деган саволига жавоб бериб, савдо бўлимининг бошлиғи эмас, ҳали ҳам сотувчи эканлигимни билиб қолдим.

Отам вақтни ҳисобга олиб, қилаётган ишимни ёзиб юришимни маслаҳат берди. Бир мунча вақт ўтгандан сўнг, ёзувларимни кўздан кечириб, шунини аниқладимки, бошлиқлик мажбуриятларимни жуда яхши билсам-да, мен ҳалигача вақтимни олдингидай, ўша сотувчилик давримдагидай ўйлаб ва ҳаракат қилиб сарфлаётган эканман. Эски ва янги ролларимга кетган соатларни аниқ ҳисоблаб ёзиб юриш мобайнида, ўз одатларимни ўзгартириб, кўп вақтимни бўлим бошлиқлиги лавозимимга ажрата бошладим.

Ролларимизнинг ўзгариши ҳаёт тарзимизда катта ўзгаришларга сабаб бўлади: университетга кириш, уйланиш, болаларнинг пайдо бўлиши, ишни алмаштириш, яшаш жойини ўзгартириш, нафақага чиқиш. Шу тарзда вақтни сафлаш борасидаги усулларингиз ўтмишдаги эмас, айнан ўша пайтдаги ҳолатингизга қараб ўзгаради.

## НЕГА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚИЙИН

Пайти келса, инсон одатга зид равишда қанақадир ўзгача йўл тутишни хоҳлаб қолади. Серқирра ўйланган, ҳис-ҳаяжонга бой, хаёлдан ўтказилган ҳаётий эҳтиёжларни қондириш лозим бўлса-да, аммо ҳаммасини бир вақтнинг ўзида бажариш амри маҳол.

Мен «Пул оқимининг квадранти» китобимда рационал ва ҳаяжонли фикрлар устидан қуйидагича мулоҳаза юритдим:

1:24 рационалли:ҳаяжонли.

Баъзан бу иккиси бир-бирлари билан рақобатлашиши керак. Ишми ёки гольф ўйнашми? Китоб ўқишми ёки бола билан ўйнашми? Иккинчи чашкадаги кофени ичишми ёки ўтириб ишлашми? Қандай қарорга келиш лозим?

Дўстларимдан бири Мистер Смит диктафон ишлатиш вақтни тежайди деб ўйлайди, аммо унинг калласига бу ишни қилиш, деворга гапирган билан баробар-ку, деган фикр келиб қолади. Унинг бу ҳолагини тушуниб, кулок солиш керакми ёки бошиданок сўзларингизни котибага айтиб ёздирганингиз маъқулми?

Мистер Смит бу муаммони ечди. У столи устига котибасининг суратини қўйди ва унга қараб диктафонга сўзларини ёзди. Унинг бу қилган иши ўзига ёққанди. Чунки, гўё тирик инсонга ўз сўзларини гапиргандай ҳис қилганди-да. Аммо бу завқ хотини кечки овқатни у билан бирга қилиш учун офисга кириб келгунча чўзилди, холос. Хотин эрининг столида котибанинг суратини кўради. Котибанинг майдаланган сурати устига сочилган ҳолда кўйлаги йиртилиб, полда ётган Мистер Смитнинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг.

Офисида ўтириб ким учун пул топаётганини ўзи ҳам эслаб туриши учун, у иш столининг устига хотини ва бошқа оила аъзоларининг суратини қўйгани яхшироқ ва маъқул бўларди, менимча.

## «МЕНГА КЕРАК» ВА «ҲОЗИР КЕРАК» ЎРТАСИДАГИ МОЖАРО

Узоқ ва қисқа муддатли мақсадлар ўртасидаги можарони ечиш қийин иш. Сизга бугунги кечки овқатни тайёрлаш муҳимми ёки ҳафтанинг охирида келадиган меҳмонлар учун тайёргарлик кўришми? Қайсиниси яхши, гулхонага сув куйишми ёки гуллар ҳақидаги китобни ўқишми?

Нейлон катмончаларни ишлаб чиқариш билан шуғулланган пайтларим, ишимда чигалликлар тўлиб кетганди. Вазият буюртмани бир ҳафтада етказишни тақозо қилса-да, уни етказиб бериш учун бир ой вақт кетар эди. Муаммони ҳал қилиш учун рационал таклифни ўйлаб топдим, аммо бу тизимни ишга тушириш учун камида икки ой керак эди. Энди мен ҳар бир келган буюртмачига икки ойдан кейин келишини айтайми? Бу муддат менга янги тизимни ўрганиб, ишга тушириб олишим учун ҳам муҳим. Аксига олиб, кўпайиб, тўпланиб бораётган қарзлар ҳалокатли ҳолатни вужудга келтираётганди. Янги тизимим ишга тушиб, ҳар куни конвейердан керакли маҳсулот чиққунича, мен зарурий чораларни кўллаб, буюртмадан бўлган қарзларимнинг маълум бир қисмини тўлаб туришим ҳам керак эдими? Ҳақиқат шундан иборатки, янги тизим ўйлаб топмаганимда, компанияга қарзларни тўлаш қийин бўларди. Мен янги тизимим воситасида аста-секинлик билан қарзларни тўлай бошладим.

Қисқа муддатли мақсадлар учун қарор қабул қилиб, ҳар куни бирор нарса қилишга эришиш керакми ёки узоқ муддатли мақсад учун қарорлар қабул қилиб ҳолатни ўзгартирайми? Қандай чора кўрмайин, мен барибир кимнидир оғринтиришимни билардим. Бирини кўлласам, иккинчисини йўқотишим аниқ эди.

Бу вазиятда мен мураса кўчасини танладим, яъни ҳар куни оз-оздан буюртмачиларни рози қилиб, асталик билан

тизимни ҳам ишга тушира бошладим. Бу менга яхши дарс бўлди. Ўз бизнесимни сақлаб қолмоқчи бўлсам, қандайин ечимни топсам ҳам, охир-оқибат барибир, узоқ муддатли мақсад ва қисқа муддатли мақсад ўртасидаги келишмовчиликнинг ҳам ечимини топишим керак бўлади.

## ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР

Вақтни сарфлаш – бу юз минглаб, ҳар йили қиладиган катта-ю кичик танловларингиз, ойда, кунда, ҳар ҳафтада ва дақиқаларда қабул қиладиган ва турлича ечимини топадиган қарорларингиз. Сиз ўзингизга ҳисобот бера оласизми, нима учун бошқа одамларга нисбатан муносабатингизни ўйлаб турли қарорлар қабул қиласиз?

*Мана бир нечта мисоллар:*

**Одат.** Йилдан-йилга Жонслар оиласи билан ҳафтада бир учрашингиз одатга айланиб боради. Бу учрашувлар сизга қизиқарли кўринади ва ниҳоят бир куни биласизки, уларга нисбатан сизда олдингидай қизиқиш қолмаяпти. Бу учрашувлар сизга қандайдир институт бўлди ва улар билан учрашмасангиз-да, Жонсларни маъқуллашда давом этаверасиз.

**Ўзгаларнинг талаби.** Хотинингиз уйга ёшроқ боғбонни ишга олишни сўрайди, сизга бу ёкмаса-да, кўп қистовлардан сўнг рози бўласиз.

**Пуч орзулар.** Уйда, диванга ёнбошлаб олиб орзу қиласиз, қанийди ўша боғбон ёшгина аёл бўлса, лекин у сизга қиё боқармикин, шуни ўйлаб, ўзингизча ётиб олиб хавотирга тушасиз.

**Тасодифий танлов.** Кутилмаганда сиз концертга боришни хоҳлаб қоласиз. Сиз билан бирга боришлари учун Андерсонларга кўнғироқ қиласиз, лекин улар бошқа режалари борлигини айтишади ва сиз ноиложликдан сизга ёкмаса-да, бошқа танишингизни концертга таклиф этасиз.

**Дўстларнинг камёблиги.** Сиз қайсидир танишингининг таклифини одамлар орасида ёки ўзингизга ёлмаган давраларда ёки уйда интизорлик билан кутасиз.

**Оқилона қарорлар.** Оқилона қарор ва танловлар юкорида келтирилган мисоллар ичидан ҳам чиқиб қолиши мумкин. Фақат ўзингизга маъқул кўринган ва албатта, фойдали қарор ва танловларни қабул қилишингиз лозим.



## 5-БОБ

### НАЗОРАТ РЕЖАЛАШТИРИШДАН БОШЛАНАДИ

Ўқув машғулотларим ва семинарларимга сармоядорликни ўрганиш учун келадиган одамлар қуйидаги сўзларни айтишади:

«Ҳаёт ёнгинамдан ўтиб кетаяпти, менимча кўп вақтимни кераксиз ишларга сарфлаяпман, шекилли»;

«Мен ҳали кўп нарсаларни қилишим керак, аммо бунга вақтим етармикан?»;

«Мен чарчадим. Менимча, гўё адоғи йўқ тоққа тирмашаяпман, ҳеч қачон енгил тин ололмасам керак?».

Бу сўзларни кўпинча вақтларидаги муаммоларни назарда тутиб гапирган одамлардан эшитаман. Бундайлар кўпинча «қанийди...» деб номланган «ўйинни ўйнаганлар»дир. Бу арзлар муаммоларни ечиш учун айтилган сўзлар, албатта.

«Қанийди... вазиятни назоратимга ололсам эди».

«Қанийди... мен ўзим хоҳлаган нарсани қила олсам эди».

«Қанийди... фалончига ўхшаб, менда ҳам вақт етарли бўлганида эди».

### «РЕЖАНГИЗ БОРМИ?»

Назорат режалаштиришдан бошланади. «Менинг вақтим йўқ» деганларга доим мен бир савол билан мурожаат қиламан: «Сизнинг режангиз борми?» Ҳамманинг ҳафтада 168 соат вақти бор, аммо қандайдир режа, уни қандай амалга ошириш ҳолати ҳаммада ҳам бўлавермайди. Асл

муваффақиятли, батамом такомиллашган режаси бор одамлар дунёда 3% ни ташкил қилар экан.

Режалаштириш келажакни бугунга кўчириб, ҳозир нима биландир шуғулланишингизга имкон яратади. Кўпчилик турлича режалаштиради: кимдир эртага кечки пайт қайсидир кинони кўришни, баъзилар қайсидир дўстлариникига бориб аҳвол сўрашни, яна кимлардир ёзги таътилни қаердадир ўтказишни... Режаларнинг катта ва кичик, амалга оширса бўладиган-бўлмайдиган, шунчаки ўйинга ўхшаган ёки жиддий каби турлари бор.

Кўпчилик одамлар вазиятдан келиб чиқиб, ўйламасдан тугуриқсиз режалар тузишади. Бундай режалаштиришни жиддий деб бўлмайди, бу «режа бўйича ҳаракатланиш эмас, оқим бўйича сузиш» дегани.

Балки сизни ишингиз қийнаб кўяётганини ҳис этаётгандирсиз, кунлик режангизни қайтадан кўриб чиқиб, бошқача режа тузмоқчидирсиз. Ёки сизда таътил кунлари йиғилиб қолди ва ундан ёқимли тарзда фойдаланмоқчисиз. Бундай бир марталик режалаштириш ўзининг ижобий ва ёқимсиз томонларига эга. Агар сиз шу тарзда режалаштирсангиз, ўша вақтга келганда вазият ўзгариб, режангиз чиппақка чиқиши мумкин. Ҳали ҳеч бир одамни учратмадимки, мен тавсия қилган режалаштиришни қўллаб, зарар кўрганини. Аммо қулай режаларни туза олмай, ўзларига жабр қилганларнинг кўпини кўрганман.

## **ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИДАН ИБРАТ ОЛМОҚ**

Бой отам бирор нарсани бизга – болаларига уқтирмоқчи бўлганда, турли мисолларни келтирарди. Бир куни у мен ва Майклдан сўраб қолди: «Ишқибоз сураткаш билан уста сураткашнинг фарқи нимада?».

«Билмайман», дедим мен.

**«Билмайман», деди Майкл ҳам.**

**«Ишқибоз сураткаш шунчаки, ўша туғилган кун учун олиб борган плёнкасини ишлатиб, ўзича суратга олади ва ўзи билганча плёнкани ювиб, суратларни чиқаради. Суратларда кимдир тушмай қолиши, кимдир хўмрайиб, кимдир тиржайиб беўхшов суратга тушгани билан унинг иши йўқ. Унинг суратига тушган одам ўзини суратда хунук кўриб, сўзсиз ишқибоз сураткашлигини аниқ айтиши мумкин.**

**Уста сураткаш эса қандай маросимни суратга олаётганини тушунади ва у ерга бир эмас, балки ўнтадан ошиқ плёнка олиб боради. У ҳар бир инсонни, ҳатто феъл-атвориғача тушуниб суратга олади, сурат орти манзараларини ҳам унутмайди. Бир кўринишни беш-олти марта туширади ва чиқариш жараёнида энг яхшисини танлаб, сурат эгасига олиб келади. У сурат чиқаришга кетадиган кимёвий воситаларни ҳам танлаб ишлатади. Хуллас, у сурат чиқаришни бир санъат асарига айлантира олади. Қилган ишини синчковлик билан текшириб, сўнг буюртмани эгасига беради ва бунинг учун кўшимча ҳақ ҳам олиши мумкин. Хуллас бу, уста сураткашнинг касбий маҳорати. Ҳаётда худди уста сураткашдай ҳаракат қилиш лозим».**

## **ТАСОДИФИЙ ЁКИ АНИҚ МАҚСАД САРИ**

**«Айнан шундай. Тасодифий ва жиддий режалаштириш ҳам шундай талқин этилади. Шошилиб, тасодиф юзасидан режалар тузган одамнинг режалари ҳам, фақат ўша тасодифий ҳолатлар учун бўлиб, у асосий мақсадни мўлжалга ололмайди. Оқибатда у тутган йўлидан қоникмайди, ҳаракатларини бефойдадек ҳис этади. Ниҳоят, у ҳаққоний тўхтамга келади, яъни тушуниб етадики, режалаштириш унинг иши эмас ва бу ишни қилмай кўя қолади.**

Мақсад сари жиддий кадам ташлаган одам эса кўп киррали режа тузади. Мақсад йўлидаги барча тўсиқларни ҳисобга олади. Аста-секин унинг қилган ишлари ўз мевасини бера бошлайди. Режаларининг кетма-кет ўз навбати билан бажарилаётганини ҳис этади, мақсади йўлида учраётган муаммоларга, турли қийинчиликларга аҳамият беради. У хотиржам, чунки ўз режасидаги тўсиқ ва муаммоларни ҳам кўзда тутиб, унинг олдини олиш ёки қандай бартараф қилиш йўллариғача кўрсатиб ўтади», деганди бой отам.

## **АГАР АМАЛДА БАЖАРИЛСА – ЎРГАНСА БЎЛАДИ**

Менинг банкирларимдан бири ишининг кўплиги ва вақт етишмовчилигидан қийналарди. Бир куни шу масалада суҳбатлашиб ўтириб, ўзим кўллаган тизим ғояларини у билан бўлишдим. Унга ёқди ва бу тизимни ўзида синаб кўришга жазм қилди. Ҳозирда у кўп вақтини ўз оиласи билан яхтада ўтказаяпти. Ўзининг вақт борасидаги режасини синчковлик билан қайта тузгач, унга энди янги режаларни тузиш ҳам осон бўлиб қолганини тушуниб етди. Ўзининг ҳар кунлик ишини узоқ муддатли режалар асосида олиб боришга мослашиб олди. Унинг режалаштиришдаги маҳорати туғма эмас. Банкир режалаштириш учун кўп вақт ажратди ва кўп тер тўқди, холос.

## **ЎЗИНГИЗ АФЗАЛ ДЕБ БИЛГАН ИШНИ АНИҚЛАЙ ОЛАСИЗМИ?**

Доим ҳам режалаштириш ва асл танлов қилиш – осон иш эмас. У чуқур фикрлаш ва аниқ қарорни талаб этади. У яна сиздан афзаллик танловида қайси тамойилларга таяниб иш олиб бораётганингизни аниқлаб олишингизни ҳам талаб қилади.

Бир иқтидорли кинопродюсернинг хотини маслаҳатларимизни олиш жараёнида шикоят қилди: «Мен кўп вақтимни беҳуда сарфлайман, қолаверса ўзим хоҳлаган ишларга улгура олмайман». Буни қарангки, унинг муаммоси оиласига боғлиқ экан. Маслаҳатим билан, у аста-секин вақтини таксимлаб, ўзи хоҳлаган ишларга афзаллик томонларини татбиқ эта бошлади. У кўпроқ вақтини яхши кўрган ишига ажратса, оиласи билан муносабатларида ва қабул қиладиган қарорларида ўзи учун яхши шароит яратиб олишини тушуниб етди.

Турли баҳоналарни ишлатиш, афзал деб билган ишингиздаги турли фарқларни вужудга келтириб, турли қизиқишларга қарши чиқишингиз мумкин. Бу борада агар кинопродюсернинг хотини каби ўзингизга ҳисобот бериб борсангиз, ҳар қандай муаммонинг ечимини осон топасиз.

### **ТАНЛОВ: «ҲАММАСИДАН МУҲИМРОҒИ НИМА?!»**

Менга афзал ишни танлашим учун ёрқин мисол бўла олган одамлар – олий маълумотли камбағал отам ва ўз ўрнида бой отам бўла олади. Улар доим кўп ишлашган, шижоатли бўлишган, мақсад сари интилишган.

Инсоннинг айна дамда ўз фаоллиги ва ҳаётдан завқланиб яшаши, ҳадик ва келажак ҳақидаги қарашлари аниқ эмаслиги борасида оталаримнинг тутган ўринларини

эллигинчи йилларда айнан уларнинг афзал деб билган йўллари белгилаб берди.

Камбағал отам ёшларнинг яхши билим олишларини ўйлаб, ўз ҳаётини маориф тизимини ўзгартиришга бағишлади, аммо тизим уни мажақлаб ташлади. Бой отам эса йиллар давомида ўз тизимини яратди, ўз бизнесини курди, сармоялади ва ўғли Майклни империясини бошқаришга ўргатди. Натижа аён эди, мен албатта, бой отам тутган йўлни, яъни пул ва вақт билан моҳирона ишлаш йўлини танладим.

Кўпчилик режалаштиришда қийинчиликка дуч келишади, чунки улар бу жараёнда «кўп ўйлашни» кўришади, охирида хаёлан «бўшликни» ҳис қилишади ёки «пуч орзу»лар оғушига шўнғиб кетишади. Бундайлар режалаштиришдаги тасаввурларини ўзгартириб, аниқ бирор мақсадни олдиларига қўйишлари лозим.

## **РЕЖАЛАШТИРИШ – БУ «ЁЗМА ИШ»**

Минглаб одамлар билан суҳбатлашиб, уларни ўрганиб, шундай қарорга келдимки, режалаштириш бу «тасаввурий» иш эмас, балки «ёзма иш» экан. Кейинги саҳифаларда сизларга бир нечта машқлар берилади, сиздан илтимос қилардимки, улардаги савол-жавобларни ёзиб боринг. Агар сиз жавобларни ёзиб борсангиз, пуч орзулардан халос бўласиз ва тўғри қарор қабул қилишингизда бу сизга ёрдам беради.

Режалаштириш учун кетган вақтингизни «Қарор вақти» деб атайман. Чунки бу вақт давомида режалаштириш асносида қачон ва қандай қарорни амалга оширишни ўйлайсиз.

Узоқ муддатли, ўртача муддатли ва қисқа муддатли режалаштиришларда:

– рўйхат тузишингиз;

– афзал томонларни ажратишингиз керак бўлади.

Рўйхатингизда айтиб ўтилганларнинг барчаси тенг аҳамиятлидир. Рўйхатни тузиб бўлгандан сўнг, уларнинг ўринларини айни пайтдаги зарурий жиҳатлари бўйича белгилаб чиқинг.

Менимча, ҳар қайси рўйхатда ишни ўз зуруратлари жиҳатидан навбатга кўйилмас экан, мукамал деб атаб бўлмайди. Рўйхатни тузгандан сўнг, уни афзал жиҳатлари билан тугатинг.

## **РЕЖАЛАШТИРИШ АЛИФБОСИ**

Алфавитнинг олдинги ҳарфларини ишнинг мавқеига қараб ишлатинг: «А» ҳарфи учун энг зарурий ишларни ёзинг, «Б» учун ўртача аҳамиятлисини, «В» учун эса кичик аҳамиятлисини.

«А», «Б», «В» устунларга бўлиб чиққанингиздан сўнг, танловларингиз шартли эканлигини англаб етасиз. Балки танловингизга ишонқирамассиз. Аммо турли ишларни бири-бири билан солиштириш ишларни уч гуруҳга бўлишингизга имкон яратади. «А» гуруҳидаги иш сиз учун энг муҳим, шунинг учун ҳам унга кўпроқ вақт ажратишингиз лозим. Кейин эса «Б» гуруҳига ва «В» гуруҳига эътибор қаратасиз. Кунлик вақтингиз ва унинг тиғизлигини ҳисобга олган ҳолда, «А» гуруҳидаги ишларни ҳам А-1, А-2, А-3, А-4, шу йўсинда навбатлаштириб чиқишингиз керак. Албатта, ишларни бундай навбатлаштириш шартли ва сизнинг нуқтаи-назарингиз асосида тузилади. (Унутманг, бу фақат сизга боғлиқ ва фақат сиз қарор қабул қиласиз). Балки «А» гуруҳидаги ишларнинг муваффақиятли якунини кутарсиз. Бироқ ярим йўлда қийинчиликларга дуч келиб, бирдан сиз танлаган босқичда ноқулайлик яширинганини билиб қолиб, ишни ярим йўлда ташлаб кетишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу иш ҳақиқатдан ҳам «А» синфига тегишлимиди?

## ЎЗИНГИЗ БОШ ҲАКАМ

Ҳатто берган баҳонгизда иккилансангиз ҳам, бу сизнинг танловингиз эканини унутманг. Энг афзал ишни танлаш борасида бош ҳакам фақат ўзингиз саналасиз. Танловингиздан коникмасангиз ва яхши натижага эришолмасангиз, энг муҳим ишларингизни аниқлашингизга тўғри келади. Ва бу албатта, сиз тузган рўйхатга боғлиқ.

«А» гуруҳидаги ишлар «Б» ва «В»дагиларга қараганда яққолроқ кўзга ташланади. Рўйхатда кўрсатилган «А» гуруҳидаги ишларга асосий эътиборингизни қаратишингиз зарур. Ишнинг боришига қараб балки «Б» ва «В»дагилар олдинги ўринга чиқиб қолиши ва аксинча, биринчида турган объект рўйхатнинг охирига тушиб қолиши мумкин. Бу жараёни вақтингиздан унумли фойдаланиш нуқтаи назари билан баҳолашга ҳаракат қилинг.

## ТАНАФФУСЛАРДАН ҚЎРҚМАНГ

Қарор қилганингиз у ёки бу корхонага сарфлаган вақтингизнинг миқдори туфайли афзаллик томонларингиз ўзгариши мумкин. Икки соат вақтингизни бошлиғингиз берган вазифани бажариш учун ажратиб, уни мамнун қиларсиз (агар сизнингча уни «В» гуруҳидаги устувор йўналишларингиз орасига қўшиш мумкин бўлса), унда унутилмас хотиралар қолдиришни истасангиз, тўрт соат ажратасиз (бу ҳолат, албатта, «Б» гуруҳидан жой олади), бошлиғингиз кўз олдида мартабангиз ошишини истасангиз, ўз тадқиқотларингиздан келиб чиқиб, ўн соат ажратасиз. (Бу ҳолда эса ишни «А» гуруҳига қўйдингиз).

Бирозгина вақтингизни ажратиб, ўз болангизнинг кундалигини текшириб, ёмон баҳоларини муҳокама қилсангиз ёки унга қандайдир фойдали маслаҳатлар берсангиз, ёмон баҳони нега, қандай олганини болангиздан



ва ўқитувчисидан суриштирмай мулоҳаза юритсангиз, ўша озгина вақтингизни ҳам бекорга сарф қилган бўласиз.

Ваҳоланки, унчалик аҳамиятсиз ишларга кўп куч сарфлаб ўтириш шартмас. Бошқа томондан, қадрли корхонага чин дилдан куч сарфласа бўлади. Фақат яхши режалаштиришгина катта даромад олишингизга ёрдам беради ва вақтни тежайди.

## 6-БОБ

### ҲАЁТДА АЙНАН НИМАГА ЭРИШИШНИ ИСТАЙСИЗ?

Ҳаётдан мақсадингиз нима? Сиз яқин уч йилни қандай ўтказмоқчисиз? Агар олти ойдан кейин чакмоқ ҳаётингизга хавф солишини билганингизда, оралиқ олти ойни қандай яшаб ўтган бўлардингиз?

Балки сиз ҳеч қачон ўзингизнинг асосий бойлигингизни ҳисобламаган бўлсангиз керак. Бу бойликка ҳаммамиз эгамиз, бу – умримиз, ҳаётдаги дақиқалар, соатлар, кунлар ва йиллар. Биз шуларни кўра билсак, қадрига етсаккина, режалаштириш мукамал бўла олади.

Шунинг учун мен олдин ҳаётий мақсадингизни аниқлаб олиб, кейин режалаштиришни бошлашингизни тавсия қиламан.

Менинг бой отам ҳамisha шундай қилган. У Майкл иккимизга пул оқимининг квадрантини чизиб кўрсатиб, биздан: «Қаерда бўлишни хоҳлайсиз?» деб сўраганди.



Биз квадрантнинг ўнг томонини танладик, чунки биз Майкл билан ўнг томон ҳақида бой отамнинг шарофати билан яхши маълумотга эга эдик.

«Бойлар пул учун ишлашмайди – пул улар учун ишлайди. Инсон ўз олдига қўйган мақсадига ета олади, агар

у чиндан хоҳласа, у ҳақида доим фикрласа, режалар тузса ва унинг рўёбга чиқишини истаса ва қаттиқ ишласа», деб ҳамиша такрорларди бой отам. У бизга мақсадларимизни ёзишга мажбур қиларди ва бундай мақсадлар рўйхатини Ҳаётий Мақсадлар Декларацияси деб атарди.

## **ЧАҚИРИҚ ЙЎЛЛАНИ**

У бизга айтганди: «Америка 200 йил олдин дунёга Мустақиллик Декларацияси билан ўзини танитди. Сиз дунёга ўз Ҳаётий Мақсадлар Декларациянгиз билан ўзингизни танитишингиз лозим. Бу сизнинг дунёга чақириғингиз бўлади. Агар тиришқоқ бўлсангиз, дунё чақириғингизни қабул қилади ва ўз муносиб ўрнингизни топасиз».

Бир-икки дақиқалик муаммоларингизни вақтинча унутинг. Ҳозирок ўз Ҳаётий Мақсадлар Декларациянгизни ёзинг. Бу ҳужжат ёрдамида сиз аслида нимани хоҳлаётганингизни аниқлаб, унга эришиш йўлини топиб, вақтни оқилона сарфлашга ўрганасиз. Бундай Декларация мақсад сари интилишдаги йўналишингизни аниқлаб, ўз тақдирингиз устидан хўжайин эканингизни ҳис қилишингизда кўмакчи бўла олади.

Сиз унинг ёрдамида ноёб асбобга эга бўласиз, бу асбоб ёрдамида турли йўналишларни баҳолай оласиз. Сиз бунда кераксиз нарсаларни англаб, вақтни бесамар сарфлашдан тийиласиз ва аксил ноқулай ишларни бажариб, ғовларни унинг ёрдамида енгиб ўтасиз. Ҳаётингиздаги турли томонларни кўра оласиз. Сизнинг Ҳаётий Мақсадлар Декларациянгиз – жанг ёки олдиндан кўриш эмас. Бир вароқ қоғозга ёзганларингиз ҳеч нарсани белгилаб бермайди.

## АНГЛАШНИНГ ҲАМ ЎЗ ВАҚТИ БОР

Биз Майкл билан болалигимизда нима учун буни қилишимиз кераклигини тушунмасдик, бой отам айтган гапларни ҳам унчалик англай олмасдик, ахир унинг олдига қандай қилиб кўп пул топишни ўргангани борардик-да. Лекин у ҳам биздан унинг ҳар бир сўзини тушунишимизни талаб қилмасди. У турли чизмаларни чизиб бизга кўрсатар ва амалий вазифалар бериб, бажаришимизни сўрарди. «Сиз ҳозир Монополия ўйинини ўйнаяпсиз, вақти келиб шу ўйинни ҳаётингиз мобайнида амалда бутун дунё бўйлаб ўйнашингизга тўғри келади. Ҳар доим буни қилишингиз учун, сиз ўз Декларациянгни ёзишни ҳозир ўрганинг. Режа – келажакда ҳаётдаги жойингизни белгилаб беради».

## МАҚСАДЛАРНИ ЁЗИБ ЮРИШ КЕРАК

Баъзи одамлар бундай Декларацияни тузишга эринишади. Кимгадир кийин кўринади, баъзиларнинг таъкидлашларича, бу иш хижолатли вазиятларни келтириб чиқаради. Баъзилар эса олдиндан ёзилган режа танловни чеклайди, деб ўйлашади.

Ишонтириб айтаманки, ҳеч нарса ҳақиқатдан устун кела олмайди. Менинг семинар ва дарсларимда қатнашган 15 мингдан ортиқ киши ўз Декларацияларини тузишган ва мен аниқ айта оламанки, улар ҳаётлари давомида нима қилишлари ҳақида аниқ таассуротга эгалар.

Менинг дарсларимга қатнашмасдан олдин ҳеч қайсилари бу ишга кўл уришмаганди.

Шунинг учун сизга бир савол билан мурожаат этишимга рухсат беринг: «Қандай ҳаётий мақсадларингиз бор?». Аслида онгли равишдами-йўқми, барибир ўз ҳаётий мақсадларингиз ҳақида ўйлаб юрасиз. Аммо улар ҳақида ўйлаш билан ёзиб юриш ўртасида катта фарқ бор. Ёзилмаган

мақсадлар туман ичига сингиган орзулар мисолидир, яъни «Саёҳатга чиқсам яхши бўларди», «Миллионер бўлсам яхши эди» сингари ниятлар каби. Агар фикр-ўйларингизни ёзиб юрсангиз, улар аниқ бажариладиган фойдали ишга айланиши мумкин. Ўзингиз анча йиллар давомида ният қилиб юрган орзуларингизни ёзувларда кўриб, олдингизда янги нуқтаи назардаги қарашлар очилади. Сиз бу орзуларга бошқача кўз билан қараб, улар ўз қилинига тушганини кўргач, ҳар бирини тубдан ўргана бошлайсиз.

## МАҚСАДЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУМКИН

Энди уларни диққат билан тафтиш қилиш, ўзгартириш, такомиллаштириш, бу борада фикрлаш ҳам мумкин. Бундан ташқари сиз ахамият бермаган, четга суриб қўйилган, лекин ҳозирда муҳим бўлган мақсадларни ҳам қолипланмаган орзуларингиз ичидан топишингиз қийин эмас.

Сиз ёзувда ўз интилишларингизни ҳаётингиз мобайнида минглаб марта ҳаёлингиздан ўтган сўзлар билан эмас, балки қисқа аниқ сатрларда баён қилиб, акс эттиришингиз лозим. Ёзган фикрларингиз бу сизнинг қарорингиз ва ҳар бир сўзингиз устувор йўналишларингизни аниқлаб беради, унинг келиб чиқиш сабаблари сизни ҳайрон қолдириши ҳам мумкин. Агар ҳеч қачон мақсадларингизни қоғозга туширмаган бўлсангиз, қуйида келтириладиган машқлар сизга бу ёзувни бошлашингизга ёрдам беради.

Агарда бундай ёзувингиз бўлса, унда бу машқ фикрларингизни аниқлаштириб олишингизга ёрдам беради.

**Машқ:** ўз ҳаётий мақсадларингизни қандай аниқлайсиз? (бажариш шарт): Уч-тўрт варақ қоғоз олинг ва ручка ёки қалам билан соатни ҳам олдингизга қўйинг. Машқ учун ўн беш дақиқа ажратинг.

## **ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР ЮЗАСИДАН БИРИНЧИ САВОЛ**

Биринчи варақнинг тепа қисмига савол ёзинг: «Менинг ҳаётий мақсадларим нималардан иборат?» (ўз ҳаётий мақсадларингизни аниқлар экансиз, шуни назарда тутинг, ёшингизга қараб турли жавоблар оласиз, яъни олдингизга қўядиган мақсадларни ҳозирги вазият ва ёшингиздан келиб чиқиб қўйишингиз лозим бўлади).

Ропша-роса икки дақиқада юқоридаги саволга жавоб оласиз. Иложи борича асосий сўзлар билан чегараланиб, қисқа ёзинг. Аммо сизда шахсий, оилавий, умумий иш юзасидан, моддий ва маънавий ҳаётингиз ҳақидаги мақсадларингизни тузишда тўхталиб ўтишингиз учун вақтингиз бор.

### **ЎЗИНГИЗГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ**

Рўйхатингиз кўпроқ жисмларни ўз ичига олсин. Кўпроқ сўзларни ёзишга ҳаракат қилинг. Илк босқичдаёқ ўзингизни ҳаётингиздаги мақсадларингизга тобедек ҳис қилмаслигингиз учун ҳаёлингизга келган ҳамма нарсаларни ёзинг.

Ушалиб бўлмас орзуларингизни ёзишдан кўрқманг. Ўз тасаввурларингизни бўғманг. Ҳаёлингиздаги миллионлардан тортиб, океан узра саёҳатларгача, қанчага озиш ёки семиришингизни хоҳлашингиз ҳақида ҳам ёзаверинг.

Икки дақиқа ўтгач, ўзингизга яна икки дақиқа ажратинг, бирор муҳим нарсани унугмадингизмикан? Ҳозирги ҳаётингиздан келиб чиқиб, сиз яна бир-иккита ҳаётий мақсадларни рўйхатга қўйишингиз мумкин. Агар сиз ишга кетиш йўлида ва келишда китобдан бош кўтармай ўқисангиз, демак, ақлингиз етмаётган ҳаётий мақсадларингиз бор. Кўп газета ўқишингиз шундан дарак берадики, сиз янгиликка ва ахборотга чанқоқсиз ёки кўнгилёзди нарсаларни хуш кўрасиз.

Бу мақсадлар сизга керакми-йўқми, ҳаммасини ўзингиз ҳал қилишингиз лозим.

## **ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР ЮЗАСИДАН ИККИНЧИ САВОЛ**

«Бахт», «муваффақият», «дотук», «севги», «оқамият ривожига ҳисса қўшиш» ва бошқа умумий тушунчалар сизга ҳаётий мақсад рўйхатингизда, тезкор ва чакқон кўл бўла олиши мумкин.

Сиз иккинчи саволга жавоб бериб, ҳаётий мақсадларингизни аниқ белгилаб олишингиз мумкин: «Яқин уч йилни мен қандай ўтказаман?» Яна икки дақиқа ичида жавоблар рўйхатини тузинг, кейин яна икки дақиқани керакли қўшимчалар ва аниқлик киритиш учун қўшинг.

## **ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР ЮЗАСИДАН УЧИНЧИ САВОЛ**

Ҳаётий мақсадга нисбатан қарапингиз ўзгарганда учинчи саволни ёзинг: «Агар олти ойдан сўнг чакмоқ уриб ҳаётим хавф остида қолишини билганимда, қолган умримни қандай яшаб ўтардим?»

Бу дегани, ердаги ҳаётингиз тугашига олти ой қолди, шу муддат ичида энг керакли ишларга улгуришингиз керак. Рўйхатни тузишда шунга аҳамият берингки, танлаган ишларингиз ҳаётдан кўз юмганингиздан кейин ҳам сизнинг иштирокингизсиз муваффақиятга эришсин. Сиз васият тузиш, қабр учун жой сотиб олиш каби шунга ўхшаш ишлардан кўра шу олти ой ичида фақат қандай яшашингиз ҳақида ўйлашингиз керак.

Бу саволнинг мақсад-моҳияти шундаки, сизда ростдан ҳам қилиниши энг зарур бўлган ишлар борми, балки уларга унчалик аҳамият бермагандирсиз, балки ҳозир уларга

эйтибор каратишингиз лозимдир. Балки олти ойдан сўнг ҳаётингиз туташини билиб олдингидай яшашингиз мумкин-дир, балки ишингизни ташлаб ўзингиздаги бор маблағни қадимдан орзу қилиб юрган нарсангиз учун сарфларсиз.

Ўз жавобларингизни икки дақиқа ичида ёзинг. кейин ўзингизнинг қарорингиз устида яна икки дақиқа ишланг. (Узоқ ўйлаб вақтни кетказманг, шунчаки ёзинг). Агар сиз ҳаётний мақсадларга доир учта саволга жавоб ёзмай китобни шу еригача ўқиб бўлсангиз, сизга маслаҳатим ортга қайтиб саволларга жавоб ёзинг. Буни ҳозирнинг ўзида бажаринг.

Бу жуда керакли машқ, агар уни бажарсангиз, сизга жуда катта фойдаси тегади.

## **ЮҚОРИДАГИ УЧТА САВОЛ УСТИДА ИШЛАШ**

Энди яна икки дақиқани, тезлик билан мақсадларингиз ёзилган рўйхатга кўз югуртириб, бирор кўшимча қилиш ва текшириш учун ажратинг. Рўйхатни кўриб чиққанингизда балки иккинчи саволга жавобингиз биринчи савол жавобининг давоми, баъзан учинчи саволга жавоб ҳам олдинги жавобларнинг давоми бўлиши мумкин.

Бироқ ҳаётларидаги вақт чегараланганини тушуниб етган кўпчилик одамларда ҳаётний мақсадлари ҳам бирдан ўзгариши мумкин. Масалан, мен ҳеч қачон одамларни ўқитишдан воз кечмайман ва дунё бўйлаб саёҳатни ҳам ёки «охирги кунимда охирги долларим»ни ишлатаман, деб ўйламайман.

Семинарларга, бизнес, сармоя ва вақт устидан ҳокимлик қилишни ўргатадиган дарсларга қатнашишни кўпайтираман ва шу билан бир қаторда кўпроқ дам оламан. Хуллас, ҳаётний мақсадимни ўзгартирмайман, чунки у мени қаноатлантиради.

Бундай пайтда яна бир бошқа одам айтиши мумкин: «Қилаётган ишимни тўхтатаман, ичаман, ейман ва ҳаётдан завқ оламан, чунки ўлишимга олти ой қолди. Саёҳатга



чиқаман, ҳамма пулимни ишлатаман, ҳамиша хоҳлаб келган ишим билан шуғулланаман». Аслида жавобнинг «ҳақиқийси» йўқ. Танлов фақат ўзингизга боғлиқ.

Қилиб юрган ишларидан мамнун одамлар, гап олти ойлик қолган умрга бориб тақалса, бу уларнинг ҳаёт услубларини ажратиб беради, холос: улар қандай яшашган бўлса шундай давом этишади. Кимки янги мақсадларни танласа, чуқур ўзгаришларга муҳтожлик сезади. Қандайдир бахтли фурсатни пойлаб, ўзингизни қийнашингиз шартмас. Саволдан мақсад, вазият ҳаётларига баҳо беришга изн берса, одамлар олти ойлик қолган умрини қандай ўтказишларида, соф онгли равишда фикрлай олишларида.

## МАҚСАДЛАР ЎРТАСИДАГИ МОЖАРО

Энди сизда аниқ мақсадлар рўйхати бор. Дейлик, рўйхатдаги ишларингизнинг миқдори сизга берилган вақтдан кўра кўпроқ, уларни бажаришга вақт етмайди.

Вақтнинг етишмовчилиги мақсадлар ўртасидаги тортишувга олиб келади. Бу тортишув муроса йўлини танлаши шартмас. Ишга кўпроқ вақт ажратиш мажбуриятингиз, оила даврасида кўпроқ бўлиш истагингиз билан тўқнашиб, келишмовчилик келтириб чиқариши мумкин. Бу рақобат сизни вақтдан унумли фойдаланишга ҳам ўргатади. Агар бу келишмовчилик сизнинг жаҳлингизни чиқарса, демак, икки томонни ҳам ўрганиб чиқишингиз учун вақт ажратишингизга тўғри келади.

## **МАҚСАДЛАР ҲУРАСИДАГИ ТУРТИШУВНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН?**

Бу келишмовчиликни устувор йўналишлар орқали ҳал қилиш мумкин. Сиз қайси мақсадлар айна пайтда энг зарури ва керакли эканини аниқлаб олишингиз лозим. Баъзи келишмовчиликлар мақсадларни ёзишингиз билан ўз-ўзидан ҳал бўлади. Мана шу йўл билан инсон, аслида зарур, лекин олдинлари аҳамият бермаган, ўзи учун фойдали нарсаларни билиб олади.

Баъзи келишмовчиликларни ҳал қилиш қийинроқ кечиши мумкин. Агар сизга иккита турли, аммо керакли мақсаддан бирини танлашга тўғри келиб қолса, устувор йўналишларни ўзгартириш ва чексиз тасавурлар қилишингиз мумкин. Мақсадларингиз қоғозга ёзилган – тошга эмас, уни ўзгартириш қийин иш эмас. Агар бир мақсадни иккинчисидан устун қўймоқчи бўлмасангиз, бунга кўникишингизга тўғри келади. Бир мақсадга кўпроқ вақт ажратиб, иккинчи мақсадни кўзлаётган бўлсангиз, иккиси ҳам мен учун зарур, деб айтишингиз мумкин.

Бу мақсадлар бир-бирига қарама-қарши, лекин иккиси ҳам бир хил аҳамиятга эга бўлса, ўзингизни хотиржам тутиб айтишингиз мумкин, мен битта мақсад сари бориш йўлидан қайтдим деб. Албатта ҳозирча. Лекин бир ҳафта ўтиб ёки бир йилдан сўнг ўша ортда қолдирган мақсадингизни ҳозирда олган билимингиз билан, албатта, рўёбга чиқарасиз.

Бошқа йўл йўқ. Сиз бор фикр-у хаёлингизни, жавобгарликни ҳис этган ҳолда устувор йўналишларни ажратиб, мақсадларга қаратишингиз лозим.

Мана шу бой отамнинг маслаҳати, учта рўйхатингиз ёрдамида мақсадларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратинг.

## **ҲАЁТИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРНИ ҚАНДАЙ АЖРАТИШ МУМКИН?**

Ҳаётий мақсадлар рўйхатини кўлингизга олинг ва унинг ичидан учта энг асосийсини танлаш учун бир дақиқа ажратинг. Уларни А-1, А-2, А-3 тарзида белгилаб чиқинг. Уч йиллик ва кейинги мақсадларни худди шундай навбати билан белгилаб чиқинг, кейин эса олти ойлигини ҳам.

Айтганимни қилган бўлсангиз, энди сизда тўққизта мақсад бор. Тўққизта мақсад ичидан энг асосийсини танлаб олиб, янги қоғозга уларни ёзиб, қуйидагича сарлавҳа кўйинг: «Учта узоқ муддатли мақсадларим». Уларнинг зарурий жиҳатларини ҳисобга олиб, навбат билан белгилаб чиқинг: А-1, А-2, А-3.

Бу йўл билан Ҳаётий Мақсадлар Декларациясининг матнига ва айни пайтда тасаввур этаётган, бажаришни хоҳлаган орзуларингизга эга бўлдингиз. Ўз миқозларим билан ишлаш жараёнида уларнинг ҳаётий мақсад декларацияларини такомиллаштиришларига ҳам ёрдам бераман. Натижада, миқозимнинг асл истаклари рўйхатини олгунимизча, у билан икки ҳафта олдин, олти-етти хил имкон йўлларини кашф этамиз.

### **ИШНИ ТАКРОРЛАНГ**

Декларациянгни қайта-қайта турли хилда тузишингиз мумкин. Сураткаш бир манзарани турли томондан суратга тушириб энг яхшисини танлагинидек, сиз ҳам Ҳаётий Мақсадлар Декларациянгни турли йўналишларда кўриб чиқинг. Бу сизга фойдали бўлади.

Шунинг учун эртага яна қайтадан машқни қайтаринг ва натижани солиштиринг. Жавоблар бир хил бўлмаслиги аниқ. Сиз олдинги вариантларда унутиб қолдирган нарсаларни аниқлашингиз ва бошқа кўшимчалар қилишин-

гиз ҳам мумкин. Декларациянгиз статистик маълумотларга ўхшайди, уни ҳамиша такроран кўриб чиқса бўлади.

Туғилган кунингиз – бу ишни такрорлашга қулай кун. Ёш ўсган сари мақсадлар ҳам ўзгариши ёки унга қарашлар ўзгача тус олиши мумкин. Кечаги қўлланган омишлар бугунга тўғри келмай қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳаётий мақсадлар сиз билан биргаликда ўсиб бориши керак.

## 7-БОБ

### ҲОЗИРНИНГ ЎЗИДА БОШЛАНГ

Ҳаётий Мақсадлар Декларацияси ёрдамида сиз келажагингиз асосини аниқлаб, ўз тасаввурларингизни ҳақиқатга айлантасиз.

Энди мен сизга, бой отам ўргатган вақтни назорат қиладиган бошқа асбобни ҳам беришим мумкин. Унинг ёрдамида сиз ўз ҳаётингиздаги мақсадларингизни ўзлаштириб такомиллаштиришингиз мумкин.

Бу режалаштириш ва режалар тузишга тегишли. Менинг бой отам кўпинча, ҳисоб ва режалаштиришни пулни режалаштириш ҳисоботи билан тенглаштирарди.


### ВАҚТ «АКТИВ» ҲАМ «ПАССИВ» ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН

Сизга таниш бўлган «Бой ота, камбағал ота» ва «Пул оқимининг квадранти» китобларимдаги чизма:



Бу чизмалар одам ҳаётидаги вақт оқимининг йўналиши ҳақидаги тушунчани тушунтириб бериш учун бой отам томонидан чизилиб фойдаланилганди. У – «Сенинг энг

катта имкониятинг – бу икки кулоғинг ўртаси ва сенинг вақтинг» – деб кўп такрорларди. Агар пулни ишлаб топиш керак бўлса, «даромад» устунчамизда нимадир пайдо бўлса, уни ақл билан ишлатилганда «актив»имиз катталашса, «даромад» устунчамиз учун бизга ҳар куни 24 соат берилса, қайси устунчамиз кун охирида тўлиб тошади, «активми ёки пассивми?»».



## ОЛДИНИГА ҚАДАМЛАР КИЧКИНА БЎЛАДИ

Ҳаётий мақсадларга эришиш умрингиз давомида кўплаб алоҳида тиришқоқликни талаб этади. Шунинг учун ҳам узок муддатли режалаштириш қисқа муддатли режалаштиришлар билан тўлдирилган бўлиши керак. Бундай режалаштириш алоҳида ҳаракатни талаб этади. Бу ҳаракатлар сизнинг қадамларингиз бўлиб, мақсад сари олиб боради.

Айтайлик, сиз йиллик ишончли таъминотни истайсиз. Дейлик, банкка 10 доллар кўйдингиз ёки брокерингиздан қайси яхши тармоқни сармоялашни сўрадингиз, демак, ўз мақсадларингиз томон юра бошладингиз.

Узоқ ва қисқа режаларингизни яхши тайёрлаган бўлсангиз, мақсад ва ютуқларингиз бир-бирига тўғри келади. Кўпинча қисқа муддатли режаларда ёдга олинган ҳаракатлар, ўзингиз танлаган узок муддатли режаларни амалга оширишда қўл келади.

**Биринчи навбатдаги мақсадларни амалга ошириш учун ишлар рўйхатини қандай тузиш керак?**

«Бахт», «муваффақият» ёки «молиявий мустақиллик» сингари мақсадларни амалга ошириш учун жуда кўп турли-туман йўллар бор.

Айтайлик, сиз бугун кечки пайт яхшилаб дам олишни хоҳлаб қолдингиз. Ишонаманки, бунинг учун сиз элликка яқин тадбирларни хаёлингиздан ўтказасиз. Шунга ўхшаб, ҳар қайси мақсадни, у аҳамиятлими ёки йўқми амалга ошириш мумкин.

Ҳар қандай мақсадни амалга оширишни бошлар экансиз, иложи борича ихтирочи бўлинг. Қаллангизга келган фикрни дарров ёзишга ўрганинг – бу тасаввурингизни ишлашга мажбур қилади. Агар сиз ўта тезкор ишласангиз ва қанчалар кўп ғояларни ёзсангиз, узоқни кўра билиш хусусиятингиз ўзининг оз бўлса-да кучини кўрсата бошлайди.

Бундан ташқари қилинадиган ҳаракатларни санаб чиқишга уриниш, сизга янги беқиёс текисликларни очишда ёрдам беради. Тезлик ичингиздаги иккиланиш ишга тушишга улгурмай туриб уни бошқаришингизга ёрдам беради.

Бу машқда энг асосийси – ёзишни давом эттириш. Ўз фикрларингизга баҳо берманг, бу рўйхат фақат ўзингиз учун. Агар бирор нарсани беркитиб, ёзмасангиз ўзингизни алдаган бўласиз.

## **ОЛДИН ЁЗИНГ**

Энг асосийси, ўз ҳаракатларингизни «яхши» ёки «ёмон»га ажратманг, айниқса, ёзиб турган пайтингизда. Бу ишни бажара олмайман, деб олдиндан ўз қўл-оёқларингизни занжирбанд қилманг. Яхшилаб рўйхатга разм солсангиз, олдин қийин кўринган ишлар жуда осонлик билан амалга ошириш мумкин бўлиб қолади.

Тасаввурлардан четга чиқмасликка тиришинг. Эҳтиёткорлик безовта қилмасин, рўйхатдаги бирорта ишни ёдга олинг, уларни амалга оширишингиз керак. Лекин ҳеч ким сизни бунга мажбур қилмайди. Қачонки, сиз устувор йўналишларни ажрата олсангиз, баъзи ишларни бажаришга вақт ва тиришқоқлик керак бўлишини англаб етасиз.

Ҳатто, етиб бўлмас орзулар ҳам фойда бериб қолиши мумкин. Агар тасаввурларингизни қўллаб кўрган бўлсангиз, унда ёзганларингиз воситасида янги тасаввурлар ўйлаб топинг. Уларга турли ҳаракат йўналишларини татбиқ этиб ёзинг. Энг асосийси – ёзишда давом этиш.

## **МАҚСАДЛАР ВА ИШЛАР ОРАСИДАГИ ФАРҚ**

Кўп иш билан шуғулланишингизга даъват этиб шуни айтмоқчиманки, мақсадни, ишни ва ҳаракатни алмаштириб қўйманг. Ёдингизда бўлсин, ишни амалга оширса бўлади. Айтайлик, сизнинг мақсадингиз – соғлом ҳаёт. Ҳаракат ёки бажарадиган ишингиз мақсадга эришишингизга ёрдам бера олади, яъни кечки овқатдан кейинги ширинликдан тийиласиз, ҳафтада уч марта жисмоний машқ қилиш ва 24 соат мобайнида тамаки чекмайсиз. Булар қилса бўладиган ишлар.

## **ЭНДИ СИЗ РЎЙХАТ ТУЗИШГА ТАЙЁРСИЗ**

Уч варақ қоғозни олиб, ҳар бирига мақсадлардан бирини ёзинг. Ҳар бир мақсад учун қилинадиган ишларни танлаймиз. Талабларга суянган ҳолда, уч дақиқани турли ишларни ўйлаб топишга ажратинг. Қилинадиган ишлар биринчи «А» мақсадга эришиш учун ўз таъсирини ўтказсин.

Кейин яна уч минутдан вақтни «А» тоифадаги иккинчи ва учинчи мақсадлар учун ажратинг. Учта рўйхатга қайтиб, уч дақиқадан ҳар бир варақ учун вақт ажратиб, қайта кўриб



чикиб, янги таклифлар киритган ҳолда ортикча нарсаларни олиб ташланг. Шунда биз учта мақсадда кўллаш учун иложи бор усулларга эга бўламиз.

Қачонлардир, юкори синф ўқувчилик давримда, бейсбол ўйинчиси бўлмоқчи эдим. Бу менинг «А» мақсадим эди. Бундан ташқари, коллежга ўқишга киришни ҳам истардим, айниқса, бой отамнинг умумий билим зарур, деган гапидан сўнг истагим янада ошди. Бу – менинг иккинчи «А» мақсадим эди. Яқин келажакдаги мақсадим эса мактаб бейсбол терма жамоасига кўшилиш бўлиб, бунинг учун мен жуда қаттиқ тайёргарлик кўришим, тинмай жисмонан шуғулланишим керак эди.

Мен хоҳлаган коллежга киришим учун эса мактабда яхши ўқиб-ўрганишим лозим эди. Ҳафта давомида инглиз тилидан муҳим имтиҳонга тайёрланиш – бу вазифа «А» гуруҳига тегишли. Ва мактаб бейсбол жамоасида яхши ўйнашим ҳам «А» гуруҳига тегишли бўлиб, биринчи «А» мақсадимни рўёбга чиқариш – яхши бейсболчи бўлишим учун эди.

## **ҲАЁТИМДАН ЯНА БИР МИСОЛ**

Коллеж ва Ҳарбий-Денгиз Кучларидаги хизматимни тугатгач, менинг узок муддатли мақсадим: бахтли ҳаёт ва сармоядан яхши даромад олиш бўлган. Бундай мақсад қилишимга сабаб, бой отам ва унинг ўғли Майклнинг яшаш тарзига ҳавасим келарди. Лекин яна киска муддатли мақсадим ҳам бор эди, пулга эга бўлиш билан бир каторда вақти келганда сармоядорлик билан шуғулланиш учун бизнес йўналишида тўғри танлов қилиш.

Мижозларимдан бири менинг фикримча, кўп вақтини бекорга кетказган. У менга ўз фикрини айтиб қолди: «Менга ҳозирги қилиб юрган ишим ёқмайди. Мен суғурта компанияси агентиман, лекин аслида реклама билан

шуғулланганим яхшимикан. Доим иш ахтариб кун ўтказаман, ҳар куни тушлик пайтида кимларгадир кўнғироқ қилиб иш сўрайман».

У шу яқин бир ой ичида бешта одам билан иш масаласида гаплашибди, аммо қарангки, ўша бешта одам билан у бундан беш ой олдин ҳам гаплашган экан. Қисқаси, у бир жойда ўраллашиб қолган. Реклама соҳасида ишлашни хоҳлаган одам ҳозирги рекламадаги рақобат туфайли, камида эллик киши билан суҳбат куриши керак эди. Қолаверса, у доим янги одамлар билан гаплашиши лозим эди, бир одам билан икки марта гаплашгани учун ниятлари рўёбга чиқмаганди.

## **КАМ АҲАМИЯТЛИ ИШЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИНИГ**

Агар сиз «А» гуруҳидаги ишларингизни ўта виждонан ёзган бўлсангиз, ишларнинг кўпайиб кетганидан анча ўзингизни қийнаб қўйишингиз мумкин. Ишларни бажаришга ва уни ҳаётга татбиқ қилишингиз учун кўп вақт керак бўлгани сабабли оз вақтингиз қолади. Шунинг учун ишнинг сиз учун аҳамиятлисига эътибор беринг ва аҳамиятсиз ишларни ёзиб ўтирманг.

Рўйхатга бир бошдан кўз югуртириб чиқинг ва ўзингизга савол беринг: «Сиз шу ишларга келаётган етти кун ичида, ҳеч бўлмаса беш дақиқа ажрата оласизми?»

Агар бу саволга кўнгилдагидек жавоб бера олмасангиз, унда ўша ишни рўйхатдан ўчириб ташланг. Сиз нега бу ишни ўчириб ташлаганингизга ҳисобот беришингиз шартмас. Балки бу ишни қилишга шунчаки сизда кайфият йўқдир. Балки бу ишни бажаришда сизга ёрдам берадиган одамнинг вақти йўқдир. Балки бу иш жуда қийиндир ёки бу ҳафта сизда вақтнинг ўзи йўқдир.

Рўйхатда етти кун ичида қила оладиган ишларингизнинг гина қолдиринг. Аҳамиятсиз ишларни чизиб ташлаганин-

гиздан сўнг, рўйхатда қолган ишларнинг ичидан шу келаётган етти кун ичида вақтингизни ажрата оладиган тўртта муҳимини ажратиб олинг.

Сиз чизиб ташлаган кичикми, каттами ишлар ҳақида ўйламанг. Уларни хаёлингиздан чиқариб, кўзингиз тушмайдиган жойга қўйинг, чунки бу ишлар сизни чалғитиб қўйиши мумкин. Сиз у ишларни келгуси ҳафтада ҳам қилишингиз мумкин. Энди «А» гуруҳидаги ишларнинг ижобий натижалар берадиганини ажратиб олганингиздан сўнг, уларнинг ҳаммасини битта қоғозга ёзиб чиқинг ва олдингизда йиғилиб қолган ишларга етти кун ичида вақт ажратинг.

Кейинги қадам, устувор йўналишларни ажратиш бўлади.

## **ЭНГ КЕРАКЛИСINI БЕЛГИЛАНГ**

А-1 деб энг зарурини ажратинг. Қолганларини эса А-2, А-3, А-4... деб белгилаб чиқинг. Шу тариха устувор йўналишларни белгилаб чиқдингиз, уларни бажаришга муддат қўйинг ва етти кунга мўлжаллаб жадвал тузинг.

Агар сиз ҳафта давомида уч марта кечки мактабга қатнасангиз, унда янги корхонангиз учун ҳафта давомида дам олиш кунидан ташқари икки кун оқшомингиз қолади. Қайси оқшомни иш учун ажратасиз? Агар сиз «Сармоялар йўлига йўлбошчи бой отам» китобини ўқишга жазм қилган бўлсангиз, қачондан ўқишни бошлайсиз? Балки ишга бориш ва ишдан қайтишда ўқимокчидирсиз? Ҳамма ниётларингизни рўйхатда кўрсатиб ўтинг.

## **БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ИШЛАРНИ ТАНЛАБ ЧИҚИНГ**

Ҳаётда олдингизга қўйган мақсадингизга қандай яқин бормокчисиз? Бунинг учун ҳамиша, ҳар куни сизда имконият топилади. «А» гуруҳдаги битта ишга кўл уринг. Шундагина мақсад сари интила бошлаган бўласиз. Олдинига «А» гуруҳидаги ишингиз рўйхатини бажарса бўладиган, қисқа ва лўнда қилиб ёзинг.

Агар танлаган ишингиз сизга кўп ва кийин кўринса, уни бир неча қисмга бўлинг ва ишни энг осон, керакли қисмдан бошланг. Агар сиз шундай танлаган бўлсангиз, демак, бугунги кун учун бошқаларидан афзалроқ ишни топибсиз.

Бир кунда 16 соат уйғоқлик пайтингизда, бундай иш учун бир неча дақиқаларни сарфласангиз, мақсад сари яқинлашган бўласиз. Нима учун бу ҳаракатни ҳозирнинг ўзида бошлаб қўяколмайсиз?

### **ҚИСҚА КЎРСАТМА**

Ҳаётий мақсадлар учун ёзилган боб айнан вақтни тўғри тақсимлаш ва назорат қилишни ўргатади.

Қилинадиган ишлар ҳақида қисқача маълумот:

– кўлингиздан келадиган ҳаётий мақсадларингизни санаб чиқинг;

– уларни тартиб билан навбатга қўйинг ва «А» гуруҳи учун ишни белгиланг:

– «А» гуруҳидаги ишни амалга ошириш учун қилинадиган ишлар рўйхатини тузинг;

– афзалларини аниқланг ва уларни «А» гуруҳи учун ажратинг;

– «А» гуруҳи ишлари учун жадвал тузинг;

– ишни жадвалдаги муддатда бажаришга ўрганинг.

## **8-БОБ**

### **СИЗГА ЖАДВАЛ ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШИ МУМКИН**

Балки янги иш бошлаб, олдингидан-да ўзингизга бандликни орттириб олгандирсиз, аммо бунда «А» гуруҳи учун тайёрлаган иш жадвалингиз сизга қўл келиши мумкин.

### **БУГУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК**

Айтайлик, олдинги ишларингизни бажариб юрибсиз, (идиш юваяпсиз, ишга, дўконларга бораяпсиз) лекин энди «А» гуруҳидаги мақсадларга эришиш учун кўпроқ ишламоқчисиз («А» гуруҳидаги ишлар олдинда ёзилган кўрсатмаларга эга). Яхши қарор қабул қилиш учун бир неча дақиқага ҳаётий мақсадларингизни четга суриб, ишни бошқа томондан бошланг.

Бугун нима қилишингиз керак? Албатта, ҳаётий мақсадлар ичида мажбурий эҳтиёжлар учун ҳам вақт керак, яъни овқатланиш, ухлаш дегандай. Аммо булар турли қисқа вақтларни талаб қилгани ҳолда, озроқ вақт ажратиб ҳам яхши жисмоний ҳаракатларга эришса бўлади.

Бундан ташқари, кунлик оддий кўринган, лекин қилиниши керак бўлган ишлар ўта кўп вақтни олади. Масалан: уйқудан туриш, эрталабки газетани ўқиш, мажлис ва йиғилишларга бориш, телевизор кўрсатувларини кўриш, иш жойингизни тартибга келтириш, оиладаги мажбуриятлар ва таниш-билишлардан хабар олиш, яна бошқа шунга

Ўхшаш майда-чуйдалар. Ҳар куни такрорланаверадиган ишларни ташкиллаштириш ўзингизга боғлиқ. Керакли ишлар, доимий ишлар, такрорланадиган ҳаракатлар булар кунлик ҳаракатлардир, бу керак, аммо мана шу ишлар жуда кўп вақтингизни олади.

Кеча ёки бир ҳафта олдин, бир ой олдин бошланган, лекин тугалланмаган ишлар бу ишни қилаётганлар учун доимий ҳар кунлик ишга айланиб улгурган. Бугунги бошлайдиган ишингиз эса янги мажбуриятингиз, бу қолдириб бўлмайдиган ишингиз бўлиши лозим.

### **«КАТТА» ВА «КИЧИК» РЕЖА**

Мен биринчи ва иккинчи китобларимни нашрдан чиқариб, таниқли ёзувчига айланганимдан сўнг, жуда кўп учрашувларга чиқишимга, телевидение, радио эшиттиришларида қатнашиб, турли семинарлар ўтказишимга тўғри келди. Аслида эса, мен кўпроқ вақтимни рафикам Ким билан ўтказишни, оилам даврасида бўлишни хоҳлардим. Бунинг учун менда вақт етишмай қолганди.

Шунда мен яна бой отамнинг қисқа муддатли ва узок муддатли режалаштиришга оид маслаҳатига мурожаат қилдим. Бой отам менга қуйидагиларни ўргатганди: «Сенда доим кунлик «катта режа» ва «кичик режа» бўлиши лозим. Вақтингни ўғирлайдиган вазиятга ва қолаверса, одамларга «йўқ» дейишни ўрганишинг керак».

Ҳаммаси, вақтингизни ямламай ютадиган нарсаларга тўғри хулоса чиқариб, вақтдан унумли фойдаланиб, ўзингиз учун сарфлайдиган вақтни топишингизга боғлиқ. Ҳаётий мақсадлардан ижобий натижа олиш учун ҳар кунлик вақтингизни режалаштиринг. Масалан, мен бундан бошқа йўлни билмайман.

## **ВАҚТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ УЧУН ҲАММАДА ҲАМ ВАҚТ ТОПИЛАДИМИ?**

Нима бўлишидан қатъий назар, режалаштиришга вақт ажратиш лозим. Бўш вақтингиз қанчалар оз бўлса, сиз учун режалаштириш шунчалар зарур. Кун ичи ёки кун охирида режалаштириш учун ўн дақиқа вақт ажратинг. Бу сизга келажакда ўз мевасини беради. Баъзан бу ишга вақтингиз йўқдай туюлиши мумкин. Аммо ўйлаб кўринг: агар сиз кунингизни режалаштирмас экансиз, сизда жуда оз вақт қолади, балки умуман қолмас; агар сиз вақтингизни режалаштирмас экансиз, зарурий ишдан кераксизини ажрата олмайсиз. Агар бутун эътиборингизни «А» гуруҳидаги ишга қаратган бўлсангиз-да, уни унумли бажара олмайсиз. Режасиз ишласангиз, кунни беҳуда ўтказишингиз мумкин. Шунинг учун мен яна таъкидлайман: режалаштиришга вақтингиз етмаяптими, ҳаммасидан кечиб режа тузишга вақт ажратишингиз керак.

### **АФЗАЛИНИ ТОПИНГ**

Энг яхшиси, кунингизни режалаштиришдан бошланг. Режалаштиришни эрталаб соф фикр билан амалга ошириш афзалроқ. Эрталабдан режа устида ишласангиз, жараённи яхши тушуниб етасиз ва уни кўнгилдагидек бажара оласиз. Соғлом фикр билан устувор йўналишларни ажрата олсангиз, бу ишдан бошқасига чалғимайсиз.

Режалаштиришни кечки пайт қилсангиз ҳам бунинг ўзига яраша афзаллиги бор, яъни сиз эртага қаерга боришни биласиз, бу нуқтаи-назардан қараганда ютуқ сиз томонда бўлади. Бундан ташқари, эртанги кунга режа тузган бўлсангиз, азонлаб туриб бош қотиришингизга ҳожат йўқ ва албатта, вақт ҳам йўқотмайсиз.

Кечки пайт тузилган режанинг яна бир яхши томони, ухлаб, дам олиб, эрталаб турганингиздан сўнг, ҳаётга татбиқ қилиш учун турли ғоялар билан қуролланган бўлишингиз мумкин. Хуллас, кечки ва эрталабки режалаштиришнинг ўз афзалликлари бор. Мен режалаштиришни иккала пайтда ҳам амалга оширишни маслаҳат бераман.

## **ВАҚТДАН ШУНДАЙ ФОЙДАЛАНИШНИ ЎЗИНГИЗДА СИНАЙ ОЛАСИЗМИ?**

Баъзи миждларим ҳафта мобайнида бажарган ишларига қанча вақт сарфлашганини ёзиб юришарди. Улар ўта виждонли одамлар бўлишгани учун вақт ва режалаштиришга жуда онгли равишда қарашга ўрганишган.

Улар режалаштириш учун ҳафта ичида тўрт соат сарфлашганини аниқлашди. Шундай тўхтамга келишдики, режалаштириш унчалик кўп вақт олмайди, аммо унинг самараси катта ва кўзга кўринарли: айниқса «А» гуруҳидаги ишларни бажаришда қўл келади ва одатий кунлик ишлар ҳам вақт ўғирламайди. Режалаштириш уларни энг керакли ишларга аҳамият қаратишга ўргатди.

Баъзи бизнесмен танишларим шундай одат чиқардиларки, эрталик режани тузишмагунча ишдан кетишмайди. Эрталаб эса ишхонага келиб, ўн беш дақиқани режанинг баъзи камчиликларини тўғрилашга сарф қилишади.

## **ЭРТАЛАБ РЕЖАЛАШТИРИШ УЧУН ЯХШИ ПАЙТ**

Одатда ҳамма ишимни эрталаб режалаштираман. Синчковлик билан режалаштиришни амалга оширсам-да, бунинг учун ҳафтада уч ярим соатдан ортиқ вақт йўқотмаганман. Азонлаб бешда тураман, бу пайтда уйдагилар ухлаб ётишади, уйимдаги тинчликдан режалаштириш учун фойдаланаман. Режа тузиш мобайнида,



ҳаётий мақсадларим рўйхатига қарайман ва «А» гуруҳидаги зарурий ишларнинг қайсинисини бошласам ҳаётий мақсад сари қадам ташлашим ҳақида ўйлайман. Нонушта пайтигача эса ишни бошлаган бўламан.

Шу китобни ёзиш жараёнида юқоридаги услубни қўллаб, рафикам уйқудан тургунча анча ишларни қилиб кўярдим. Мен сизга ҳар жума куни режаларингизни амалга оширишдаги қилган ишларингизни кўриб чиқиб, келаси етти кунга режа тузишингизга маслаҳат бераман. Бунда душанба учун тузган иш режангиз алоҳида кўринишга эга бўлиши керак. Душанбанинг эрталабида ўз режаларингизни аниқлаштириб олиб, «А» гуруҳидаги бир ҳафталик ишдан бошлашингиз керак. Ишлар жадвалини тузиш зарурий ишларни бажариш учун вақтни тежайди. Жадвал ҳамма ишларнинг муддати ва қанча вақт сарфлашингизни кўрсатиб туриши лозим.

## ЭНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Асосий тамойил режалаштириш пайтида бошқа ишлардан орттириб, «А» гуруҳи учун вақт ажратишдадир. «А» гуруҳидаги мақсадни амалга оширишда тезлик ва шижоатга эга бўлиш учун кўпроқ вақт ажратинг. Иложини топиб, ҳафтанинг бир кунини энг муҳим ишларни бажаришга сарфланг. (Айтайлик, сешанба ёки чоршанбанинг эрталабини ажратинг).

Гарчи кунингиз ортга суриб бўлмас ишлар билан издан чиқиб кетса-да, сизда «А» гуруҳидаги мақсадлар учун озроқ вақт қолади. «А» гуруҳидаги ишлар учун ҳар куни оз-оздан вақт ажратсангиз ҳам бўлади, шунда ҳам кўзлаган мақсадларингизни амалга ошира оласиз. Бу маҳоратни ўрганиш учун ҳар куни, иложи борича ўн беш дақиқани асосий устувор йўналишлар учун ажратиш лозим. Ёки бўлмаса «А»даги мақсад учун ҳафтанинг ҳар куни 9.30 дан

10.30 гача вақт тайинланг. Жуда бўлмаса, чоршанба куни  
2.00 дан 5.00 гача вақтни асосий мақсадга сарфланг.

## **ҲАФТАНИНГ БИР ОҚШОМИ – ТУРМУШ ЎРТОҒИНГИЗ УЧУН**

Энди оила қурган пайтларимизда бир қизиқ воқеа бўлганди. Рафиқам Кимнинг бир одати бор эди, у кўп учрашувлар тайинлаб, уйда кам бўларди, аниқроғи менга, хотиним билан уйда кам кўришаётгандек туюлганди ўшанда. Билдирмай бир иш қилдим, унинг кундалигини олиб, ҳафтанинг бир куни оқшомини танлаб, «бандман» деган ёзувни ёзиб қўйдим. Рафиқам асосан кундаликка қараб учрашувларни белгилагани учун, уни учрашувга таклиф қилишса, ўша пайтда бандлигини айтиб, уларга рад жавобини берарди. Бу билан хотиним мен учун, мен эса унинг учун оқшом ҳади қилишга ўргандик.

## **ЎТА ТИРИШҚОҚ БЎЛМАНГ**

Қаердадир ўқигандим: «24 соат мобайнида, ҳар бир дақиқада, ҳафта ичидаги 168 соатда қилган ишларингизни ёзиб юриш керак». Лекин мен бунга умуман қўшилмайман, чунки аввало бу иш кўп вақт олиши билан бирга одамни жуда чарчатиши мумкин. Бу вақтни бесамар ўтказиш демакдир.

Айтайлик, сиз соғлиғингиз туфайли овқатланиш рационингизни ўзгартирмасангиз бўлмаслигини билиб қолдингиз. Бунинг учун олдиндан нима қилишингизни, яъни қовурилган овқатни камайтириб, сабзавотга ўтишингизни ёки ҳар бир сабзавотни бирма-бир ёзиб чиқишингиз керакмас, аксинча сиз бир кунда қанча қовурилган овқат еб, бир ой мобайнида қанча еганингизни ёзиб юрсангиз, шунда соғлиғингиз яхшиланиши учун

ковурилган овқатни камайтирасиз ва сабзавотни ўз-ўзидан кўпайтирасиз.

Маҳоратимга суяниб айта оламанки, ҳамма нарсани майда-чуйдасигача ҳисобга олиб юрадиган одамлар ўз ҳисоб-китоблари ичига ўралашиб қолишади ва олдиларига кўйган мақсадларини икки кун ўтмай унутишади. Менимча, ҳисоб-китоб учунгина ҳисоблаш ҳеч қандай фойда бермайди. Аммо танлов асосида қилинган ҳисоб-китоб фойдали бўлиши мумкин. Ҳар бир нарсага тиришқоқлик билан ёпишиш ҳам ярамайди.

## **ЎЗ ВАҚТ РАЦИОНИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИНГ**

Овқат рационингизни ўзгартирганингиздек, вақт рационингизда ҳам ўзгартиришингиз мумкин. Агар бизнес ёки бирор ишингиз кўп вақтингизни олаётган, оилангизга кам вақт сарфлаётган бўлсангиз, бизнес ҳамкорлар билан суҳбатга камроқ вақт ажратинг, ҳамма қатори ишга боринг, ҳамма қатори ишдан қайтинг ва жадвалингизда кўпроқ вақтни ҳордиқ учун белгиланг.

Гольф ўйини учун кўпроқ, умумий ишларга кам вақт сарфлаш керакми?

Гольф ўйнаш учун вақтингизни камайтиришга қандайдир ҳисоблар юритишингиз шарт эмас. Оилавий ишларга ажратган вақтингиз керагидан ортиқми, ижод қилиш учун вақт йўқми? Уйингизни икки кунда майли чанг босиб кетсин, майли ҳеч қандай ҳисоб юргизишингиз шартмас, лекин сиз фаолиятингиз жадвалини тузинг. Яхшилаб ташкиллаштирилган жадвалга қараб сиз ҳамма хоҳлаган ва қилиниши керак бўлган ишларга вақт ажрата оласиз. Ёдингизда бўлсин: зарурий ишларга ҳамisha керакли вақтни топиш мумкин. Энг банд одамлар ҳам ўзлари хоҳлаган ишлари учун вақт топадилар, бу уларнинг вақтлари

кўплигидан эмас, моҳирона тузган жадваллари орқали бу ишни уддалашади.

Агар бир вақтнинг ўзида икки ишни қилмоқчи бўлсангиз, бунга жуда катта куч сарфлашингизга тўғри келади. Агар турли иккиланишларга чек қўйиб, вақтни тежасангиз, кўп куч сарфлашингизга ҳожат йўқ. Шунинг билан, ўрганиб қолган баъзи одатларингиз ортидан кўп вақт йўқотасиз. Одат кучини заифлаштиради: ўзингиз билмаган ҳолда бошқа пайтда қиладиган баъзи ишларингизга кўл урасиз ва асосий мақсадни унутиб қўясиз.

## **ЖУДА УНУМЛИ ИККИ ХИЛ ВАҚТ**

Жадвал тузаётганингизда эътиборингизни куннинг энг унумли пайтидаги вақтингизга қаратинг. Ички ишлар учун унумли вақт – бу куннинг кам самарадорлик пайти: эрталаб, кундузи ва оқшом. Ташқи ишлар учун унумли вақтда сиз ҳамкорлар ёки ишхонангиздаги одамлар билан учрашиб, фаол суҳбат кураётган пайтингизда, улар қаторига, албатта, оилангиз яқинларини ҳам қўшишингиз мумкин.

Ички ишлар учун унумли вақт – куннинг ички туйғуларингиз асосида қарорлар қабул қила оладиган пайтингиз. Мен шундай одамларни биламан, эрталабки соат 7.00 дан сўнг бошларига ҳеч қандай ғоя келмайди, баъзилари кечки соат 22.00 дан сўнг ярим тунгача фаоллашади.

Агар сизга кунда икки соатни танлаш керак бўлганда қайсиларини танлардингиз:

эрталабки 6.00 дан 8.00 гачами?

эрталабки 10.00 дан кун ярмигачами?

16.00 дан 18.00 гачами?

Танлаган икки соатингиз ички ишларингиз учун танланган энг унумли вақт бўлиши мумкин.

Ҳафта давомида шу икки соат ичида ҳақиқатдан ҳам ички туйғуларга таяниб фаолият кўрсата оласизми, шу икки

соат сиз учун унумлими, шуни текшириб кўринг. Ўз унумли вақтингизни ташки, кераксиз нарсалардан асранг ва уни асосий ишингизга сарфланг.

## **ЎЗИНГИЗ БИЛАН БЎЛИШГА ВАҚТ ТОПИНГ**

Бой отамнинг фикрича, ички ишлар учун энг унумли вақт – иш бошланишидаги биринчи соатлар. У айтадики: «Тонг фикрлаш учун яхши пайт. Фикрлаш эса, Генри Форднинг айтишича – бу жуда қийин машқ. Шунинг учун фикрлаш билан жуда кам одамлар шуғулланишади».

Айни пайтда кўпчилик бизнесменлар газета ўқишяпти, эзма журналистлар билан суҳбатлар куришяпти ва телефон кўнғироқларига жавоб беришяпти, ҳамкасблари билан гап сотиб ўтиришибди. Аммо яхшиси, бундай ишларга «самарасиз вақтлар» ажратилгани маъқул.

## **НИМА ЗАРУР БЎЛСА ЎШАНИ ОЛДИН БАЖАРИНГ**

Бир уй бекаси болаларни мактабга, эрини ишга жўнатиб, одатий уй ишларини бажариб бўлиб, уйда шуғулланадиган иши – гулдор шамларни тайёрлашни бошлайман, деб ният қилади. У уйни тозалаб, идишларни ювиб, соат 11.00 гача вақтини уй тозалашга бағишлаб, кучини ишлатибди. Кейин унга даромад берадиган ишини қилишга келганда, ўзида чарчоқ сезиб, икки соат ухлаб олишга жазм қилибди. Уйқудан турганда эса соат 14.30 бўлган, энди у болаларини мактабдан олиб келиши керак эди. Тушундики, унда даромад келтирадиган ишни қилишига вақти қолмади.

Четдан кузатувчи сифатида шуни айтаманки, у кунлик жадвални тузишдаёқ хатога йўл қўйган. Агар ўша жадвалдаги уй ишлари билан шам тайёрлашнинг ўрнини

алмаштирганда, у икки соатли унумли вақтга эга бўлиб, албатта, яхши кўрган даромадли иши билан шуғулланарди.

## **СИЗГА КЕРАКЛИ ОДАМЛАРНИНГ ЭҲТИЁЖИ ВА ОДАТЛАРИГА АҲАМИЯТ БЕРИНГ**

Баъзи одамлар ўзларини бировнинг ўрнига кўйишга ўрганишмаган, шунинг учун ҳам ўзгаларнинг жадвалларини ҳисобга олишмайди. Агар сиз ўз жадвалингизни бошқаларнинг эҳтиёжлари ва одатларидан келиб чиқиб туза олсангиз, бундан сизга фойда бўлади.

Қачонлардир «ксерокс» савдоси билан шуғулланиб юрганимда, бошлиғим ёнига тушлик пайтида келардим ва ўзимга тайёрлаган тушлигимни у билан баҳам кўриб, иш юзасидан ҳам гаплашиб олардим. У менга ажратадиган вақтини бошқа бир муаммо билан аралаштирмаслиги учун баъзан, у ҳали пальтосини ечмай туриб, хонасига кириб борардим. Илож топиш бу баъзи ҳолатларда ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун керакли нарса. Аммо ўз ҳаётингиз учун тиғиз жадвал тузсангиз, уйингизга ишдан сўнг эзилиб боришингиз аниқ. Тасодифий вазиятлар ҳам вақт талаб қилади. Масалан, кутилмаган телефон кўнғироғи, чакирилмаган меҳмон, ҳатто мактуб ҳам ҳамма режаларни ўзгартириб юбориши мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики, олдинда сизни қандай ҳолат кутаётганини билмасангиз-да, аммо кун мобайнида бошингизга мисли кўрилмаган ишлар ёғилиб, вақтингизни ўғирлашини кутиб яшаш лозим. Шунинг учун, фавқулотда вазиятларга ажратилган захира вақт бўлиши лозим.

Ҳеч бўлмаганда, захирага бир соат вақтни ажратиб кўйишни ўрганинг. Тузишдаги тиғизлик ва жадвалдаги ишларни иштиёқсиз бажариш, доимо соат милларига қараб ишлаш, вақти келиб ўта чидаб бўлмас туюлиши мумкин. Жадвалга тиркалган ва тиркалмаган ишларнинг мувозанатини сақлаб ишлашингиз умрингизнинг осуда ўтишини таъминлайди.

## 9-БОБ

### КУТМАГАН ЖОЙДАН ВАҚТНИ ҚАНДАЙ ТОПСА БЎЛАДИ

Кўп «интилувчан» ишчилар ўз ишларини оила ва шахсий ишларидан ҳам устун қўйишга ўрганишган. Шунчалар жонкуяр бўлишадикки, ютуқ ёки муваффақиятсизлик ва йўлларидан иш учун ажратилган вақтларини кутилмаганда бошқа нарсага сарф қилиш уларда айбдорлик ҳиссини уйғотади.

Ўзлари уларни танимасалар-да, жон куйдириб ишлайдиган ўзларига ўхшаган одамлар ҳақида турли кўрқинчли нарсаларни гапириб юришади. Оқибатда, ана ўшалар ошқозон ярасига ва инфарктга дучор бўлишади. Анча йиллар олдин ўтказилган қидирув ишлари шуни кўрсатганки, ўз шахсий вақтларини факат ишларига бағишлаган одамлар охир-оқибат, ҳалокатга учрашган экан.

Ўзини аямай ишлаш, ўзини жазолашдай гап. Инсон қанчалик кўп куч сарфлар экан, яна ўшанча кучга муҳтожлик сезаверади. Бора-бора ишида унум йўқолиб, ҳаётида кўп қийинчиликларга учраши мумкин. Гап қайсидир ишга вақт ажратишдагина эмас, балки ўша ишни муваффақиятли бажаришда ҳамдир. Менинг ўқимишли отам ўз иши, касб-кори учун ҳечам вақтини аямаган. У кўпинча ишда ушланиб қоларди ва ишни уйига кўтариб ҳам келарди. Унинг мен ва ука-сингилларим учун суҳбат қуришга, биз билан оилада бирга ўтиришга вақти йўқ эди. Бу ҳолат бизга ёқмасди. Ундан кўпинча: «Бугун ишдан кеч келаман», «Ишларим кўп», «Мана бу қоғозларни ҳафта охиригача тартибга солиб

кўйишим керак» деган гапларни эшитардим. У ўз ишига содиқ одам эди, аммо оиламиз бундан зарар кўрарди.

## **ЎЛИМДАН ОЛДИН НИМА ДЕЙИШАДИ**

Бой отамнинг дарсларидан бири иш ва оила билан дам олиш ҳақида эди. У бу ҳақда кўйидагича мулоҳаза юргизарди: «Ўлиמידан олдин ишимга кам вақт ажратдим, деб иши учун қайғурган ҳеч бир инсонни учратмадим. Улар асосан оиламга, болаларимга, дўстларимга ва яқинларимга вақт ажрата олмадим, дейишади». Хўп шундай экан, нега вақтимизни режалаштиришга имкониятимиз бор бўла туриб, вақтни тўғри бўлиш ва назоратимизга олиш учун жадвал тузмаймиз? Ўша жадвал орқали ҳаётнинг ҳар бир лаззатидан фойдаланиб бахтли ҳаёт кечирмаймиз?

## **ДЎСТИМГА ЁРДАМ БЕРДИ**

Учрашганимизда ишининг ҳаддан зиёд кўплиги ва ҳаётида хурсандчиликнинг камлиги ҳақида шикоят қилиб, ҳасрати ичига сиғмай юрган, касби архитектор бўлган дўстим ёдимга тушди. Ўшанда у эндигина ошқозон яраси касаллигидан оғриб, касалхонадан чиққан пайти эди. Дўстим ҳафта давомида 60 соат ишларди, лекин рафиқаси ва болаларига вақт ажрата олмади.

Мен унга ёзда, ҳафтанинг охири, жума кунининг ўртала-рида оиласини олиб, Тахо кўли қирғоғига бориб дам олишни маслаҳат бердим. У айтганимни қилиб, кўл бўйидан уй сотиб олди ва ҳар ҳафтанинг охирида, оиласи билан у ерга бориб дам олишни одат қилди. Қарангки, у болалари билан қайта танишди, рафиқасини яна севиб қолди, соғлиғи тикланди.

Ишидаги ривож унинг ишга кўп вақт ажратишида эмаслигини тушунди. У ҳафта давомидаги 60 соат ишини,



15 соатга қисқартирган бўлса-да, ишидан олдингидан кўпроқ мамнун эди. Қилган ишига мукофот сифатида дам олиш мобайнида у ажойиб ғояларга эга бўлди. 60 соатлик ишидаги ягона ўзгариш, чизмаларни ўзи чизишдан бош тортди ва бу ишни чизмачига топширди.

Агар жуда ҳолдан тойган бўлсангиз яхши ишлай оласизми? Албатта, йўқ. Яхшиси, аввало чарчоқни енгиш керак. Ишдан эртароқ кетиб дам олиб, эртасига икки ҳисса қилиб ишлаш лозим.

## **ҲЕЧ НАРСАДАН КЎП НАРСА**

Ўйлайманки, ишни яхши режалаштирсангиз, дам олишга вақт топа оласиз. Ҳеч нарса қилмай кўп нарсага эришишингиз мумкин ва бундан ўзингиз мамнун бўласиз.

Ҳарбий Денгиз Кучларида хизматдалик пайтимда танишган авиация инженери ҳалигача ёдимда. У «ҳеч нима қилмаслик» ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмас эди. Унинг ҳаётидаги ҳар бир дақиқаси қанақадир иш билан тўлдирилганди, ҳатто спорт билан шуғулланиш учун ҳам жадвали бор эди. Тоғ чанғиси, хоккей, сув чанғиси ва теннис шулар жумласидан. Рафиқаси уни шу машғулотларга кузатишдан кўра, гулхан ёнида у билан бир оз бўлса ҳам вақтини ўтказгиси келган бўлса ажабмас. Кўпчилик қатори у ҳам нима биландир шуғулланишга одатланганди. Унга «ҳеч нарса қилмаслик» – вақтни беҳуда ўтказишдай туюларди. Агар тасодифан гулхан атрофида ўтириб қолса, «Сайентифик Америкэн» журналини ўқирди ёки «бридж» ўйнарди. Ҳатто, севги соҳасидаги қарашлари ҳам аниқ жадвал асосида эди.

Биз у билан нафақага чиққанида учрашдик. У менинг китобимни ўқиб, учрашув белгилади ва биз чиройли кечки овқат уюштирдик. Нафақага чиққач, ўзига яна иш топиб

ишлаб юрган экан. Аммо ўша-ўша қатъий жадвалга риоя қилиб яшаб юрганди.

Тажриба учун мен унга беш дақиқани шунчаки, ўзини бўш қўйишга ва шу дақиқаларда яхши нарсаларни орзу қилишга бағишлашини маслаҳат бердим. Мен айтган ишни қилиб, у ниҳоят, бир оз бўлса-да қалбан тин олганини, руҳан дам олганини тан олди. Олдинги одатларига қарашлари ижобий томонга ўзгарди. Кунлик жадвални ўта тигиз тузиш ҳам ярамайди. Яхши дам меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмаган.

У юқорида айтилган нақлни тушунгандан сўнг, дам олиш – вақтни яхши ўтказиш эканига тушуниб, «ҳеч нима қилмасликдан» ҳузурлана бошлади. Олдинлари у шунчалик банд эдики, ҳаётнинг қувончини билмай яшаб юрганди. Уч йилдан сўнг кўрганимда у яна серҳаракат кўринса-да, энди яшаш тарзининг икки томонини ҳам бир хил қолипга солиб олганди. Меҳнат ва дам олиш бир маромда ушлансагина, ҳаётнинг кўп қувончли томонларини кўриш мумкин.

Менимча, ҳеч нима вақтнинг беҳуда ўтишига сабабчи эмас, шу қатори «ҳеч нарса қилмаслик» ҳам.

## **ОХИРИГАЧА БОРИШ ҲАМИША ҲАМ ЯХШИ ЭМАС**

Сизга коллеждаги бир синфдошим ҳақида гапириб берсам. У қандай ишга қўл урмасин, бефарқлик билан охиригача борарди. Бу иши билан кетма-кет иш жойини йўқотди. Ўзининг бизнеси ҳам унга вафо қилмади, муваффақиятсизликка учради. Унга шу кетиши бўлса ҳадемай жуда катта кулфат бошига тушишини айтганимдан сўнг, қайта туғилгандай кўзлари очилди. Тўғри, бошлаган ишни охирига етказиш керак, лекин иш юрмаслигига ақлингиз етиб, шароит ҳам шуни яққол кўрсатиб турса-да, бефарқ бўлиш ярамайди.

## **БОСИМНИ КАМАЙТИРИНГ**

Баъзан кўпроқ бўш вақтга эга бўлиш учун ишдаги босимни камайтириш керак. Агар бу ҳам ёрдам бермаса ёки иложи бўлмаса, ўзингизда бирор бир ўзгариш қилиш лозим.

Мендан сармоядорлик соҳасида маслаҳат олган бир дўконнинг молия бўлими бошлиғи айтиб берганди. У магазинда иш кўплигидан, доим ўз имкониятидан ташқари ишни бажариб келган. Икки йил мобайнида шу ишдаги босим билан яшаган. Бошлиғига кўп бор ёрдамчи олишни айтишига қарамай доим рад жавобини олган. У ҳафта давомида 60 соат ўрнига 80 соат ишлагани учун оиласи учун кам вақти қолган. Оқибатда ишдан кетишга қарор қилган.

Шу корхона ҳисобчиси эса бошқача йўл тутган. У 80 соат ўтириб, 40 соатли иш бажарган. Буни пайқаган бошлиқ иш унуми пасайиб, ҳисобчи ўз ишига улгура олмаётгандир, деб ўйлаб, ишга ёрдамчи ҳисобчи олган. Бўлим бошлиғи ҳам аслида шундай қилса бўларди-ку. Агар шундай иш тутганда икки йиллик кийинчилик уни чеклаб ўтарди.

## **УЙ БЕКАЛАРИДАГИ АСОСИЙ МУАММО**

Уй бекаларидаги бўш вақт бу алоҳида эътиборга молик. Улар 24 соат бўшамасликлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳаммасини ўз вақтида улгуриш ҳисси уларга сингиб кетган, десам адашмайман. Масалан: ҳаммадан эрта туриб нонушта тайёрлаш ва ўз вақтида кечки овқат тайёрлаш, бирор дақиқа кечикишга изн бермайди. Рўзгор ишларининг ҳаммаси уларнинг зиммасида. Буларни санаб ўтмасам-да, ҳамма яхши билади. Энг ёмони, кутилмаган ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш керак: болалар йиқилиб жароҳат олишлари мумкин, касал бўлишади ёки эркалик қилишади. Шундай ва бошқа пайтларда она доим ўз ўрнида бўлиши лозим. Агар ишласа-чи, уни соат бешда тайёр овқат билан ҳеч ким кутиб

олмайди. Оилавий бюджетни бир хил ушлаб туриш, бозор-ўчар қилиш, баъзи майда таъмир ишлари, озик-овқат масаласи, болалар орасидаги талашилаётган бирор буюм муаммоси ва очиқ рангли кўйлак кийиш, турли бошқа муаммоларга жавоб топиш, буларнинг ҳаммасини ёлғиз аёл бажарар экан, уни ҳам бир кичикроқ фирмада доимий, умрининг охиригача, руҳан ва жисмонан босим билан ишловчи ишчига ўхшатса бўлади.

Ҳаётий тажрибам ва кўрганларимдан келиб чиқиб айта оламанки, одатий уй бекасининг дам олишга ёки ўзи севган ишини қилишга вақти етмайди. Аммо ҳаммасини қолипга солишнинг бирдан-бир йўли ишларни ражалаштириш ҳамда жадвал тузиш, деб қатъий айта оламан.

Мен уй бекаларига доимий жадвал тузиб юришларини тавсия қиламан. Агар сиз шунчаки: «Келаси ҳафтадаги бўш вақтимдан фойдаланаман» десангиз, айтганингизни қила олишингизга ҳеч ким халақит бермаслигига, бирор кутилмаган иш чиқиб қолмаслигига қафолат йўқ.

Агар аёл бўш вақтга эга бўлишни хоҳласа, албатта, унга эриша олади. Бунинг учун сиз айрим керакли ишларингизни бошқа кунга кўчиришингиз керак, шундагина ўша кундаги бўш вақт сизники бўлади.

Бир аёлни биламан, у ҳар пайшанба кечки овқатни тайёрлашдан озод бўлган, чунки турмуш ўртоғи билан оқшомни бирор ресторанда ўтказишади.

Одамлар ўзлари билан ўзлари бўлиб қолишса, олдиларида очилаётган имкониятларни сезишмайди. Ўйлаб кўринг, аёл бўлсангиз болалар мактабда, эрингиз ишдалигида қандай имкониятлар кўлингизда бўлади. Шундай имкониятларни олдиндан белгилаб, энг яхши ва олий мақсадларингизга етиша оласиз.

## **КУНЛАР ОРАЛИҒИНИ ЎЗ ФОЙДАНГИЗ УЧУН ИШЛАТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ**

Меҳнат ва ўйин баробарлигига эришинг, деб айтгандим. Сиз менга айтишингиз мумкин: «Ахир, вақтим ҳаммасига етмаяпти». Бунга жавобим: «Келинг, кўриб чиқайлик-чи, озгина вақт топа олармиканмиз?» ёки аниқроғи: «Эътиборингиздан қочирган вақтингиз бормикан, кўрайлик-чи?». Масалан, кўпинча одамлар «оралиқ»ни сезмай қолишади. Биринчи «оралиқ» уйқудан туришингиздан бошланиб, одатий кунингизни бошлашингизда, аниқроғи, ишга кетаётганингизда тугайди. Кўпчилик эркаклар учун бу оралиқ вақт қирк дақиқалар атрофида, аёлларда эса кўпроқ.

Шу қирк дақиқалик оралиқ ишга кетиш вақтини ўн беш минутга қисқартирган одамни биламан. У қилиниши керак бўлган вазифаларнинг ҳаммасини бажарган: нонушта қилган, соқол олган, кийинган, аммо бу ишларни тезлик билан амалга оширган. Балки сиз учун бу оралиқ вақтни қисқартирмай чўзганингиз маъкулдир. Агар сизнинг кунингиз бир неча бўлақларга парчаланган бўлса, бу тайёргарлик учун кетадиган вақт ўзингиз билан ўзингиз қолишингиз учун ягона вақт, чунки сизни фақат шу пайтда ҳеч ким безовта қилмайди.

Бу вақтни бошланаётган кун ва қиладиган ишларингиз ҳақида яхшилаб ўйлаб олишингиз учун сарфлашингиз мумкин.

Олдин айтганимдек, соат 5.00 да уйғониб, икки соатни кун режасини тузишга бағишлайман ва ишхонамга бориб уни амалга ошираман.

## **СИЗ УЧУН ҚАЧОН УЙҒОНИШ ЯХШИ?**

Аксарият таниқли одамлар эрта уйғонишган ва уйғонишади. Масалан, Сенатдаги республикачиларнинг бошчиси Эверетт Дирксен 5-5.30 ларда туриб, ҳужжат ишларига ўтирган. 9.00 дан телефони жиринглашни бошлагунча, у улкан ишларни бажариб бўлган. «Тайёргарлик вақтини» бойитишнинг яна бошқа йўли ҳам мавжуд.

Масалан, Роберт Кеннеди соқолини олгунча Шекспир пьесаларини эшитган. Яна бир бошлиқ янги ва яхши ғоялар азонда пайдо бўлишини билиб қолиб, эрта туришга ўрганган. «Тайёргарлик вақти»ни югуриш, расм чизиш, китоб ўқиш ва ҳеч вақт ажрата олмаётган бошқа бирор ўзингиз севган ишлар билан шуғулланишга ишлатишингиз мумкин.

## **ЙЎЛДАГИ ВАҚТДАН ҚАНДАЙ ФЙДАЛАНСА БЎЛАДИ**

Йўлингизга кўп вақт кетишини билиб, ишхонангизга яқинроқ жойга кўчиб ўтишни хоҳлаганмисиз? Ишхонангизга яқин жойга кўчиб ўтиш қанчалар қийин бўлмасин, йўлни қисқартириш қанчалар фойдали эканини билсангиз эди.

Йўлдаги хавфсизлик – ҳаммасидан устун. Агар сиз ўз машинангизда бўлсангиз вақтдан фойдаланишингиз чегараланмади. Аммо бирор нарсага ўргатувчи аудио кассетани эшитишингизга ҳеч нарса халақит бермайди. Йўл-йўлакай кунлик режангиз ҳақидаги айрим қисқа мавзуларни ўйлаб, ёзув столингизга ўтирганнингиздан сўнг уни дарров қоғозга туширишингиз ҳам мумкин.

В. С. С.  
С. С. С.  
С. С. С.

## **КОФЕ ИЧИШ УЧУН ТАНАФФУСДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН**

Кофе ичиш учун танаффус – дам олиш учун яхши вақт. Аммо айтайлик, сиз унчалик чарчамагансиз. Балки бирор чет тилидаги иккитагина сўзни ўрганганингиз яхшироқдир? Балки тишингизга вақтинчалик кўйдирган пломбангиз тушиб кетмасидан олдин тиш докторингизга кўнғироқ қилганингиз маъқулроқдир.

## **ТУШЛИКНИНГ АСЛ БАҲОСИ**

Менга бу борада бахт кулиб бокқан, офисни жиним суймайди. Шунинг учун ҳам ҳозиргача офисим йўқ. Ҳар қандай иш юзасидан учрашувларни овқатланиш пайтида ёки бир чашка кофе билан ўтказишни яхши кўраман.

Агар сизнинг ҳам ишингиз меникига ўхшаб савдога алоқаси бўлса, миждозларингиз ўта муҳим одамлар. Улар билан тушлик қилиб, иш тўғрисида гаплашишингиз ишингизнинг олдинга босиш омилларидан бири бўла олади. Лекин баъзилар учун тушлик – бекорга сарф қилинган вақт. Аммо тушликни ҳам маромида қилиш мумкин. Балки уни бир озга қисқартириб, чўмилиб оларсиз. Тушлик пайти катта имкониятларни очиши мумкин.

## **ВАҚТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН**

Мен «Ксерокс» компаниясида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб юрган пайтларим, кўшни бўлим бошлиғининг бир одати бор эди. У тушликни хонасида қиларди. У иши шуни тақазо қилишини айтиб, тушликда «бутерброд» чайнаб ўтирарди. Унинг бу одати аста-секин салбий томонларини кўрсата бошлади, борган сайин асабий бўлиб кетаётган ҳамкасбим ўз кўл остидагиларга жаҳл қиладиган,

ўшқирадиган одат чиқарди. Ишида ҳам муҳим қарорлар қабул қилишга қийналарди.

Мен унга шошилмасдан овқат ейишни ва тушликни бошқа жойда қилишни тавсия қилдим. У гапимга кириб, тушликни ташқарида қиладиган бўлди. Кейинчалик, ҳар сафар тушлик пайтида уни турли одамлар билан кўра бошладим. Ўз кўл остидагилар билан тушлик қилгани учун, уларни тушуна бошлади. Ҳаммаси аста-секинлик билан ўрнига тушди. Бирга тушлик қиладиган одамлари ичида дўстлари ва яқинлари ҳам бўларди. Ҳатто янги дўстлар ва яқин танишлар ҳам орттирди.

Кўл остидагилар устидан унинг устун жиҳатлари ҳам бор эди, чунки у ҳамманинг ким эканини, шароити қандайлигини, феъл-атворларини беш кўлдай билиб олганди ва улар билан бемалол гаплаша оларди.

Бошлиқ сифатида шуни тушуниб етдики: нимани истеъмом қилаётганинг аҳамиятли эмас, ким билан истеъмом қилаётганинг ва стол атрофида нима ҳақида гаплашишинг аҳамиятли.

## **КУТИШ ВАҚТИДАН ҚАНДАЙ Фойдаланиш керак**

Агар сизга автобус ёки поездни кутишга тўғри келиб қолса, ўша вақтдан ҳам унумли фойдаланишингиз мумкин. Тўғри, сиз газета ўқисангиз ҳам бўлади. Айтайлик, бир умр классик адабиётни ўқишни орзу қилгансиз, мана марҳамат, сизда бунга имконият туғилди. Балки бекатда ёки вокзалда китоб ўқиш эриш туюлар, нима бўлибди бир марта шу ишни қилиб кўринг-чи?!

Кутиш вақти ҳам сизга кўп нарса бериши мумкин. Ечими топилмаётган, сизни қийнаётган нарсаларнинг, балки шу кутиш вақтида ечими топилиб қолар. Муаммони бир бошдан, тартиб билан ўй-хаёлингиздан ўтказинг. Балки



ечим топа олмассиз, лекин асосийси, муаммони ечишга харакатни бошлайсиз.

## **СИЗ УЧУН ТУШИНГИЗ ИШЛАСИН**

Сиз қачон ухлаш учун ётасиз? Агар эртароқ ётсангиз, эрта уйғонасизми? Ихтиёрингиздаги энг катта вақтнинг қиркилган пайти – бу уйқу соатлари. Ўз умрингизни ухлаб ўтказмаяпсизмикан? Баъзи шифокорлар уйқу жисмоний фаолиятни яхшилайти, деб таъкидлашади.

Агар одамлар кўп ухлаш одатларини тарк этиб, маълум миқдорга уйқуларини қисқартиришса, бундан уларнинг иш фаолиятлари ёки соғликларига ҳам ҳеч қандай зиён етмайди. Ярим соатга уйқу вақтингизни қисқартириб, синаб кўришингиз мумкин. Уйқуни қисқартириб, кунлик фаолиятингизда ўзгариш сезмасангиз-да, демак, сиз ўз уйғоқ ҳаётингизга ҳафтасига 14,5 соат кўшган бўласиз. Баъзиларда дам олиш кунлари ухлаб дам олиш одат тусига айланиб қолган. Агар шундай одамлар тушларини ҳам ўзлари учун ишлашга ўргатишса эди. Одам ухлаб ётганда онг ишлайди, онгли равишда туш кўрилади. Буни қандай ўрганиш мумкин. Ухлашдан олдин ўз муаммоингизни онгингизга сингдиринг. Шундай муаммоли ишни ўйлангки, кўп вақтни оладиган бўлсин. Уни уйғоқ туриб мушоҳада қилишга киришиб кетманг, аммо уйқудан турганингизда яхши ечимга эга бўлай, деб ўзингизни ишонтиринг. Кўпчилик шу тарзда яхши натижаларга эришишган. Агар муаммо сизни ухлашингизга халақит бераётганини билиб қолсангиз, уни дарров ҳаёлингиздан чиқариб ташланг.

У. У. У. У.

У. У. У.

У. У. У.

## **ПАРКИНСОН ҚОНУНИНИ ҚАНДАЙ ЙЎҚҚА ЧИҚАРСА БЎЛАДИ?**

Табиат берган кунлик саккиз соатлик уйқуни ишхонадан ҳам топса бўлади. Биз олдинда уйқудан қандай фойдаланиш йўлларига тўхталиб ўтдик. Энди ишхонангизда қилиб юрган одатий ишларингиз ҳам ёкмаса, маош учун ишлаб юрган бўлсангиз-да, вақтингизни бефойда сарф қилмаслик учун нима қилиш керак?

Бир куни отамнинг кўл остида баъзи майда-чуйда хужжат ишларини бажарадиган одам билан гаплашиб қолдим. Унинг асосий ўзи севган иши балиқ етиштириш экан. У отамнинг ишхонасига келиб, ўз ишини бажариш билан бир қаторда уйда етиштираётган балиқлари ҳақида ўйлар, уларни кўпайтириш ва ноёбларини топиш ҳақида орзу қилар, олдига кўйган вазифаси «Қизил китоб»га кирган, Африка дарёларида яшайдиган ноёб балиққа эга бўлиш ва уларни кўпайтириш экан. Кўриб турибсизки, у ишхонадаги зерикарли, енгил ишини бажариб кўйиб, ўзининг қизиқишини қондириш учун вақтини унумли ўтказар экан.

## **ЗЕРИКАРЛИ ИШ ФОЙДАНГИЗГА ИШЛАШИ МУМКИН**

Ёзувчи Готорн сизга бу соҳада ўрнатилган бўла олади. У кўп йиллик Массачусет штатининг Сейле шаҳрида, божхона хизматида ишлаш давомида тўртта роман ва америка адабиёти учун «Алая буква» китобини ҳам ёзган.

Ўйлашимча, баъзилар ўз ишларида маош учун ишлаб юришса-да, уларни ўта банд одамлар, деб бўлмайди.

Шунинг учун ўзим билан бирга ишлайдиганларга вақтдан унумли фойдаланишга ўрганишларини даъват қилиб келаман. Улар агар иш вақти тугамай, ўз вазифаларини бажариб бўлишса, уйлариغا жавоб бериб юбораман. Ишдан

сўнг спорт билан шуғулланишсин ёки китоб ўқишсин. Ишлари тугагандан сўнг ҳам ёзув столларида ушлаб ўтириш уларнинг руҳиятини чарчатади ва турли бемаъни одатларга ўрганишга йўл қўйиб беради.

Наркоут Паркинсон ўзининг таниқли китобида исботлаб берганидек, иш унга ажратилган вақтга қараб чўзилиши мумкин. Ўйлашимча, бу қонунни йўққа чиқариш пайти етиб келди. Одамларга вазифаларини бажариб бўлишгач, ўз шахсий ишларини қилишлари учун рухсат бериш даври келди.

Агар ишингиз кўп вақтни олмаса, кунлик иш вақтингиз жараёнида ишхонадан ҳар қанча иш топсангиз бўлади: янги хабарларни тўплаш, тайёр ҳужжатлардан кўчирма олиш, сидкидилдан шкафларни тартибга келтириш, стол устини бир-икки марталаб ярақлатиб артиш. Вақтлари ўзларининг ихтиёрларида бўлса, одамлар шундай ишларни давомий равишда қилишдан зерикишмайди.

Паркинсон тўғри айтган – вақт тугамагунча иш ҳам тугамайди. Бошлигингизга, агар сиз ишхонадаги бекорчи вақтингиз билан мукофотланиб, уйингизга эртароқ кетсангиз, иш унумингиз ошиб, унинг ҳар бир берган вазифасини яхшилаб бажаришингизни тушунтиринг.

## **БИР ДАКИҚА ИЧИДА НИМАЛАР ҚИЛИШ МУМКИН**

Ҳаётингиздаги дастурларингизни бажаришда ажойиб натижаларга эришишингиз мумкин, қачонки ҳар бир дақиқадан унумли фойдалана олсангиз. Бир дақиқадан мақсадингиз йўлида «транплин» сифатида фойдаланишингиз мумкин. Бунда сизга олдингизга қўйган аҳамиятли режангиз, бир ҳафтадан икки ойгача вақт талаб этадиган мақсадингиз ёрдамга келади. Ҳар куни иложи борича «А» гуруҳидаги аҳамиятли ишларингиздан бирини бажаришга ҳаракат қилинг.

Бир эр-хотин ёлғизликдан азият чекишарди. Улар ўзлари учун мақсад дастури тузишади, ҳар ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари яқин таниш-билишлари билан учрашиб туришни асосий эътиборга муҳтож иш, деб олдиларига режа қўйишади ва ниҳоят, улар мақсадларига эришиб, бошқа ишларида ҳам унум пайдо бўлганини сеза бошлашади.

«Асосий эътиборга муҳтож иш»ингиз борлиги мақсадингизга етишингизда ёрдам беради. Савдогар ўз олдига, ҳеч бўлмаса бир кунда, каттароқ харидорни топиш мақсадини қўяди. Автомобиль цехининг бошлиғи битта янги терилган машинани ўзи синаб кўришни мақсад қилиб, уйигача миниб боради. Журналист озгина вақт ичида учта ғояни ўйлаб топиб, мақсадига етиши мумкин. Бошлиқ икки дақиқа ажратиб, қўл остидаги одам билан танишиб, кимлигини яқиндан билиб олиши мумкин. Бу ишларга унчалик вақт кетмайди, аммо ўз олдингизга қўйган зарурий ишингизни унутмасангиз бўлди.

## **ЗАРУРИЙ ИШИНГИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЭЪТИБОРИНГИЗДАН ҚОЧИРМАНГ**

Баъзан бир кунда икки дақиқа ҳам вақтингизни олмайдиган ишларни бажарсангиз бўлади. Айтайлик, интеллектуал салоҳиятингизни оширмоқчисиз. Бунинг учун сизга, луғатдан керакли бир сўзни топиб, унга бирор бир тушунчага эга сўз қўшишингиз учун бир дақиқа вақт кетади, холос. Ўша ўйлаб топган сўзингизни, бир кунда икки-уч маротаба, ўзгалар билан суҳбат чоғида сўзларингизга қўшиб боринг. Овқат пайтида ёки телефонда гаплашиб туриб ҳам юз терисини уқалаш мумкин. Бу билан айтмоқчиманки, зарурий ишингизни ташлаб қўймаган ҳолда, майда-чуйда ишларни йўл-йўлакай бажариш учун ҳамиша вақт топиш мумкин.

Асосий мақсад – ниятингиз ҳамиша кўз олдингизда бўлиши учун, ёзиб, ёнингизда олиб юришингиз ёки доим кўриниб турадиган жойга илиб қўйишингиз мумкин.

Бир миждим телефонда кўп гаплашиб вақтини зое кетказарди. Мен унга, телефон устига «камрок гаплаш», деган ёзувни ёзиб қўйишини айтдим. У айтганимни қилиб, анча вақтга эга бўлди. .

Хуллас, ўзингизга вақтим йўқ, деб айтаверсангиз, сизга айтадиган гапим шуки, ўзингизни аҳмоқларча тутманг.

## **10-БОБ**

### **УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРНИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАШ ЛОЗИМ**

Нефть казиб олиш флотида ишлаб юрган пайтларим ҳамон эсимда. Ўшанда кема капитани ёрдамчиси эдим. «Стандард ойл оф Калифорния» вице президентига савол билан мурожаат қилдим: «Қандай қилиб ҳаммасига улгура-сиз?» У менга: «Шунчаки, зарурий ишларимни ёзиб оламан, холос», деб жавоб берганди. Ўшанда унинг гапи қанчалар тўғрилигини англамай, унчалик аҳамият бермагандим.

### **ИШЛАРНИНГ РЎЙХАТИ ШУНЧАКИ ЎЙИН БЎЛИШИ МУМКИН**

Орадан анча йиллар ўтиб, сармоядорлик бўйича ўқитувчиликни бошлаганимда, Америка шаҳарларидан бирида ўша шаҳарни кўлига олган бир киши билан тушлик пайти учрашиб қолдим.

У газ ва электр тармоқлари бошқармасининг раиси, бешта саноат ишлаб чиқариш фирмасининг президенти ва бир неча бошқа турли корхоналарнинг эгаси экан. Хуллас, у муваффақиятларга кўмилган инсон эди. Унга ҳам ўша саволни бердим ва ўша жавобни олдим: «Нима қилишим кераклиги ҳақида рўйхатим бор, доим ишга келиб, бир кунлик ишлар рўйхатини тузаман, аммо бу оддий рўйхат эмас, бу ўйин каби нарса, эрталаб ёзган рўйхатимдаги

ишларни бажариб, кечки пайт унга кўз югуртираман ва ўзим билан рўйхат ўртасида мусобақа ўйнайман, яъни нимани қилдим ёки қилолмадим, ҳисоб кимнинг фойдасига ҳал бўлди қабалида».

Унинг мақсади ҳаминша ютиб чиқиш бўлган, токи бирор-та иш эътиборидан четда қолмасин. У «Нима қилиш керак?» ўйинини бошқалар лотарея ўйинини ўйнагандай ўйнар экан.

У рўйхатдаги рақамланган ишларни кетма-кет ўчириб: ҳатто телефондаги суҳбатлар, мажлисларда қилган маърузасидаги танқидий мулоҳазалар, кечки пайт рафиқаси билан иш режаси юзасидан қилган суҳбатларгача ёзиб юрган.

У доим энг муҳимидан бошлаган. Кун охирида у кўнғи-роклар қилган, хатлар ёзган, турли майда кўринган ишларни бажарган, мақсад ҳисобни ўз томонига ўтказиш бўлган.

«Нима қилиш керак?» рўйхати менга, муваффақиятга эришган бизнесменлар ва катта давлат амалдорларини эслатиб туради. Шунинг учун дарсларимдан бирида эшитувчиларимдан кунлик рўйхатларингиз борми, деб сўрадим. Ҳаммалари бор деб жавоб беришди, аммо мен кўрган рўйхат эмасди. Ҳамма ҳам бир кунлик рўйхатни мукамал тузолмайди. Баъзилар ишлари кўпайган пайтдагина рўйхат тузишади ёки ҳамма ишларига вақтлари етмаслигидан чўчишганидан шундай қилишади.

## **ҲАР КУНЛИК ИШЛАРНИНГ РЎЙХАТИ**

Бой отамнинг ҳаёти ҳам турли қоидалардан холи эмасди. «Агар ҳаётингизда муваффақиятга эришишни чиндан истасангиз, пул билан қандай эҳтиёт бўлиб муомала қилсангиз, вақт билан ҳам ўшандай муносабатда бўлишингиз керак», дерди бой отам.

Юқори ва паст мавқедаги одамларнинг ҳам «Нима қилиш керак?» номли рўйхатдан хабарлари бор. Фақат фарқи шундаки, юқори мавқедаги одамлар бу рўйхатдан ҳар куни

фойдаланиб, ўз мақсадлари йўлида вақтларини назорат қила оладилар. Паст мавқедаги юқори ютуқларга эришмаганлар эса бу иш куролидан фойдаланишни билишмайди.

Ўз тажрибамга ишониб айта оламанки, кўп ишни муваффақиятли бажариш – бу ҳар куни «Нима қилиш керак?» рўйхатини тузиб, кун бўйи кўз олдингизда сақлаш, унга йўл бошловчи сифатида қараш. «Нима қилиш керак?» номли иш куролига эътибор билан қарайлик. Чунки вақтни назорат қилишимизда рўйхат бизга ёрдамчи бўлади.

Бу жуда оддий жараён: рўйхатнинг сарлавҳаси «Нима қилиш керак?». Кейин эса қилинадиган ишлар рўйхати. У билан ишлаш жуда оддий, қилган ишларингизни чизиб, ўрнига бошқасини ёзиш.

## **ТУЗИЛГАН РЎЙХАТЛАРНИ САҚЛАБ ЮРИНГ**

Бой отам тузилган рўйхатларнинг эскисини ҳам ташлаб юбормасликни таъкидлаган. Иложи бўлса, ҳаммасини бир дафтарчага ёзиш ёки бир папкада сақлаш лозим, чунки ҳар кунлик ва олдинги қилинган ишларни кечки пайт, бирма-бир кўздан кечириб туриш, улар устида мулоҳаза юритиш фойдадан холи эмас.

Ҳеч қачон «Нима қилиш керак?» номли рўйхатимни солиш учун чўнтаги бўлмаган кийимларни сотиб олмайман.

## **РЎЙХАТДА НИМАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?**

Ҳаммасини, яъни зарурийлари билан бирга оддий ёки керакли, алоҳида ишларни ёзишингиз шартми? Олдиндан ўйланган, бугун қилинадиган ёки бирдан, бугун ёдингизга келган ишингизни ёзишингиз керакми?

Кўп йўллари бор. Ҳар кимда турли хил ечимлар бўлади. Маслаҳатим, «Нима қилиш керак?» рўйхатингизга сизга одат бўлиб қолган ишларни ёзманг, фақат керакли, бугунга



зарурий, максдингиз йўлида муваффақиятга эриша оладиган, кўлингиздан келадиган ишларни ёзинг.

Кўйидаги ишларни ёзиш сизга ғалати туюлмасин: «ҳисобчидан маслаҳат олиб, банкдан сармоя учун 800000 доллар олиш керак», «кимгадир табрик хати жўнатиш керак» ёки «уйга бир пакет сут олиш керак», бундан ажабланманг, бу ишларни бир кунда бажармоқчисиз, холос.

Келгуси «Нима қилиш керак?» рўйхатингизни тўлдиришда узоқ муддатли режангизни ҳам ёзиб ўтишни унутманг, бу сизга у ҳақида эслаб туришингизга ёрдам беради. Рўйхатдаги ишларни бажаришдан олдин қараб чиқинг, қайсиларини бошқаларга ҳам топширишингиз мумкин.

## **БОШҚАЛАРНИНГ ВАҚТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ**

Ҳап уй хизматчингиз ёки кўл остингиздагилар ҳақида кетаётгани йўқ. Ўз мавқеингиз билан тенг ёки сиздан-да баландроқ одамларнинг вақтидан фойдаланишни ўрганинг. Улар бу ишларни сиздан кўра яхшироқ бажаришлари ёки муаммони ечиш учун яхшироқ маслаҳат беришлари мумкин.

Агар шу иш сизга маъқул бўлса, рўйхатни кечки пайт тузганингиз яхши. Мен шундай қиламан. Ўз ишларимни ишончли одамларга топшираман ҳам. Айниқса, биржа брокерларига ишонаман. Майли, озроқ пул топсам-да, ҳар куни биржага бориш учун кетадиган вақтимни тежайман. Ҳаммамиз биламиз, барча ишларни уйдлаш жуда кийин, аммо шундай бўлса-да, қилса бўладиган-бўлмайдиган ва зарурий-заруриймас ишларни ҳам ёзишга ўрганинг. Аммо уларни бажариш учун тасодифга суянманг.

Алоҳида айтиб ўтмоқчиман: устувор йўналишларни ажратишни билишингиз керак. Баъзилар рўйхатга ҳаддан зиёд кўп ишларни ёзиб юборишади. Бу билан улар ўз зиммаларига ўта машаққатли меҳнатни юклаб олишади.

Аmmo бундан яхши натижа чикмайди ва қолаверса, ўша кўп ишларнинг ярми «В» гуруҳига қарашли бўлади. Баъзилар эса рўйхатнинг бошидан ишни бошлашади, ишнинг зарурийларини ҳисобга олишмайди. Энг яхшиси, рўйхатдаги ишларнинг зарурийлигига қараб, уларнинг рўпарасига «А», «Б», «В» дея ҳарфлар билан белгилаб чиқиш.

## ЭНГ МУҲИМИНИ АЖРАТИНГ

Устувор йўналишларни эътибор билан ажратишингизни маслаҳат бераман. «Эй, Парвардигор, кўлимдан келадиган ишим учун куч бер, қилолмайдиган ишим учун сабр, ёмонини яхшисидан ажрата олишим учун ақл бер», бой отам шу илтижосини доим қайтариб юрарди.

Рўйхатдаги асосий ишларни қора қаламда, ўта асосийларини эса қизил қаламда ёзиб юраман. Устувор йўналишларни унчалик тушунмайдиган одамларга рўйхатдаги ишларни учта қоғозга бўлиб ёзишларини тавсия этаман: «А» гуруҳга ўта асосий, «Б» гуруҳга асосий ва учинчи «В» гуруҳга кўпроқ оддий ишларни ёзиш лозим. Бу билан «А» ва «Б» гуруҳдаги ишлар «В» гуруҳидан устун бўлиши лозим. «В» гуруҳдаги ишларни бажараётганингизда, «А» ва «Б» гуруҳига ёзилган ишлар рўйхатини ҳам кўздан кечиринг. Шундагина «В» гуруҳига кўпроқ аҳамият бераётганингизни билиб турасиз.

«Нима қилиш керак?» рўйхатидаги ишларни ҳам турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Уларнинг аҳамиятига қараб ажратиш лозим: «телефонда гаплашиш», «ёзиш», «ўйлаш», «қарор қабул қилиш», «айтиб туриш». Ишларингизни ўхшаш томонларига қараб бирлаштиришингиз мумкин (масалан: сармоядорлик ва бизнес) ёки умумий жойлашишига қараб (қанча харидорингиз бир жойда яшаши). Ишни

бир киши учун ҳам бирлаштириш мумкин (банкирингизга тегишли бир нечта ишларни ҳам).

## **РҲЙХАТДАГИ ҲАММА ИШЛАРНИ БАЖАРА ОЛМАСАНГИЗ, КУЙИНМАНГ**

Энди рўйхат бўйича «А» гуруҳидан ишни бошланг, токи «Б» ва «В» гуруҳларига ўтгунингизча. Балки ҳамма ишларни бажаришингиз мумкиндир, аммо баъзан вақт етишмовчилигини ҳис этасиз. Гарчи ишни навбати билан, зарурларини бажараяпман, деб ўйласангиз-да, «А» гуруҳидаги ишларнинг ҳаммасини ҳам уддаламаслигингиз мумкин. Баъзан «А» ва «Б» гуруҳидаги, баъзан эса «А», «Б», кейин «В» гуруҳидаги айрим ишларга улгурасиз. Рўйхатнинг охирига бориш жуда мушкул.

Рўйхатдаги ишларни амалга оширишда, унинг устидан мутлоқ ғалабага эришиш муҳим эмас, муҳими вақтни тўғри тақсимлаб, фаол бўлиш. Агар «А» гуруҳидаги ишларни тугатсангиз, «Б» гуруҳидаги ишларга ўтишга шошилманг, яна бир мартаба рўйхатни кўриб чиқинг. Балки бирор зарурроқ ишни унутгандирсиз. Балки кўнглингиздан ўтказгансиз-у, рўйхатга қўшмагандирсиз.

Сизда ишни бошлашга янги вақт пайдо бўлди, нима учун бугунданок ишни бошламаслигингиз керак?! Кўп хизматчилар, уй бекалари ва илмий ходимлар олдимга фақат сармоядорликни ўрганиш учун келишмайди, улар мендан режалаштиришни ҳам ўргатишимни сўрашади. Бир-икки ой вақт ўтгач, улар менга миннатдорчилик билдириб кўнгиروق қилишади. Маслаҳатимдан сўнг, улар режалаштиришни ўрганишганини ва ҳаётлари яхши кечаётганини айтишади.

Вақтни тўғри режалаштириш, нафақат ишда, балки уйда ҳам керак. Ишдаги муаммоларни уйга кўтариб келиш, яъни ишни деб уй шароитини ҳам оғирлаштириш ярамайди. Сиз

«Нима қилиш керак?» номли рўйхатингиз билан шароитингизни ҳар томонлама яхшилашингиз мумкин.

Агар «А» гуруҳидаги ишларни «Б» гуруҳидаги ишлардан кўпроқ бажарсангиз, бора-бора қарашларингиз ўзгаради. «А» гуруҳидаги эски ишлар «А» ва «Б» гуруҳи учун янги ишларга пойдевор бўлади, «Б» гуруҳидаги эски ишлар иккинчи даражалига айланиб, ўз-ўзидан «В» гуруҳига ўтиб қолади. Кейин «В» гуруҳидаги баъзи ишларни рўйхатингиздан ўчириб ташлашингиз ҳам мумкин.

Фойдали қарашларингиз дидингизга таъсир қилибгина қолмай, мукамалликка ҳам чорлайди. Айтайлик, бир йил олдин уйдаги ва ишхонадаги ишлар «А» гуруҳидан жой олганди. Энди дидингиз ва қарашларингиз ўзгаргани ҳисобига бир йил олдинги «Б» гуруҳидаги сармоядорлик ишлари энди «А» гуруҳига кўчди. Олти ой олдин фонд биржаларига пул қўйиш «А» гуруҳида эди, олдинги афзал деб билган ишингиз сизга оз даромад бераётганини, бу ишни давом эттириш, шунчаки вақтни бекорга ўтказишга ўхшаб қолганини тушунасиз. Хуллас, ишдаги ўзгаришлар сизни юксалишга етакляпти.

Доимий равишда юксакликка интиляётган сармоядор экансиз, энди олдинги йилги «А» гуруҳидаги 100 000 долларлик битимнинг сиз учун қизиғи қолмайди. Энди сизни 250 000 долларлик битимлар қизиқтиради, ундан оз битимлар «Б» гуруҳига тегишли бўлади. 100 000 доллардан пасти эса ўз-ўзидан «В» гуруҳига кўчади. Шу тарзда агар «В» гуруҳидаги битимларга рад жавобини бериб, камайтириб борсангиз, «А» гуруҳидаги катта, керакли ва фойдали битимларга йўл очилади.

Тажрибамга суяниб айта оламанки, кўпчилик сармоядорлар асосий эътиборларини келажаги бор, даромадли ишларга қаратиб, битимларини 20%га камайтиришса, бундан фақат ютишади.

## **МАШҚЛАР ОДАТГА АЙЛАНАДИ**

Балки вақт устидан назоратни кўлингизга олганингиздан сўнг «А» гуруҳидаги биринчи ишингиз ҳар беш дақиқани қандай ўтказишингизни ўрганиш бўлар. Ҳа, шундагина сиз вақтингиз нималарга сарф бўлаётганини била оласиз. Аммо бу ишингиз кейин “В” гуруҳига тегишли ишга кўчади ва доимий одатга айланиб боради.

Вақт назоратини кўлига олган инсон эскирган иш учун вақтни сарф этмайди ёки «А» гуруҳидаги ишни охиригача етказиш учун ҳам вақтдан унумли фойдалана олади. У ҳамма ишни бажаришга қарор қилади, аммо вақтни қандай тақсимлашни ёдидан чиқармайди. Ва шу ўринда бу қарорини ҳаётига татбиқ этади.

## 11-БОБ

### БАЖАРИЛМАГАНИ МАЪҚУЛРОҚ ИШЛАР

Керакли ишни бажаришдан кўркиб ёки уни кўнгилдагидай эплай олмайман, деб ўйлаб, балки кўпчилигингиз арзимаган ишлар билан ўралашиб, асосийларини ташлаб қўйган бўлсангиз керак.

«Асосийси – натижа, мен ишляпман-ку дейиш эмас! – дерди бой отам. – Кўпчилик одамлар хавфсиз ишга кўникишган, оз маош олишса-да, унга кўп вақтларини ажратишади, бунинг устига кўп пул сарф қилиб, ой охирига аранг етиб боришади ва маошга кўз тикишади».

Тушунарлироқ мисол келтирайлик: ишда унум бўлиши учун иш столингизни тартибга келтириш «А» гуруҳига кирадиган иш эмас. Унинг ўрнига, стулдан туриб, ўзингизга керакли ва даромадли ишни бажаришингиз зарур. Олдин айтганимдек, майда ишларни йўл-йўлакай эплаш мумкин.

Ёки яна бир мисол: бошлиқ сафарга отланиши керак, у қўл остидагиларга доим қайтариб юрган топшириқларини бераяпти ва учадиган самолётига қирқ беш минутга кеч қолаяпти, бу билан «А» гуруҳидаги асосий ишига улгурмай қолиш хавфини ошираяпти.

## **ТУЗОҚДАН ҚОЧИНГ**

**Нимага одамлар ўзларини бефойда ишга уришади?**

Бу ҳолатни бой отам куйидагича тушунтирганди: «Одамлар ўз ҳаловатларини йўқотишни хоҳлашмайди, айниқса, бу иш озгина таваккалчиликни талаб қилса. Биз кўп эшитамиз, сармоя кўйиш – хавфли, дейишади. Хавфлиси бир умр қарзда яшаб, маошни пойлаш ва қариган чоғингда давлатдан бир нима кутиш».

Бунинг сабабларидан бири ҳамма фойдали зарурий ишлар ўзига яраша машаққатни талаб этади ва доим ҳам уларни кўнгилдагидек бажариб бўлмайди. Бу ишга олдин сиз ҳам ёки сиз ишлаётган компания ҳам кўл урмаган.

### **БАЖАРИШ ВА БАЖАРИЛАДИГАН ИШНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШ**

Бундай йўл тутган одамларни уй бекаларига ўхшатса бўлади. У қайсидир журналдан бирор мазали пиширикнинг рецептини кесиб олади-да, ўзича хурсанд, чунки бундай рецептдан унда беш юзтага етди. Қизиғи шундаки, у бирор марта ҳам ўша рецептлардаги пиширикларни амалда пишириб кўрмаган.

Ўша рецептдан фойдаланиб, болаларига, эрига ва ўзи учун бирор пиширик тайёрлашнинг ўрнига, журнал ва газеталардан парчалар кесиб ўтириб, вақтини ўтказди. Балки ўзининг тасавурида жуда моҳир ошпазман деб ўйлар, аммо у энг моҳир ахборот тўпловчи – яхши ошпаз эмас.

Ҳеч қачон «А» гуруҳидаги ишлар осонликча бажарилади, деб ўйламаслик керак. Бундай синалмаган ишларнинг амалга ошиши кўп нарсаларга боғлиқ. «А-1»даги иш жуда қийин бўлиши мумкин, сиз билан ишлайдиган одамларнинг

розилигига ва уларнинг қарашларига ҳам боғлиқ бўлади, балки улар қарши бўлишар ёки уддалай олишмас.

Шунча тўсиклар ва боғлиқликлар қаршингизда турар экан, «А-1»даги ишингизни тез ва соз бажара оламан, деб айта оласизми?

## **ЎЗИНГИЗНИ АЛДАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНМАНГ**

Масалан, сиз сармоядорсиз, «А» гуруҳидаги ишингиз – солиқ қонунчилигидаги янги ўзгаришлар туфайли сармоя бўйича янги тизимни ўрганиш. «Б» ва «В» гуруҳида эса кўчмас мулк сармояси бўйича доимий ишингиз мавжуд. Яна биласизки, «В» гуруҳидаги енгил-елпи ишларни қийинчиликсиз бемалол бажара оласиз. Бу ишларни «А» гуруҳидаги ишларни амалга ошириш учун қилаяпман, деб ўзингизни хотиржам тутасиз. Жуда «моҳирона» хотиржамлик билан «Б» ва «В» ишларингизни бажариш учун баҳона ўйлаб топгансиз. Шу баҳонангиз туфайли, иккинчи даражали ишларингиз афзал кўринаяпти. Олдин керакли «А» гуруҳидаги ишни эпламай, енгилгина ишларингизни бажариб, рўйхатдан ўчириб, ўзингиздан мамнунсиз.

Ўзингизни алдаманг: вақтингиз етмаганидан «А» гуруҳидаги ишни бажармай юрганингиз йўқ, балки «В» гуруҳидаги бефойда ва осон ишларга вақтингизни совураяпсиз.

## **80/20 ҚОИДАСИ**

Ҳаддан зиёд бандман, дейдиган одамларга ягона ёрдам, уларни «В» гуруҳидаги ўралашиб қолган ишларидан озод этиш. Лекин одамларнинг бу ишларидан воз кечишга журъатлари етмайди. Шунинг учун уларга 80/20 қондасини таклиф қиламан.



80/20 қондасидан келиб чиқиб айта оламанки, рўйхатдаги 10 та ишдан 2 таси сизга 80 фоизли ютук келтиради. Ўзингизга маъқул ишни танланг ва уни «А» гуруҳидаги рўйхатингизга кўшинг.

Қолган 8 гасини бажарманг, чунки улар танлаган икки ишингиздек муваффақият бермайди.

Бу коида сармоя оламида ҳам кўлланилади: 20 фоиз сармоя 80 фоиз даромад келтиради.

Кўйидаги ҳар кунлик ҳаётий мисоллардаги вазифаларга эътибор берсангиз, ўзингизга нисбатан ишонч уйғонади, катта натижалар беради, гарчи баъзи вазифалардан воз кечсангиз ҳам.

80 % савдо битими баҳоси миждозларнинг 20 % ини таъминлайди.

80 % ишлаб чиқариш корхонанинг 20 % ини таъминлайди.

80 % касаллик туфайли кетган вақт ишчиларнинг 20 фоизига тўғри келади.

80 фоиз кўлланилаётган файл файллар папкасининг 20 фоизига тўғри келади.

80 фоиз тўпланган ахлат кўп юриладиган пол устининг 20 фоизига тўғри келади.

80 фоиз кир ювиш кийим-кечакларнинг 20 фоизига тўғри келади.

80 фоиз яхши телевизион кўрсатувлар вақти телетомошабинларнинг 20 фоиз вақтига тўғри келади.

80 фоиз газетхонларнинг ўқиш вақти газетада чоп этилган 20 фоиз материални ўқишга кетади.

80 фоиз телефон кўнғироғини 20 фоиз телефон абоненти амалга оширади.

80 фоиз овқат истеъмолининг 20 фоизи таниқли ресторанларга тўғри келади.

Шуни унутмаслик лозимки, миқдори кўп деб, кам даромадли ишларга ўралашиб қолмай, 20 фоиз бўлса-да сермахсул ишга киришиш керак.

## **80/20 ҚОИДАСИНИ ҚЎЛЛАШНИ БИЛИШ**

Бой отам ўзининг «қизил меҳмонхоналаридан» бирини сотиб олгандан сўнг, (ким билмаса бу «Монополия» ўйинининг мақсади) у ҳақида газеталарда ёзишни бошлашди, унинг фикрларини шаҳарнинг таниқли кишилари ва ҳатто сиёсатдонлар ҳам эшита бошлашди.

У бу ҳақда менга айтиб берганди. Бир куни бой отамнинг олдига маслаҳат сўраб, маҳаллий ҳокимиятга номзодини қўйган бир киши келади. Унинг рақиблари кўп йиллар давомида сиёсат билан шуғулланган ва катта лавозимларни эгаллаб келган жуда малакали одамлар экан.

У сайловларга оз қолгани учун вақтдан тўғри фойдаланиши кераклигини тушунарди ва шунинг учун отамнинг ёнига келганди. Вақт тизгиз, учрашувлар кўп, аммо ғалаба учун ҳаммасига қатнашиши керак. Қолаверса, кундалик дастури ўта зич бўлгани учун обрўли одамлар олдида ўзини йўқотиб, маърузаси ишончли чиқмаётганини ҳам сезаётганди. Хуллас, унинг ҳатто тушшикка ҳам жуда оз вақти қолаётганди.

Биз унинг келажакдаги барча учрашув ва маърузалари жадвалини кўриб чиқдик. Унинг 80 фоиз вақтини маърузалар олаётганини ва 20 фоизигина унга фойда бераётганини аниқладик. Бу 20 фоиз унинг одамлар орасида танилишига озлик қиларди. Яна айнан шу маърузалар уни толиқтириб қўяётганди.

Биз номзод билан сайлов йиғинларининг аҳамиятлиларига боришга ва унчалик аҳамиятли бўлмаган жойларга боришга мўлжалланган маърузаларни аста камайтиришга ёки умуман уларни бекор қилишга келишдик.

**Бу қарор ўзини оклади ва у сайловда ғолиб чиқди.**

## **ОЗРОҚ «В» – КЎПРОҚ «А»**

**«А» гуруҳидаги ишларга аҳамият бериш кўп вақтингизни олаётган «В» гуруҳидаги ишларингизни камайтиради.**

**«Мен нимани қилишим зарур?» – «В» гуруҳидаги ишларга қўл уришдан олдин, сиз шундай саволни ўз олдингизга қўйишингиз лозим. «Вақтингни оладиган ишлардан воз кечишни ва одамларга «йўқ» дейишни ўрган, эътиборингни фойдали ва асосий ишларга қарат», деб ўргатарди бой отам.**

**«Мен буни қилишим керак», дейишингиздан олдин, «Балки шу ишни қилмаганим маъкулдир», деб ҳам ўйлаб кўринг. Шундай иш тутсангиз, ҳеч бўлмаганда «В» гуруҳидаги бефойда ишларнинг бирортасидан халос бўласиз.**

## **«В»НИ «ВЯ»ГА АЙЛАНТИРИНГ**

**Тасаввур қилинг, сиз «В» гуруҳидаги рўйхатингизга «машинамни ювиш» деб ёзгансиз, лекин сиз буни тезроқ амалга оширмакчисиз ва вақтдан ютмакчисиз. Нимага энди бу ишни умуман қилмай қўя қолмайсиз. «В» гуруҳидаги шунга ўхшаш ишларни, умуман рўйхатдан ўчириб ташласа бўлади. Мен бундай зарурати йўқ ишларни «ВЯ» деб атайман ва бундай юмушларни маълум бир вақтга қолдириш мумкин.**

**«ВЯ» куйидаги ишларга ўхшаган юмушларни ўз ичига олади: бир уюм журналларни тартибга солиш, музлатгичда нималар борлигини текшириш ва бошқалар. Шунга ўхшаш ишларни ўзингизга эрмак қилиб олишингиз ёки ўз-ўзидан битиб кетадиган ишларга вақтингизни сарфлаб юришингиз**

шартмас. Яхшиси, агар бирор киши эслатмаса, улар ҳақида унутиш керак.

Баъзи «В»даги ишларни тажриба учун атайин «ВЯ»га айлантириш ҳам мумкин. Албатта, бу тажрибани бирор фожиа юз бермаслигини билиб, килиб кўриш лозим. Масалан: ёмғир ёғишини билиб туриб, боғни суғормаслик, ҳадемай кун исиб қор эришини била туриб, ҳовлидаги қорни курамаслик, ҳали бери бўлмайдиган мажлис учун маъруза тайёрламаслик.

Қисқаси, баъзи бир ишларни умуман қилмаслик учун эмас, кейинроқ қилиш учун вақтинчалик ортга суриб турса бўлади. Мен бу ҳолатларда шунга ўхшаш ишларнинг рўйхатини тузаман. Ҳаммасини бўлмаса-да, баъзи ишларни қилиш шарт, аммо вақтинча ортга суриб, уларнинг олдига чизикча тортиб қўяман. Бу билан сиз “В” даги асосий фойдали ишларга йўл очган бўласиз.

Менинг ўз отам арзимаган ишлар учун вақтни сарфлашнинг устаси эди. У давлат хизматчиси бўлгани учунми, АҚШ конгресси берадиган арзимаган савол учун жавоб топишга бир кунини сарфлаши мумкин эди. Мен отамдан нега бундай қилишини сўраганимда, у давлат хизматчиси эканини, шундай қилиши зарурлигини, катталарнинг жаҳлини чиқармаслик кераклигини таъкидларди, ачинарлиси, унинг бу тиришқоқлиги охири-оқибат, барибир унга ёрдам бермади.

«В»даги баъзи ишларни «ВЯ»га айлантириш керак, токи вақтингиз бесамар кетмасин. Аммо шуни ҳам таъкидлашим керакки, арзимаган 20 доллар 17 центлик банк тўловимга мен бефарқ эмасман, чунки ўтган йилдаги даромадимнинг 40 фоизини айнан шу банк билан алоқам яхшилиги ва вақтида қарзни тўлаганим учун топганман.

Баъзи ишлар, яъни машинага ёқилғи қуйиш каби ишларни кейинга қолдириш, бошқа бир зарурий ишларни битишига халақит бериши мумкин. Шунинг учун бунга

Ўхшаш ишларни машина баки ярим бўлса ҳам, йўл-йўлакай тўлдириб қўйиш зарар қилмайди. Аммо уйингизни ёниб кетмаслигига аниқ ишонсангиз-да, суғурта қилиш, соғлигингиз яхши бўлса-да, васиятнома ёзиб қўйиш каби сиз учун зерикарли кўринган ишларни бажариш фойдадан холи эмас. Шунини ҳам ёддан чиқармангки, «В»даги ишлар огохлантирмасдан инкирозга ҳам учраши мумкин. Ўта ортга сурилган ишлар, аста-секин инкироз нарвонидан тепага ҳаракат қилади.

## **ОДАМЛАР КЎПИНЧА БАЪЗИ ИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ЎЗГАРАЁТГАНИНИ ҲИС ЭТИШАДИ**

Агар сиз ўта сезгир, тушунувчан инсон бўлсангиз, «В»даги ишлар аста инкирозга юз тутаётганини сеза оласиз, албатта. Бундай пайтда, ўша ишларни бажариб қўйиш кераклиги учунгина амалга оширмай, инкирозга юз тутаётганини билиб бажарган маъқул. Мисол учун, уйни йиғиштириш, кир ювиш, қандайдир рўзгор ишларининг ҳисоб-китобини қилиш каби ишларни амалга оширишдан олдин ўзингизга савол беринг: «Шу ишларни бажармасам нима бўлади?» деб. Агар бу саволга «Ҳеч нарса бўлмайди, кейин ҳам қилишим мумкин» дея олсангиз, бажарманг. Бу билан сиз, «В»даги ишларнинг айримларини «ВЯ»га айлантирган бўласиз.

## **СИЗГА «В»ДАГИ ИШЛАР УЧУН ҚУТИ КЕРАК**

«А»даги ишларга аралашиб кетмайдиган жойга «В»даги ишлар рўйхатини қўйинг. Аслида «В» ишлари учун алоҳида каттагина шкаф ҳам етмайди. Ишларни «А» ва «Б»га бўлинг, кейин «В»даги ишларни навбати билан алоҳида қўйинг. Шунда сиз керакмас ишлар рўйхатига эга бўласиз ва уларни ташлаб юборишингиз ҳам мумкин. Агар сиз

аҳамиятли ишлар орасидан аҳамиятсизларини олиб ташлашга эришсангиз, сизга, нафақат бир дона ахлат қути керак бўлади. Бу билан айтмоқчиманки, шарт бўлмаган ишларни қилмасликка ўрганасиз ва ўз эътиборингизни фойдали ишларга қаратасиз.

## **ҲАР БИР УЙ БЕКАСИ ЎЗ ИШ СТОЛИГА ЭГА БЎЛИШГА ҲАҚЛИ**

Каттагина кийим дўконининг эгаси менга, столи устида ҳар кун келадиган қоғозлар тўпланиб, бир уюмга айланишидан арз қилиб қолди. Бу қоғозлар – турли модалар, ишлаб чиқариш корхоналаридан тушадиган таклифлар, режалар ҳақида ва улгуржи фирмалардан келган хатлар, газеталар, турли тўлов ҳисоб-китоб қоғозларидан иборат бўлиб, хуллас, ҳаммаси иш юзасидан, албатта. Шу билан бир қаторда, ўзи ҳам ишларини ривожлантириш учун турли таклиф ва мулоҳазаларини хат орқали бошқаларга билдириб турар экан. У доим иш столидаги тартибсизликларни тўғрилаб қўйгиси келар экан-у, аммо буни қандай амалга оширишга ақли етмас, вақт топа олмас ёки уларни нима қилишни билмас экан. Мен унга қоғозлар учун қути тутишини маслаҳат бердим. Яъни уларни аҳамиятига, кераклилигига қараб, «Б» ва «В» яшиқларга бўлиб чиқишини айтдим. Шунда у, келган ҳужжатларнинг 80 фоизи кераксиз, фақат 20 фоизигина керакли эканини тушуниб етди.

## **КЕЙИНГИ БОСҚИЧ – АХЛАТ ҚУТИСИ**

Кейинчалик у кераксиз қоғозларни ахлат қутисига ташлашни ўрганди-ю, аммо барибир баъзи кераксиз ҳужжатларни бир ойгача сақлаб тураверарди. Бунинг учун унга алоҳида қути керак бўларди. Тўғри, баъзи

ҳужжатларни дарров ташлаб юбориб бўлмайди. Шунинг учун мен унга, бир муддат сақлаб турилиши керак бўлган ҳужжатлар учун алоҳида кути қилиб, чап томондаги тахмондан олинган, «В»даги ишлар деб ёзиб қўйишни таклиф қилдим. Унда бундай кутиларнинг сони кўпайиб кетди, чунки у бу қоғозларни бир йилгача ҳам сақлаб юраверди. Охир оқибат, қоғозларга ўралашиб қолганини тушуниб етди. Энди унинг столи устидаги ёки кутилардаги қоғозлари аҳамиятлилигига қараб тахлаб қўйилганди. Бу иш анча вақтни тежашига олиб келди. Ҳамма вақт шу ишни қилишга ўрганиш лозим ва котибангизга ҳам қайси ҳужжатларни ташлаб юборишни айтиб туриш лозим. Туриб қолган кераксиз ҳужжатлар одамнинг ишига ва айниқса, вақтига таъсирини ўтказди. Почта ва эски кунлик газеталарни ҳам сақлаб юриш ярамайди.

Шахсан мен, котибамга почтани учга бўлишни ўргатганман: «Чора қўллаш», «Маълумотлар» ва «Кейинрок». Мен «Чора қўллаш» деб номланган кутидаги почтамни келган заҳоти қўлимга оламан ва аҳамиятига қараб чора қўлайман.

## **АХБОРОТЛАРНИНГ ҲАММАСИГА ҚАНДАЙ УЛГУРИШ МУМКИН?**

«Ҳаммасига қандай улгуриш мумкин?» деб мендан сўрашганда: «Худди қандай қилиб филни ейилса, шундай қилиб улгуриш мумкин», деб жавоб бераман. Озгина тишладингиз ва яна озгина тишладингиз, фақат қайси томондан тишлашга боғлиқ.

Кўпчилик одамлар керакли нарсани кераксизидан ажрата олишмайди. Яъни иш янгиликка бориб тақалганда ҳам «А»ни «В»дан ажрата олишмайди. Сизнингча кунлик газета, ҳафталик ва ойлик журналларнинг ва ҳатто,

китобларни ўқишингиз миқдори, янгиликларни билишингиз учун қанча бўлиши мумкин?

Сиз бир кунда газета учун бир соат, журнал учун ҳафтада бир соат ва бир ойда китоб ўқиш учун бир соат ажратасизми? Ёки асосий эътиборингизни ойлик журнал ва китобларга қаратиб, кунлик янгиликлар ўз навбати билан кетаверишини маъқул кўрасизми?

Бундай саволларга «Тўғри жавоб»нинг ўзи йўқ, чунки ҳаммаси сизнинг қарорингизга боғлиқ. Мен шунчаки, тўғри қарор қабул қилиб, уни ҳаётингизга татбиқ қилишингизни истаيمان.

Кўпчилик одамлар иш фаолиятлари учун зарур бўладиган китоб ўқишларига, турли семинарларда қатнашишларига вақтлари етмаслиги ҳақида нолишади. Аслида эса уларнинг кўлларида, кунлик харид қилинадиган газеталар ҳар куни бўлади. Тўғри, газетани фақат янгиликлар учунгина эмас, шунчаки кўнгил очиш учун ҳам ўқилади. Китобни эса кидириб топиш ва уни қимматга сотиб олиш, зарур маълумотларни ўрганиш учун эса чинакам ирода, сабр ҳам керак бўлади. Шундай сабабларга кўра, одамлар бир йилда бир қанча газеталарни сотиб олиб ўқишади-ю, аммо бир дона китобни мутоала қилишмайди.

## **КИТОБЛАРНИ ГАЗЕТАЛАРДЕК ЎҚИҢГ**

Агар сиз, ишингиз ва касбингиз борасидаги китобни ўқимокчи бўлсангиз, уни газета ўқигандай ўқинг. Касбий салоҳиятингизни ошириш учун ўқишни истаган керакли китоблар рўйхатини тузинг. Бунда котибангиз сизга ёрдам бериб, кунлик кўриб чиқадиган ҳужжатлар ичига, ўша китобдан бирини кўшиб кўйсин. Сиз уни ўқимасангиз-да, аммо худди газета сарлавҳасини ўқигандай, ўша китобнинг номига бир марта бўлса ҳам кўзингиз тушиши аниқ. Кейинги сафар, албатта, у китоб нима ҳақида эканига



қизиқиб, худди газета мисоли варақлаб, у ер-бу еридан ўқиб кўришингиз тайин. Кейинчалик ушбу машғулотга кўпроқ вақт ажратинг ва китобдан ўзингизга керакли маълумотни олишга ўрганинг. Олдинига китобни бошидан охиригача ўқишингиз шартмас. Фақат ўзингизни қизиқтирган жойларини ўқишгина кифоя. Чунки муаллиф бир-иккита сўз орқали нима демоқчи бўлаётганини китобда билдириб ўтади. Шунинг учун, ўша асосий сўзни топсангиз, аста-секин китобнинг моҳиятини англайсиз ва уни охиригача ўқишга жазм этасиз. Бунда сизга кўпроқ китобдаги кириш сўзи ва муқаддима ёрдам бериши мумкин. Шунда сиз, китоб ўқишга камроқ вақт ажратиб, ўзингизга кўпроқ керакли нарсани оласиз. Тўғри, баъзи китобларнинг ҳаммасини ўқишга тўғри келади, аммо бу вақт йўқотиш эмас, балки бирор нарсани ўрганиш учун вақт ажратиш, десак бўлади.

Одамлар ўқиганларини тез унутиб қўйишади, бунга йўл қўймаслик учун китобни диққат билан ўқиш лозим. Шунда одамнинг хотирасида керакли сўзлар ва китобдаги зарур кўринишлар сақланиб қолади.

Сизга вақтни тежаш учун тез ўқишни ўрганиш керакмикин? Мен кўпчилик, тез ўқийдиган одамларнинг айримларидагина, хотираларида китоб мавзуси сақланиб қолганини кўрганман. Агар тез ўқишни ўрганиш курсларига қатнаб ўрганиб олсангиз-да, барибир вақти келиб, яна ўша, олдинги ўқиш даврингизга қайтасиз. Менимча, тез ўқигандан кўра китобни диққат билан ўқиш керак, олдинда айтганимдек, ҳар қандай китобнинг керакли жойини топиш ва мавзуга эътибор бериш муҳим.

Мен ва рафиқам Кимнинг бир-биримизга овоз чиқариб, китоб ўқиш одатимиз бор. Биз шу йўсинда бир йилда йигирмата китоб ўқиймиз. Тўғри, китобни овоз чиқариб ўқиш ғайриоддий бўлиб кўриниши мумкин, аммо бу одат биргаликда вақт ўтказишга ёрдам беради. Хуллас, китобни шунчаки тез эмас, унинг моҳиятини тушуниб ўқиган афзал.

## 12-БОБ

### ЎЗГАЛАРГА ВА ЎЗИНГИЗГА ЯХШИ БЎЛИШИ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Менинг бой отам Наполеон Хилл айтган қуйидаги сўзни кўп қайтарарди: «Инсон ҳаётидаги ютуқлар унинг қандай китоб ўқиши ва кимларни ўз атрофига тўплагани билан белгиланади. Агар ўз ҳаётингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бошқа китобларни ўқишингиз ва бошқа одамлар билан мулоқот қилишингизга тўғри келади».

Баъзан сизнинг вақт сарфлашингиз бошқаларнинг норозиликка олиб келиши мумкин.

### ҲАММА ҲАМ ЭЪТИБОРГА МУШТОҚ

Ҳар бир одамга, у хоҳлагандай эътибор бериш кўп вақт олади. Аслида ҳам, ҳар бир одамнинг кўнглини олиш қийин иш. Сизнинг олдингизда кўпинча «А»даги зарур ишларингиз қолиб, ўзгаларнинг ишларини битириш муаммоси пайдо бўлиб туради. Ҳа, бу муаммо, чунки кимнингдир кўнглини олай десангиз, зарурий ишларингиз қолиб кетиб, сизга зиён етиши мумкин. Бундай ҳолларда чиндан ҳам ёрдамнингиз керак бўлган инсонларни ажратишингиз лозим. Баъзан ёрдам сўраганларнинг аксарияти вақт ўтган сари сизнинг ёрдамнингизга муҳтож бўлмай қолишади ва ҳатто ёрдам сўраганлари ёдларидан ҳам чиқиши мумкин. Сиз эса уларнинг муаммосини

елкангизга ортиб олиб, анча ишдан қолиб кетишингиз ҳеч гапмас. Бундай ишларни «В»даги ишлар деб ҳисоблаб, умуман бажармасангиз ҳам бўлади.

## **«ЙЎҚ» ДЕЙИШНИ ҲАМ ЎРГАНИНГ**

Баъзан ишнинг бошиданок «йўқ» деганингиз маъқул жавоб бўлиши мумкин. Бу қисқа, мулоғимлик билан айтилган сўз сизнинг кўпгина вақтингизни тежашга ёрдам беради. Бошқа одамлар сизнинг вақтингизни олди-сотди қилмасликлари жуда керакли нарса.

«Йўқ» деган сўзни ўзингизга мустақкам ишонч билан айтганингиз маъқул. Чунки баъзи ҳолларда бу сўз ўзгаларга ҳурматсизлик ёки ишончсизлик каби салбий ҳолатларга олиб келиб, қаршингизда турган одамни ранжитиши ҳам мумкин. Унга шундай тушунтирингки, сиздан хафа бўлмасин. Унга ваъда бериб, вақтини ҳам олиб кўйишингизни англанинг, ишингиз кўплигини чиройли сўзларда ифодаланг. Балки ўша одам сизни тушуниб, вақтингизни олишдан уялиб кечирим сўрар ва сизни тинч кўяр.

Баъзи одамлар учун «йўқ» дейиш жуда қийиндай туюлади. Бундай одамларнинг «ҳа» деяверишга мойилликлари муаммоси уларнинг ёшлиқларига бориб тақалади. Уларнинг ота-оналари болани мустақил қарор қабул қилишдан чеклаб кўйишган ва бола ҳар нарсага хўп, ҳа, деб жавоб беришга ўрганиб қолган. Кўлдан келмайдиган нарсага «ҳа» деб жавоб бериш, ўзгаларни ранжитиш ярамайди. Бундай одамлар ўзларига ваъдабоз номини орттириб олишади. Бировни кўнгилчанлик қилиб ёки алдаб, «ҳа» деб ваъдани бажара олмай, ёмон кўрингандан кўра ишнинг бошида «йўқ» деб ёмон кўринган афзал. Кўлдан келмайдиган иш учун «ҳа» деб вазиятдан чиқиб кетиш бу калтабинликка, узоқни кўра билмасликка киради. Бу

айниқса, бизнесменларга хос иш эмас. Хуллас, баъзан «йўк» дейишининг ҳам, ўзингиз ва ўзгаларга фойдаси катта.

## КЕРАКЛИ КЕЛИШУВ

Сиз «йўк» дея олмайдиган кимсалар, масалан, хотинингиз, бошлиғингиз, болангиз, ота-онангиз ёки энг яқин дўстингиз ёрдам сўраб, мурожаат қилиб қолишса, нима қиласиз? Ҳа, бу биров қалтис масала. Аммо ҳамма нарсанинг йўли бор, сиз уларнинг илтимосларини бошқачароқ йўл билан, уларга ҳам, сизга ҳам малол келмайдиган қилиб бажаришингиз мумкин.

Баъзи одамлар сизга илтимос қилар экан, кўпинча ишлари қисқа ва тез вақтда бажарилишини хоҳлашади. Сиз бундай ҳолларда икки томонга ҳам манфаатли келишув таклиф этишингиз мумкин.

Бошлиғингиз бир ойлик савдо ҳисоботини сўраган бўлса, бунинг учун ҳисобот билан қисқача танишувнинг ўзи кифоя қилади. Сиз унга қисқача ҳисоботни тез тайёрлаб кўрсатишингиз мумкин. Агар қизингиз байрам кечаси учун кўйлак тикиб беришингизни сўраса, унга тезроқ битадиган юбкани таклиф қилишингиз мумкин. Кўпчилик одамларни сизга илтимос билан мурожаат қилишларига сабаб, ўзингиз уларни шунга ўргатиб қўйгансиз. Балки, мисол учун, олдинлари оилангиз ва мактаб учун нонушта тайёрлаб юргандирсиз. Бу ишлар сизнинг «А» бўлимдаги зарурий ишларингизга айланиб қолган бўлиши мумкин. Энди сиз ҳам ишляяпсиз, бу ҳолатни оила аъзоларингизга тушунтириб, нонуштани навбат билан тайёрлашни уқтиришингиз лозим. Ишхонангизда эса доим арзимаган нарсалар учун сизга мурожаат қилиб вақтингизни олаётган миждозингизга ёки ҳамкасбингизга, уларнинг илтимосларини қондирадиган бирор сервисга мурожаат қилишларини дангал айтишингиз керак.

Вақтингизни бировлар ўғирламаслиги учун улар билан ҳар қандай масалада орани очик қилиб олишингиз лозим бўлади. Агар келишув амалга ошмаса, албатта, ён беришга мажбурсиз. Чунки бу иш сиз учун «А»га қарашли экан, сиз ҳам тортишувга борган одамнингиздан сизнинг бирор бир «А»даги ишларингизни қилиб беришини сўранг. Ёки оддийгина қилиб «Агар сен менинг ишимни қилмасанг, мен ҳам сеникини қилмайман» десангиз, балки вақтингизни олмайдиган келушувга эга бўлишингиз мумкин.

## **ВАҚТНИ ГАЛМА-ГАЛ ТАҚСИМЛАШ**

Агар вақтингизни оладиган одамларнинг сони кўпайиб кетса, уларни энг зарурийларидан бошлаб навбатга қўйишни ўрганинг. Агар одамларни ҳурмат қилган ҳолда, уларнинг истакларини қондириш учун навбатма-навбат ишларини бажарсангиз, албатта, улардан ҳам сизга қайтади. Улар ҳам сизнинг вақтингизни қадрлашни ўрганишади. Оиладами, ишхонадами ҳеч кимни ранжитмасликка ҳаракат қилинг. Қуруқ ваъдалар бериб, ўзингизнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам вақтини зое кетказманг. Ҳамманинг хоҳишини бажариш мумкин, фақат навбати билан. Шунда ўзингиз учун мўл-кўл вақт топа оласиз. Ахир ҳаётда ўз ишларингизни бажариш учун кўпроқ вақтга эга бўлишга ҳаракат қилмаяпсиз-ку!

## 13-БОБ

### ЎЗИНГИЗ УЧУН ДАМ ОЛИШ ВАҚТИНИ ҚАНДАЙ ТОПАСИЗ?

Айтайлик, иш жадвалингиз бўйича чуқур ўй-хаёллар ва ечимлар учун алоҳида вақт ажратдингиз. Нима деб ўйлайсиз: «Сизга фикрингизни жамлашингиз учун халақит беришмасмикин?». Сиз, албатта, ўзингиз билан ўзингиз бўлишингиз учун вақт ажратишингиз лозим. Ўзи билан ўзи бўлиш бу ички иш, ўйлаш ва фикрлаш, тўғри қарор қабул қилиш учун ажратилган вақт. Бундай вақтда кўпчилик таниқли одамларда турли ечимли янги ғоялар пайдо бўлган. Шундай вақтларнинг эвазига тарихни ўзгартириб юборадиган ғоялар туғилган. Ўз-ўзи билан бўлишга вақт топган одам ўзгалардан бахтлироқ бўлади.

Баъзи одамлар кўпчилик билан вақт ўтказишни хошлашади. «Бир дақиқага вақтингизни олсам майлими?» деган савол «Чегараланмаган вақтга эътиборингизни тортсам майлими?» дейилганини билдиради.

Шунинг учун «Бир дақиқага вақтингни олсам майлими?» деган саволга, «Ростдан ҳам бир дақиқагами, агар бир дақиқадан ўтадиган бўлса, кел шу ишни бошқа кунга қолдирайлик» дейишни ҳам ўрганинг. Шунда вақтингиз тежалиб, ўзингиз билан қолишга кетадиган вақтингизга вақт кўшилади.

## **ҲАЁТИНГИЗГА КЎПРОҚ КИМ СУҚИЛИБ КИРАДИ?**

Балки у одам жуда керакли шахсдир? Сиз буни аниқлашингиз керак. Агар сизга, ишдаги танаффусларингиз мобайнида, ташқи аралашувлар қийинчилик туғдираётган бўлса, келаётган одамлар ва телефон кўнғироқлари ҳисобини юритинг.

Шунда 80/20 қондасининг самарасини кўрасиз. Аниқ айта оламанки, ҳаётингизга суқилиб кираётганларнинг саксон фоизи аралашувларга, йигирма фоизи келувчилар ва телефон орқали сўзлашувчиларга тўғри келади. Айтмоқчиманки, ҳар қандай вақтингиз кушандаларини ишга ҳалақит қилмаган ҳолда бошқарса бўлади. Бунинг учун қатъиятли бўлишингиз лозим. Сизни арзимаган иш учун ҳафтанинг ҳар қандай кунида, эрталаб беҳудага ўз хонасига чақириб, топшириқ берадиган бошлигингизга, сизга берадиган топширигини бир кун олдин айтишини ва сиз шунга қараб вақтингизни ажратсангиз ишда унум бўлишини тушунтиришингиз керак. Бу тажрибани ўта талабчан миждозларга ҳам қўллаш мумкин. Бир кун олдин режалаштирилган учрашув ёки топшириқлар рўйхати вақтни тўғри тақсимлашга ёрдам беради ва буни атрофингиздаги инсонларга тушунтиришдан чарчамаслигингиз керак. Шундагина, вақтингизни тинмай кемираётган вақт ўғриларидан халос эта оласиз. Фақат қолдириб бўлмас тасодифий ишларгагина вақтингизни ажратишни ўрганинг.

Баъзи инсонларга бундай ҳолатлар одатга айланиб қолган бўлиши мумкин. Масалан, бошлиқ ўринбосарининг ҳар куни бир-икки марта бирор арзимаган муаммони ҳам гўё ўт кетгандай айтиб хонага бостириб кириши дейлик. Бу одатни йўқотишнинг бир йўли бошлиқ ўз хизматчилари учун ҳам қабул вақтини белгилаб қўйишидир. Мисол учун, бир кунда уч маҳал 9.30, 13.30 ва 15.30да. Шунда ҳар қайси хизматчи,

муаммоларни тўлалигича ёзиб, хотиржам кириб келиши ва муаммога биргаликда ечим топишга имкон туғилиши мумкин. Олдингизга таклифсиз хоҳлаган пайтларида ташриф буюрадиганлар ҳаётингизга рухсатсиз кириб, вақтингизни ўғирлайдиган инсонлардир. Юқорида айтилганларга амал қилсангиз, вақтингиз бесамар кетмайди.



## 14-БОБ

### ЎЗИНГИЗГА «РОБЕРТНИНГ САВОЛИ»НИ БЕРИНГ

Ҳаётий Мақсадлар Декларациянгиздаги «Нима қилиш керак?» номли рўйхатингиз ва жадвалингиз, сизга вақтингизни назорат қилишга ёрдам беради. Иккиси ҳам ҳаётий режангизни тузишингизда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ улар доим бир дақиқалик қарорлар қабул қилишга тўғри келмайди.

Ким бир кунда ўн мартаба ўн беш дақиқалик қарорлар қабул қила оларди? Ҳеч ким! Сиз ҳам бундай қила олмайсиз, шунинг учун мен сизга бир услубни таклиф қилмоқчиман. Бу услубни қўлласангиз, бир кунда қанча хоҳласангиз шунча қарор қабул қила олишингиз мумкин. Бу услуб «Робертнинг саволи» деб номланиб кўйидагича янграйди: «Ҳозирда, вақтни сарфлаб, қандай қилиб яхшигина фойда олиш мумкин?». Сиз доим ўзингизга шу саволни бериб юришни ўрганишингиз керак. Агар илк бор Робертнинг саволига «Мен билмайман» деб жавоб берсангиз, унда сиздаги бор вақт ичида бу саволни қайтаришингиз мумкин. Агар яна «Мен билмайман» деган жавоб олсангиз, «Мен буни эшитганман, менга жўяли жавоб керак», деб айтинг.

Мен сизни ахлоқона ўйин ўйнашга ундамоқчи эмасман. Шунчаки ўз вақтингизни фойдали ва унумли ишлатишин-

гизни хоҳлайман. Бу муаммоларингизни ечишдаги асосий ишларингиздан бири.

Шунинг учун бирор бир ақли жавобни олмагунигизча, ўзингизга «Робертнинг саволи»ни беришдан чарчаманг. Одатда биринчи олган жавобингиз яхшироқ бўлиши мумкин ва сиз уни қабул қилишингиз керак. Аммо баъзан хатолар ҳам бўлиб туриши мумкинлигини унутманг. Шунинг учун қарор қабул қилганингиздан сўнг ҳаракатни бошлашдан олдин бир-икки сония кутиб туринг.

Балки бугун узоқни кўриш қобилиятингиз дам олгандир. Агар бир оз бўлса-да иккилансангиз, бошқа жавоблардан бирини танланг. Агар сиз ушбу услубга, яъни «Робертнинг саволи»ни ўзингизга бериб юришга одатлансангиз, ўзингизга ишончни сеза бошлайсиз ва вақт борасидаги муаммоларни бартараф этишда доим ақли қарорлар қабул қилишга ўрганасиз.

## **ДОИМ ЎЗИНГИЗГА «РОБЕРТНИНГ САВОЛИ»НИ БЕРИБ ЮРИНГ**

Айниқса, ишлаб турган пайтингизда телефон кўнғироғи ёки кутилмаган ташриф ишлашингизга халақит берса, «Робертнинг саволи» ни бериш айти муддао бўлади. (Лекин бу кўнғироқ ёки ташриф мобайнидаги танаффус сиз учун зарур ва хоҳишингиз деб санайлик). Бу ишингиздаги танаффус тугаганда, текширинг: сиз узилиб қолган ишингизга қайтишни хоҳлайсизми ёки бошқа янги ишни бошлайсизми?

Агар ишингиздан чалғиган бўлсангиз, ўзингизга «Робертнинг саволи»ни беринг. Сиз кўшни хонадаги суҳбатга кулоқ тутдингизми? Биринчи кириб келган одамга разм солдингизми? Келажакдаги таътил ҳақида орзу қилаяпсизми? Шу тобда, ўзингизга «Робертнинг саволи»ни беринг! Бу саволни бериб, агар вақтингизни беҳуда

сарфляяпман деб ўйласангиз ҳам, бераверинг. Ёки «А-1» ишнинг ярмида тўхтаб қолсангиз ҳам саволни беринг. Ёки ишламасдан шунчаки қоғозларни варақлаб ўтирибсиз, яна ўша саволни беринг.

Қилиниши керак бўлган икки ишдан бирини танлашга тўғри келганда, иккиланганингизда, нафасингиз қайтганда, бошқа ишга ўтиш даврида, савол беришни унутманг. Унутиб қўймаслигингиз учун иш столингиз устига катта ёзувлар билан «Вақтни сарфлаб катта ютуққа қандай эришиш мумкин?» ва «Робертнинг саволини ўзингга бер» деб ёзиб, кўзингиз доим тушадиган жойга қўйиб қўйинг.

Балки, сиз «А-1» деб бошлаган ёки тугатаётган ишингиз ҳеч қачон «А-1» бўлмагандир ёки бўлмай қолгандир. Балки бу буюртмани рад этиш керакдир? Балки бу лойиҳанинг муддати ўзгаргандир? Шундай қийинчиликлар учун бош ҳисобчининг ишдан бўшашига тўғри келаётгандир? Қилинган «А» ишлар вақт ўтган сайин ўз қийматини йўқотиши ва «Б»га айланиши ёки тугагандан сўнг «ВЯ»га айланиб қолиши мумкин.

Ҳар қандай ишда вақтдан унумли фойдаланиб ютуққа эришиш учун «Робертнинг саволи» сизга ёрдам беради. Кўпинча, биринчи жавоб олдин ҳам айтганимиздек тўғри бўлиши мумкин. Ўзингизни иш мобайнида бошқаришни ва текширишни ўрганинг. Қилаётган ишингиз сал бўлса-да сизга ёқмаяптими, уни тўхтатинг ва бошқасини бошланг. Эртасига ўша ташлаб қўйган ишингизга қайтгингиз келмадимми, демак, ўша ишни тугатибсиз. Шундай пайтларда ҳам «Робертнинг саволи»ни бериш ёдингиздан чиқмасин. Агар бирор ишни ярим соат ичида бажаришни хоҳласангиз, соат кўнғироғини ўша керакли вақтга қўйинг. Айтайлик, ишингиз ярим соатдамас йигирма дақиқада битди. Эндя шунга ўхшаш ишлар учун соат кўнғироғини йигирма дақиқага қўйинг.

## 15-БОБ

### «ШВЕЙЦАРИЯ ПИШЛОҒИ» УСЛУБИНИ ҚЎЛЛАНГ

Пухта ишлаб чиқилган режа, тўғри қўйилган мақсад белгилаган вақтингиз (хаёт йўлингиз) учун ғоят катта қўйилган қадам. Шундай бўлса-да, энг зўр режакорлар ҳам бир нарсани унутишлари мумкин: режа ҳар қандай асбоб сингари керакли маҳалдагина ишлатилса фойдали бўлади. Режани яхши дейиш учун, уни ҳаётга татбиқ қилиб, амалга ошириш керак.

### ЯХШИ РЕЖА, ЁМОН РЕЖА

Гап оддий кундалик ишлар устида кетганда, масалан, овқатланиш ёки тишни ювишга ўхшаш, бунда режа маҳсули ҳаракатга келган бўлади. Режа ҳаракатга келтирилиб, амалда қўлланилганда, ўзига жалб қилиб, сизда қизиқиш ва иштиёқ уйғотса, ҳаёт йўлингизни ҳар томонлама фойдали томонга ўзгартира олса, ўша режани яхши дейиш мумкин. Ўзингиз асосий деб ўйлаган иш билан шуғулланиш жараёнида тузган режангиз, қилаётган ишингиз билан чамбарчас боғланган бўлиши ҳам мумкин.

Режани ҳаётга татбиқ қилиш силлиқ ўтиши ҳам мумкин. Тасаввур қилайлик, режа тузиш жараёнида (хаётий мақсадлар рўйхати, устувор йўналишни аниқлаш, «Робертнинг саволи»га жавоб) эътиборингизни қилинадиган ишларга, сиз «А-1» деб ўйлаган ишларга, яъни

сармоядорлик орқали молиявий тенгликни таъминлашга қаратдингиз дейлик. Аммо баъзан режага асосан ҳаракатни бошлаш ўрнига, иккиланишни бошлайсиз. Бу ҳолатда сиз «А-1» ишдаги «ҳозир қилиш керак» мажбуриятига амал қилмай, уни кейинга суришга уринасиз.

Мен минглаб ўз вақтларини ва ҳаётларини бошқарувга олишни истаган одамлар билан суҳбатлашганман. Мен улардан қайта-қайта: «Кўп йиллардан бери бу ишни қилмоқчи эдим, аммо доим уни ортга сураман» ёки «Нима қилишни биламан, аммо менга уни бошлашга вақт етишмайди» деб юришларини эшитганман. Ортга суриш! Бу – кам муддатли ва узоқ муддатли ишларни бошлаш йўлида кўпинча учрайдиган тўсиқлардан биридир.

«А-1»даги мақсадларингиз ҳаққониймикин? Сиз «А-1» мақсадни олдингизга кўйганингизда, «ҳозир қилиш керак» мажбуриятига иштиёқсиз бўлсангиз, ўз танловингизни қайта текшириб чиқинг. Балки ростдан ҳам бу иш асосий деб ўйлаган «А-1» ишмасдир, вақтингизни сарфлашга арзимасдир. Баъзан олдинни кўра билиш қобилиятингиз ҳам иш бериши мумкин.

## **«А-1»ДАГИ ИШДАН ВОЗ КЕЧИШ ҲАМ ТЎҒРИ ҚАРОР БЎЛИШИ МУМКИН**

Айтайлик, елканли кемани бошқаришни ният қилгандингиз, кейин билсангиз, ўргатувчингиз сиздан ҳаддан зиёд кўп пул тўлашингизни хоҳлаяпти. Бундай қилсангиз, сиз зарарга кирасиз, шунинг учун ўрганишдан бош торгганингиз маъқул. Тўғри деб ўйлаган режангиз ўша пайтнинг ўзида яхши бўлиши мумкин. Амалга ошириш вақтида эса ҳаёт йўлингизда ўзгаришлар пайдо бўлгани учун ўша режадан бош тортишингизга тўғри келади ва айнан воз кечиш қарорингиз сизга қўл келиши мумкин.

«А-1»даги мақсад учун ҳаракатни ортга суриш доно фикр бўлиши мумкинлигига яна бир сабаб, балки режаларингизнинг натижасини кўра олмаётгандирсиз.

Ёки иш столингиз устида банк ҳужжатларини текшириб ўтирганингизда почтачингиз кутилмаган хабар билан кириб келди. У сизга ортиқча харажат қилганингиз учун банк ҳисоб рақамингиз вақтинча ёпилганини маълум қилди. Демак, «А-1»даги ишларингизни тўхтатиб туришингизга тўғри келади, чунки сиз банк билан муносабатингизни тўғрилаб олишингиз керак.

Нейлонли катмончаларни ишлаб чиқариш жараёнида, менга бир каттагина реклама агентлиги билан алоқа қилишимга тўғри келган. Биз уларга маҳсулотларимизни реклама қилишларини таклиф қилгандик. Аммо тушунарсиз бир бефарқлик билан агентлик бошлиғи таклифимизни бир неча ҳафталаб ортга сурарди. Биз бу ҳолни аниқлаштириш учун учрашдик. Суҳбатимиздан сўнг, бизнинг ишимизни ортга сураётганини агентлик бошлиғи тушунди.

Бизнинг бу буюртмамиз ортидан агентлик анчагина фойда кўришини бошлик биларди, аммо бир ой муддат ичида реклама компаниясини бошлаш керак бўлса-да, у суст ҳаракат қиларди. Бунинг сабаби ўз бўйнига олган иши кўплигида ва анча чарчаганида эди. У бу билан «А-1»даги зарурий ишидан узоқлашаётганди. Буни тушунганидан сўнг, зарурий фойдали ишидан маҳрум бўлиши мумкинлигига ақли етиб қолди.

Агар англаган бўлсангиз, унинг «А-1» иши, бизнинг буюртма эмас, балки ўзидаги толиқишни йўқотиш эди. Шунинг учун у ишимизни юргизиш учун, ўзида йиғилиб қолган бошқа ишларни ёрдамчиларидан бирига топшириб, бир оз дам олиб, фикрини жамлаб, бизнинг рекламамиз билан шуғулланишни бошлади. Энди у бизнинг ишимизга қизиқиш билан ва виждонан қўл урди.

## **МОСЛАШУВЧАН БЎЛИНГ**

Юкоридаги мисолдан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, «А-1»даги асосий иш деб ўйлаган ишингизнинг бажарилмаслиги уни ортга суришингизда эмас, балки вазият ўзгаргани учун, ўта кўп масъулиятни ўзингизга юклаб олганингизда.

Бундай пайтларда, олдинги қилиб турган ишингизни четга суриб, «А-1»даги ишингизни олдинга сурганингиз маъкул. Қайсиниси зарур, ўшани аниқланг ва уни «қозирнинг ўзида бажаринг».

### **ОРТГА СУРИШ НИМА?**

Ортга суриш, ўзингизча, «А-1» учун асосий мақсадли иш топдим, деганингизда пайдо бўлади. Сиз ўз танловингизни тўғри деб ўйладингиз, ҳеч бўлмаганда бу ишингизга бир неча дақиқа ажрата оласиз холос, бироқ бу иш билан тўла шуғулланмайсиз. Бунинг ўрнига, ўзингиз тўғри деб ўйлаган «А» ишга, «Б» ёки «В»га вақтингизни сарфлайсиз, балки умуман кераксиз ишга куч сарфларсиз. Бу билан сиз асосий ишни ортга сурасиз.

### **НЕГА БИЗ ШУНАҚАМИЗ?**

Аввало биз – инсонмиз. Бошқа одамлар сингари «А-1»даги жуда оғир ва ёқимсиз ишларни бажаришни ортга сурамиз. Инсонларни «А-1»даги жуда оғир ишларни ортга суришларига сабаб, бу ишлар кўп вақт олади. «А-1»даги ёқимсиз ишларни бажариш эриш туюлишига сабаб, иш жараёнида турли ёқимсиз ҳиссиётларни бошдан ўтказиш ҳеч гапмас. Бу икки тоифа эса аслида бир-бирини тўлдириши ҳам мумкин.

## **ФАРҚНИ ТОПИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ**

Сиз ҳар қандай ишнинг жуда оғир ва ёқимсизлигини осонликча ажратиб олишингиз мумкин. Бу фарқлар бир томондан фойдали бўлиши ҳам тайин, чунки ҳар икки тоифа учун сиз турли йўналишли ечимлар топишингиз мумкин.

Келгусида юқоридаги икки вазиятда ортга суришни қандай енгиш ҳақида сўз боради.

### **ОГОҲЛАНТИРИШ**

Ортга суриш билан курашиш услубини охирги иложсиз дамларда қўллашни тавсия қиламан. Агар бу билан ҳамиша шуғуллансангиз, «А-1»даги асосий мақсадингиз йўлида ўз вақтингизни беҳуда сарфлаган бўласиз. Сизнинг биринчи асосий ишингиз «А-1» ва уни рўёбга чиқариш. Техник услублар шунчаки, мақсадни амалга ошириш, холос. Асл мақсад эса вақтингиздан унумли фойдаланишдир.

### **«А-1»ДАГИ ЖУДА ОҒИР ИШЛАРНИ ҚАНДАЙ СИЛЖИТИШ МУМКИН**

Айтайлик, сиз эндигина уйингиздаги майда-чуйда ишларни бажариб бўлиб, дам олиб ўтирибсиз. Ярим соатдан сўнг ўғлингиз мактабдан қайтади. Сиз эса расм чизиш билан шуғулланмоқчи эдингиз. Буни охирги ҳафта ичида орзу қилиб юргандингиз, лекин бир неча ювиқсиз тарелкаларни ювишингиз ва ошхона полини ҳам артишингиз керак. Хуллас, сиз расм чизишда кўп нарсага эриша олмайсиз, аниқроғи чизадиган суратингиз чала қолиши мумкин.

Ёки сиз ишхонада ишляяпсиз ва ҳозиргина телефон орқали гаплашиб бўлдингиз. Гўшакни қўйиб, бирдан хаёлингизга вақтдан фойдаланиб, йиллик бюджетни кўриб



чиқиш келиб қолди. Сиз соатингизга қарайсиз. Тушликка чиқиш учун ўн дақиқа қолган. Столингизнинг бурчагида эса сиз эътибор беришингиз керак бўлган бир уюм қоғоз-хужжатлар ҳам ётибди.

Сиз нима қиласиз? «В» мавқели ҳужжатларга эътибор қаратасизми? Ёки шу ўн дақиқани оғир деб ўйлаган «А-1» ишингизни давом эттиришга сарфлайсизми? Ёки тушликни сал эртароқ бошлаб қўя қоласизми?

Бу сизга оқилона қадам бўлиб туюлмаса-да, яхшиси ишни жуда оғир «А-1»дан бошлаганингиз маъқул. Чунки йўлингиздаги «В» ишларни барибир қилмаслигингиз аниқроқ. Инсоннинг куни майда вақт узилишларига, майда бўлимларга бўлинган. Сиз бундай қарорга келиб, вақтингиздан фойдаланиш қоидасини унчалик бузмаган бўласиз.

## **КЕЛИНГ, ҲАҚИҚАТГА ТИК БОҚАЙЛИК**

Вақтдаги узилишлар ҳаётимизда кўп учрайди. Агар сиз, ўша вақтни енгил «В» ишлар учун ажратиб, «А-1»ни эътиборингиздан қолдирсангиз, асосий фойдали мақсаддан узоклашган бўласиз. Кўп ҳолларда оз вақт кетадиган енгил «В» ишларни танлашларига сабаб, уни қилиш осон ва вақт оз сарфланади. Сиз шундай йўл тутишингиз керакки, жуда оғир «А-1» осон «В» иш билан рақобатлаша олсин.

Лекин қандай қилиб? Дейлик, ҳисобингиз бўйича, сизга зарур бўлган бўлимнингизнинг бюджет ҳисоботини қилишингиз учун эллик соат керак бўлади. Тушликка чиқишингизга эса ўн дақиқа қолган. Эллик соат вақтни бугун тополмаслигингиз ҳам аниқ, ҳатто эртага ҳам. Шу сабабли, сиз зарурат туғилгунча бу ишни ҳар куни ортга сураверасиз. Вақти келганда эса, сиз жон-жаҳдингиз билан бюджет ҳисоботига ёпишасиз. Оқибатда, шошилиш

бюджет ҳисоботи чала-чулпа, баъзи бир англашилмовчиликлар билан бажарилади.

## **ТЕЗЛИК БИЛАН БОШЛАНГ**

Энг асосийси, жуда оғир деб ўйлаган «А-1» иш сиз учун зарурий бўлса, уни назоратга олиб, унинг устида ишлашни тезлик билан бошлаш зарур. Уни ўрнидан силжитиш, худди швейцар пишлоғидек, ишда ҳам туйнук очиш керак. Бу туйнуклар «тез бажариш вазифаси»га киради. «Тез бажариш вазифаси» беш дақиқа ёки ундан ҳам оз вақтни талаб қилади, шу йўл билан сиз оғир «А-1» ишингизда туйнук оча оласиз. Эндиликда, тушликкача сизда икки марта тезлик билан бажарилиши керак бўлган вазифаларни амалга оширишингиз мумкин. Буни аниқлаштириб олиш учун, ушбу вазифалар нималардан иборат эканини билишингиз керак:

- 1) тез бажарилиши керак бўлган ишлар рўйхатини тузиш;
  - 2) уларни аҳамиятлилик даражаси бўйича тартиблаш;
- Йиллик ҳисоботдек оғир ишга қуйидагича туйнук очасиз:
- 1) ўтган йилги бюджет ҳисоботидан кўчирма олиш;
  - 2) бюджетни тузишда кимлар билан боғланишингиз керак, уларнинг рўйхатини тузиш;
  - 3) бюджетни тайёрлаш ҳақидаги йиғилиш вақтини келишиб олиш;
  - 4) ҳамкасбингиз билан бирга тушлик қилиш ва унга бюджетни тайёрлашдаги ишнинг ярмини топшириш.

## **БЕШ ДАҚИҚА НИМАНИ АНГЛАТАДИ**

«Швейцария пишлоғи» услубида ишни бошлаш учун айнан шу беш дақиқа керак бўлади. Шу беш дақиқа ичида ишга қўл урдингизми демак, сиз ишни бошладингиз ва уни давом эттирасиз. Бирор бир беш дақиқалик ишни четга

суриб, «А-1»даги ишга «туйнук очиш»ни бошласангиз, бу ҳаракатларингиз сизга завқ бағишлайди. Тўғри, баъзан ишнинг бошида ўзингизни боши берк кўчага кириб қолгандай сезишингиз мумкин. Масалан, бюджет тузиш бўйича сизга бир ёрдамчи зарур, аммо ўша ҳамкасбингиз бугун ишга келмаган бўлиши мумкин. Аммо барибир, сиз ўз танловингизни қилдингиз, ишни бошладингиз ва бу ишга ўз ҳиссангизни қўшдингиз, сиз бундан, албатта, завқ туясиз. Балки «оғир иш»нинг шундай баҳона билан ортга сурилиши сизга ҳам ёқар. Аммо ишнинг бундай тарзда бошланишини омадли деб атаб бўлмайди.

«Швейцария пишлоғи» бу ишнинг бошланиши. Агар бошланишдаёқ омадсизликка учрасангиз, сабр қилинг ва келгуси вазиятни кутинг. Ёки «ишни тез бажариш»нинг бошқа йўллари кидиринг ва бажаринг.

Пишлоқнинг бир туйнугини яна бир бор қиртишлагга ҳаракат қилманг, бошқа туйнук очинг. «Ишни тез бажариш»га ҳаракат қилдингиз-у, аммо боши берк кўчага кириб қолдингизми, энди сизнинг вазифангиз тезда бошқа шунга ўхшаш ишнинг бошини тутишдир.

Ёдингизда тутинг: Битта туйнук билан «бир бурда швейцар пишлоғини» тайёрлаб бўлмайди. Сизда «ишни тез бажариш вазифаси» кўп бўлиши керак. «Швейцария пишлоғи» услубининг аҳамиятли жиҳатларидан бири, «ишни тез бажариш вазифаси» қандайлигининг фарқи йўқ.

Фақат кераклиси:

- 1) У иш енгил бўлсин – қанча енгил бўлса шунча яхши;
- 2) «Жуда оғир А-1 ишига» боғлиқ бўлсин.

Ишнинг ҳеч қандай бирор юқори босқичли бўлиши шартмас, муҳими «А-1»даги ишни бошлаб олиш. Асосийси, ишни ўрнидан силжитиш. Арзимаган туртки ҳам ишнинг бошланишига йўл очади.

«Швейцария пишлоғи» услуби ҳатто катта лойиҳаларни амалга оширишга ҳам ёрдам беради. «А-1» ишингизда,

худди пишлоқдаги сингари, ўнга яқин туйнукчалар очганингиздан сўнг, бу ишни бошқа бир хизматчингизга ишониб топширсангиз ҳам бўлади. Ёки ишни қандай қисқартиришни ҳам билиб олишингиз мумкин. Оғир деб ўйлаган ишингизни ўрнидан силжитиб, ўзингизда шижоат уйғонганини ҳис қила бошлайсиз. Сиздан биргина талаб қилинадиган нарса, оғир ишингизнинг айрим қисмларини ўрнидан силжитиш ва бу билан сиз аста-секин умумий ишни охирига етказишингиз.

## **ОХИРГИ УРИНИШ**

Балки «А-1»даги ишни бажаришга ўзингизни мажбур қилолмаётгандирсиз. Бунда балки ўзингиз билан бирор бир мураса йўлини танлаганингиз маъқулдир. Айтайлик, сиз бугун айёрона «А-1» ишдан воз кечдингиз. Бошқа ишга қўл уришдан олдин, асосий ишни қилишга яна бир бор, охириги марта уриниб кўринг. Соатингизга қаранг ва вақтни белгиланг. Беш дақиқани «А-1»га ажратинг ва куннинг охиригача, майли бу ишга қўл урманг. Ахир беш дақиқа қайсидир ишни четга суришингиз мумкин-ку!

## **БУ – ГЎЁ КЎЛДА ЧЎМИЛИШГА ЎХШАЙДИ**

Тасаввур қилинг, сиз ёзги таътилни кўлда ўтказасиз. Кўл қирғоғига ётиб оласиз-да, кўлнинг суви илиқмикан ёки совуқмикан, деб ўйлай бошлайсиз. Сиз бошқалардан сўрайсиз, улар совуқ дейишди, лекин улар чўмилишяпти ва бу уларга ёқаяпти ҳам. Сизнинг ҳам жуда чўмилгингиз келаяпти-ю, лекин совуқ сувга тушгингиз келмаяпти.

Ниҳоят, кўл олдида келасиз. Сувга сакраш керакми? Бошмалдоғингизни сувга тикасиз – совуқ, иккинчи оёғингизни сувга соласиз – совуқ, аста тиззангизгача, кейин белингизгача ва ўн-ўн беш метргача сузиб, қайтиб кўлдан

чикасиз. Сизга кўлнинг суви совуқлик қилган бўлса, қайтиб сувга тушгингиз келмаса, артиниб, бориб гольф ўйнайверасиз.

Ҳеч ким сизга сувга сакрашингиз учун маълум бир вақт ажратмайди. Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ ва ўзингиз вақтни тайинлайсиз.

## **ОЛГА! АММО ЁҚМАСА, АЛБАТТА, ЙЎЛДАН ЧЕТГА ЧИҚИШИНГИЗ МУМКИН**

Балки сиз бир соатдан сўнг яна кўл сувидадирсиз, балки сув совуқ бўлса-да, сизга сергаклик ва ҳузур бағишлаётгандир. Беш дақиқалик чўмилишдан сўнг балки сиз барибир кўлда сузиш бўйича мусобақада иштирок этишга қарор қилгандирсиз?!

Ҳозирча «А-1» ишингизга ўн икки соат эмас, ҳар куни бир соатдан ва ҳафтанинг икки кунда, масалан, сешанба ва чоршанба кунлари уч соатдан вақтингизни ажратиш учун жадвал тузиб олишингизни маслаҳат берардим. Шундан кейин балки вазифа моҳияти сизни мақсад сари ҳаракатланишингизга аниқлик киритар. «Ишни тез бажариш вазифаси» балки ишингизни охиригача етказмагандир, лекин унинг ёрдамида сиз «А-1» ишингизга қайта-қайта мурожаат қилиб, уни ҳар томонлама ўрганиб олдингиз ва охир-оқибат уни уддалашга киришингиз ҳеч гапмас.

Менимча, бу жуда яхши услуб. Бу услуб, сизни келажакдаги «тез қилиниши керак» бўлган ишларингизга кенг майдон очади. Келгуси саҳифаларда «ишни тез бажариш вазифаси» ҳақида кенгроқ тўхталиб ўгаман: тез ва осон усуллар секин ҳаракатланишдан қутулишингизга ёрдам беради, катта кўринган ишларни қисқартиради ва ишингизнинг бароридан келишини таъминлайди.

## 16-БОБ

### ҚИЛИНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИШГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТЕЗ КИРИШИШ МУМКИН?

#### МАЙДА-ЧУЙДАЛАРИГАЧА РЕЖАЛАШТИРИНГ

Демак, «А-1» ишга киришиб кета олмаяпсиз. Сиз мақсадни аниқ белгилаганингизга ишончингиз комилми? Агар муаммо шунда бўлса, майда-чуйдаларгача режалаштирганингиз маъқул. Одатда, агар режани пухта тузсангиз, унинг амалга ошиши жуда осон кечади. Ёдингизда бўлсин, режалаштириш – бу энг аввало, қарор қабул қилиш, демакдир. Олдинига мен сизга «А-1»даги ишингизга ишончингизни ошириш учун қандай қилиб қарор қабул қилишни кўрсатаман.

Бир варақ қоғоз олиб, унинг тепасига «Мен қарор қабул қилдим» деб ёзинг. Энди сиз беш дақиқалик қарор қабул қилишга тайёрсиз. «А-1» иш ҳақида қандай фикрга келсангиз, ҳаммасини ёзинг. Масалан, ишни амалга ошириш учун уни қачон бошлаш, қанча вақт сарфлаш, қандай асбоб-ускуналар ва яна нималар керак бўлиши мумкин? Қарорингиз қанчалар қисқа ва аниқ бўлса, сиз осон йўллари топиб, «А-1» ишнинг тез ривож олишига замин яратасиз.

## **«ҚАНИЙДИ...» – БАЪЗИДА ФОЙДА БЕРАДИ**

Агар сиз режа тузишда қийинчиликларга йўлиқсангиз, сеҳрли «қанийди...» услубини ишлатишни тавсия қиламан. Ҳаққоний тан олинг: «Мен режалаштиришни шунчаки билмайман» денг. Кейин ўзингизга «Агар билганимда, қандай режа тузган бўлардим?» деб айтинг. Энди бу саволга «Агар...» сўзи билан бошлаб жавоб тузинг. Шунда сиз «Бажара олмайман» ва «бажара олганимдами» деган муаммоли чекловчи саволларга ечим топасиз. Бу иш фаолиятингизда «қўлингизни» узайтиради. Мен бундай услубни ишлатган кўп миждозларимни биламан ва улар керакли натижаларни қўлга киритишган.

Ёки куйидагича тасаввур қилиб кўринг: Сиздан «А-1»даги қийин иш билан шуғулланишингиз учун эмас, бу ишни қандай бажариш учун маслаҳат сўрашяпти. Сиз режани тузиб бўлганингиздан сўнг, унинг ижросига бошқа киши киришади. Сиз фақат режани тузиб берасиз ва қайтиб бу иш учун бошингизни қотирмайсиз. Шу тарзда режа тузишга киришасиз.

## **БОШҚА КИШИГА ҚАНДАЙ ТАВСИЯ БЕРГАН БЎЛАРДИНГИЗ?**

Сиз берган баъзи тавсияларнинг оғирлиги сизни хавотирга солмасин. Бу муаммо энди бошқа одамники, муаммони ечишда энди у бошини қотирсин. Кейин режангизни стол устига қўйинг ва танаффус қилинг. Ҳамкасблар билан суҳбатлашинг. Ўзингизни хотиржам тутинг. Қайтиб иш столингиз олдида келганингизда, бошқа биров учун тузган режангизга кўзингиз тушади, сиз ўйлаб қоласиз, «бирор нарса билан унга ёрдам берсаммикан?» Балки сиз у қийналадиган томонларига жўялироқ ечимларни топарсиз. Балки режадаги баъзи ишларни у

келгунча, ундан-да тузукрок бажарарсиз. Бу ўй-хаёллар ва уларнинг натижаси «А-1»даги ишларнинг силжишига ёрдам беради. Сехрли «қанийди...» режанинг тузилишигагина эмас, уни ҳаётга татбиқ қилинишига ҳам ёрдам беради.

## **КЎП АХБОРОТ КЕРАК**

Баъзида қанча уринсам-да, ишни бошлашга журъатим етмасди. Бир куни ўзимга ички ҳовли қурмоқчи бўлдим. Аммо барибир, уни амалга ошира олмадим, чунки бунинг учун нима қилиш кераклигини билмасдим.

Бу одатий ҳол: сизда ахборот етишмайди, ишга бўлган иштиёқингиз сўнади, оқибатда иш ўрнидан силжимади. Ҳеч нимани билмаслик қизиқишни йўқотади.

Катта синф ўқувчилари устида ўтказилган бир тажриба ҳақида сизга айтиб берсам. Улардан қирк саккиз хил ҳайвон ичидан ўзларини қизиқтирган ўн иккита ҳайвон ҳақидаги саволларни ажратиш сўралганди. Қарангки, улар ўзларига таниш бўлган ҳайвонларни танлаганлар.

Бошқа бир тажрибада ўқувчиларга музейдан олиб келинган ғайриоддий нарсаларни кўрсатишган. Тажриба ўтказувчи ҳар бир буюм ҳақида маълумот берган ва ўқувчиларга уларни қизиқтирган нарсалар ҳақида саволлар беришларини сўраган. Қарангки, ҳар бир нарсага бўлган қизиқиш ўша нарса ҳақида кўпроқ маълумот олган сайин ошиб борган ва саволлар туза бошлашган.

Бирор бир нарса ҳақида қанча кўп ахборотга эга бўлинса, ўша нарсага қизиқиш ҳам ортиб бораверади. Бундай тажрибалар кўп ўтказилган. Ҳар куни олти яримдаги янгиликларни эшитадиган ва кўрадиган аксарият инсонлар, кечки ўн бир яримдагисини ҳам эшитишади ва кўришади. Бундай одамлар бир ёки икки газетани эътибор билан



ўқишади. Хуллас, ахборот озгина бўлса-да, ахборотга бўлган иштаҳани яна очади.

## **КИМЛАР ЖУРНАЛ ҲИШАДИ?**

Ўзлари қизиққан соҳага эга одамлар бор ва улар турли соҳаларга оид чиқариладиган журналларни олиб ўқишади. Масалан, чанғи спорти ҳақидаги ёки итлар ҳақидаги, боғбончилик ва гулчилик ҳақидаги журналларнинг ўз ўқувчилари бор. Ҳар бир нарсага қизиқувчи одамлар ўзларига ёққан нарса ҳақида чуқурроқ тушунчага эга бўлишни хоҳлашади ва уни такомиллаштиришга уринишади. Ўзига қизиқ бўлмаган бошқа соҳа ҳақидаги журнал ўша одамни унчалик ўзига жалб қилолмайди. Бу одатий ҳол.

Ўқиш ёки аудиокассеталарни эшитиш кўпчилик учун энг осон, «тез қилиниши керак бўлган вазифа»лардан саналади. Ҳатто, бир неча дақиқа китобга, журналга, газетага, иш юзасидан докладга, хотира дафтарчасига, хабарга, хатга кўз югуртириш ёки аудиокассетани автомобилда кетиш жараёнида эшитиш жараёнида олинган хабар ҳам сизда унга нисбатан олдин бўлмаган қизиқишни уйғотиб, эътиборингизни ўзига тортиши ҳеч гапмас. Яна шуни ҳам айтишим керакки, бу машғулот сиздан катта куч талаб қилмайди.

Ахборот олишнинг яна бир йўли – одамлар билан суҳбат куриш. Сиз қидирган одамлар, балки ўзингизнинг ишхонангиздан чиқиб қолар. Балки улар атрофингиздадир ёки оилангизда бўлишлари мумкин. Суҳбат – бу энг ёқимли ахборот олиш усулидир.

## **ЕТАКЧИ ВАЗИФАНИ ТАНЛАШ**

«А-1»даги ишни амалга ошириш учун тайёр бўлмасангиз-да, аммо ниманидир бажаришга қаршилиқ қилмасангиз, ҳар қандай жисмоний ҳаракат сизни катта ишни бошлашга ундаши мумкин.

Мен бундай ҳаракатни «етакчи вазифа» деб атайман, чунки буни бажариш сизни ишлашга етаклайди. Мисол учун, маърузани тайёрлашда, унинг баъзи керакли жойларига белгилар қўйиб кетиш сизнинг «тез қилиниши керак бўлган вазифа»нгизга киради.

## **ҚАЛАМ ОЧИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИБ КЎРИНГ**

Айтайлик, шу вазифа ҳам сиз учун қийин. Бу ҳолатда қаламларнинг учини чиқаришга киришинг. Мен ҳазил қилмаяпман! Балки бу машғулот сизни ишга ундамас, аммо қаламларнинг учини чиқарганингиздан сўнг, албатта, ниманидир ёзиб кўришни хоҳлайсиз, ўшанда бошламоқчи бўлаётган ишингиз борасида бирор нарсани ёзишингиз тайин.

«А-1» билан боғлиқ буюмларнинг жисмоний ҳаракати ишни бошлашингизга сабаб бўла олиши мумкин. Яхши «етакчи вазифа» – шундай буюмни кўз тушадиган жойга қўйиш.

Масалан, сизда жавоб ёзишингиз керак бўлган мактуб бор, аммо жавоб ёзишни қатъий ортга сураяпсиз. Мактубни иш столингизнинг ўртасига қўйинг. Ўшанда сиз бошқа ишдан бирор дақиқага бўшаганингизда мактубга кўзингиз тушиб, унга жавоб ёзишга ҳаракат қиласиз.

## **СТОЛИНГИЗНИ САРАНЖОМЛАНГ!**

Бошқа «етакчи вазифа» столингиз устидаги эътиборингизни ўзига тортадиган буюмларни олиб ташлаш. Одатда, ана шундай нарсалар «А-1» ишдан чалғитади. Агар сиз ростдан ҳам, «Сармоядорликка йўлбошловчи» китобини ўқимокчи бўлсангиз ва шунчаки, ўша китобга ета олмаётган бўлсангиз, мана сизга ёрдам бера оладиган бир нечта «етакчи вазифа»:

Китобнинг нусхасини сотиб олинг.

Китоб шкафингиздан уни олинг.

Уни доим ўқиш учун ўтирадиган креслонгизга қўйинг.

Китобнинг биринчи бетини очинг.

Китобни танишингизга кўрсатинг ва унга айтинг:  
«Ниҳоят, мен уни ўқишни бошладим».

## **ЎЗИНГИЗ ЁҚТИРГАН ИШИНГИЗГА ҚАЙТИШИНГИЗ МУМКИН**

Менга одамлар олдинги қизиқишлари ҳақида айтиб, ҳозир ўша машғулотларини қила олмай, фақат у ҳақда орзу қилиб юришганини айтишади.

Қисқача қилиб айтганда, кичикми, каттами, қандайин ишни қилмоқчи бўлсангиз, уни силжитиш учун туртки берадиган, «етакчи вазифа»ни топишингиз керак бўлади. Ўшандагина юрмаётган ишингизга ўзингизда қизиқиш уйғота оласиз. Бу услуб катта муаммоларни ечишда ёки катта ҳажмдаги орзуларни рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

Кўпинча инсон инкироздан сўнг, ўша ишга кўл уришга ҳадиксираб қолади. Ёки янги иш бошлашга ботина олмайди. Уни омадсизлик чўчитиб қўйган бўлади. Бир марта омадсизликка учраб, кўпчилик фонд бозоридан кўрқишади. Бундай ҳолатларда менинг тавсиям қуйидагича бўлади: яна кичигидан бошланг, сизни инкирозга учратган ва у ҳақида

эслатиб турувчи нарсаларни кўз олдингиздан олиб ташланг, ўз атрофингизга, сизда янги иштиёкни, янги босқични, янги режа ва ўзингизга ишончни уйғотувчи нарсаларни тўпланг. Яхшиси, атрофингизга сизни кўллайдиган, бирор нарсага интилиб яшайдиган инсонларни тўпланг, ундайлар ҳаминиша топилади.

## **МАЙДА НАРСАЛАР ҲАМ ЁРДАМ БЕРАДИ**

Янги, қизиқарли нарсаларга вақт топиш учун мен азонлаб туришни режалаштирдим. Бироқ соатнинг уйғотиш кўнғироғи менга ёрдам бермади, соат одатдагидан ярим соат олдин жиринглагани билан мен уни ўчириб қўйиб ухлайвердим.

Шунда мен «етақчи вазифа»ни аниқлашга ҳаракат қилдим.

Мен соатни ўрин кўрпамдан узоқроқ жойга, ваннахонага бориш йўлига қўйдим. Энди мен соат кўнғироғини ўчиришга турганимда, ваннахона олдида яқинлашиб қоламан ва ноилождан барибир, ваннахонага кириб, тишимни ювишга мажбурман. Тишимни ювиб яна жойимга ётиб ухлашим мумкин. Аммо тишимни ювганимдан сўнг, уйқум қочиб кетганини сездим. Мана шундай қилиб, мен бу машғулотдан кейин, ҳечам ухламасликка кўникдим.

## **ЎЗИНГИЗГА ҚУЛАЙИНИ ТОПИНГ**

«Етақчи вазифа»ни бажариш бир-икки дақиқани талаб қилади, холос. Биз биламизки, тиш тозалаш билан бирор катта ишни бошлаш ўртасида боғлиқлик мавжуд. Худди шунингдек, агар одам стул четига ўтирса, у каёкқадир шошилиб турганини англатади. Агар одам чуқур нафас олса, албатта, енгил тортади.

Демокчиманки, режангизни амалга оширишда етакчилик қиладиган шунга ўхшаш ҳар хил жисмоний ҳаракатларни бажаришдан ўзингизни тийманг.

## **ТЎҒРИ КАНАЛНИ ТАНЛАНГ (ХУДДИ ТЕЛЕВИЗОР КАНАЛИДЕК)**

Бошқа бир фойдали «етакчи вазифа» – «тўғри канал танлови»дир. Маъноси шундаки, агар нимани гапиришни билмасангиз, фикрларингизни бир жойга йиғинг. Агар компьютердан бирор нарса керак бўлса, уни олдин ишга тайёрланг. Бир-икки қатор сўз ёзинг, масалан: «Ёзишим учун ҳеч қандай сўз ўйлаб топа олмаяпман». Кейин бутун қалбингиз билан клавиатурага ёндашиб, хаёлингизга нима келса, ўшани ёзинг. Бу сизнинг миянгиз учун яхши машқ бўлади. Энди сиз «А-1» ишингиз учун мониторга ҳар қандай нарсани ёзишингиз мумкин.

Агар сизга матн ўқиб айтиш керак бўлса, диктафонни ёқиб қўйинг, агар оғзингизга ҳеч нарса келмаса ҳам, уни ўчирманг. Диктафондаги югурдак чироклар, охир-оқибат сизни бирор нарса айтишга ундайди. Сўзлар отилиб чиқишни бошлагач, сўзлар оқимини «А-1» ишингизга қаратинг.

Агар телефонда гаплашишга қийналсангиз, олдин дўстингизга қўнғироқ қилинг. Агар бирор киши билан юзма-юз гаплашишдан тортинсангиз, олдин телефон орқали гаплашинг.

Мана шундай ишларни бир марта бажара олсангиз, албатта, кейин ҳам уддалайсиз. Бу қўлланма «А-1» ишингизнинг юриб кетиши учун жуда катта фойда беради.

## **АЙНИ ДАМДАГИ КАЙФИЯТИНГИЗДАН Фойдаланиш**

Одамлар кўп ҳолларда «А-1» ишни бошлашга қийинчилик билан киришишади. «А-1»даги ишни бошлаш, балки иш столига ўтириб хотиржам фикрлашдир. Ёки бирор киши билан шунчаки гаплашишдир.

Сизга икки ҳолатдан бирини танлашга тўғри келади:

1) зарур ишни бошлашни унутиш ва шунчаки кимгадир кўнгили ёзиш;

2) «А-1» учун созланган кайфиятингиздан фойдаланиш.

Қуйидагича ўйлаш мумкин: қандай қилиб ҳаяжон тўла кўтаринки кайфиятдан фойдаланиш мумкин. Масалан, «А-1» ишингиздан хабардор одамларни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиб суҳбатлашиш, уларни эшитиш, ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён қилиш. «А-1»га алоқадор одамлар билан суҳбатингиздан ва баъзи қўшимча ғоялардан бохабар бўлганингиздан сўнг, сизга столингизда ўтириб ишни бошлашингиз осон кечади.

## **БИРЖА БРОКЕРЛАРИ БОШҚАЧА ЙЎЛ ТУТИШАДИ**

Кўпчилик бошқа одамлар билан муносабат ўрнатиш учун биржа брокери бўлишни танлашади. Бу хоҳиш кўпинча, компания раислари ва акция сотиб олувчилар билан, қолаверса, ўзларига ўхшаган брокерлар билан ҳам тез тил топиб кетишларига ёрдам беради.

Одатда, фирма вакиллари суҳбатга ўта жиддий ёндашганлари учун кўп ҳолларда уларнинг кўнгиллари олиш ва истакларини ўрганиш мақсадида брокерлар вақтларини турли хил ишдан ташқари нарсалар тўғрисида гапириб сарфлашларига тўғри келади.

## **БАЪЗИДА ДАМ ҲАМ КЕРАК, АММО ҚОЧИШ УЧУН ЭМАС**

Баъзида киши, уни тинч кўйишларини, ўзи холи қолишини истаб қолади. Бу табиий, руҳий кечинма, ҳар кунлик майда-чуйда ишларни тартибга солиш учун, фикрни бир жойга жамлаш учун жуда зарурий ҳолат.

Агар сезган бўлсангиз, сиз бу билан «А-1» ишдан сал холи бўлишингиз ёки шу билан бирга, унинг учун қандайдир замин яратишингиз ҳам мумкин. Бу ҳолатда сиз, зарурий ишингиз учун ёзган нарсаларингизни қайта кўриб чиқишингиз ёки қайта пухтароқ режа асосида ёзишингиз ҳам мумкин.

Сиз менга савол беришингиз мумкин: «Яхшиси “А-1”га тегишли бўлмаган бирор арзигулик нарса билан шуғулланган яхши эмасми?». Мен бу саволга қатъиятлик билан «Йўқ» деб жавоб бераман. Агар «А-1» ишга кўлингиз бормаётган экан, ҳеч бўлмаса унга яқинроқ ва боғлиқ бўлган бирор иш билан шуғулланинг. «А-1»даги зарурий ишингизга тааллуқли бирор иш билан шуғуллансангиз, асосий ишингизга йўл очилади. Агар сиз бошқа ишга эътиборингизни қаратсангиз, ортга суриш механизмини ишга тушириб, энг керакли ва фойдали ишингизга зиён етказасиз.

## **ТАНАФФУС ФОЙДАЛИ, АММО У ҲАМ ҚОЧИШ УЧУН ЭМАС**

Баъзида бирор ишга тўла тайёр бўлмасангиз, кутиб турган маъкул. Шундай қилсангиз, сиз хоҳламаган ишингиз учун кўп куч сарф қилмайсиз. Бироқ баъзида “А-1” даги баъзи ишлар жуда мураккаб бўлгани учун кўп қадамлар ташлашга тўғри келади, лекин ишнинг биттагина, кичкина учи сизнинг ҳозирги кайфиятингизга тўғри келиб, иш юриб

кетиши мумкин ва сиз ўша нуқтани топишингиз лозим бўлади.

Бундай пайтда, ўзингизга берадиган саволингиз куйидагича бўлади: «Мен «А-1» ишим учун нима қилишни хоҳлайман?». Сиз куйидагича жавоб беришингиз мумкин: «Қилишим керак бўлган шундай ишлар борки, балки унда кизиқарли, ўзига тортувчи ёки чалғитувчи нарсалар кўпдир, ammo барибир, уни қилишга менда ҳозир иштиёк йўқ».

Мен туғма ёзувчи эмасман, шу билан бирга, бирор адабий маълумотга ҳам эга эмасман. Лекин бир нечта китоб ёздим, ижодий фаолиятимни баъзан кулиб ёдга оламан, аслида бу жараён ҳам ўрганишга киради.

Менга кўпинча баъзи нарсаларни қайтадан қилишимга тўғри келган. Ҳаммуаллифларим менга ёрдам беришарди, лекин кўпинча барчасини ўзим қилишимга тўғри келарди.

Бир китобни ёзиб тугатишим учун белгиланган вақт яқинлашиб қолган, ammo китобнинг бирорта бобини қайта кўриб чиқишга иштиёким йўқ эди. Шу билан бирга, мен муҳаррирнинг китоб ҳақидаги баъзи мулоҳазаларини билгим келарди. Қолаверса, у ўқиб чиқиб, хато ёки кўшимча қилиш жойларини айтса, менга осон бўларди. Бу билан менинг қийин ишим енгиллашарди.

Ёки ўқиган даврларимни ёдга олсам, айниқса, жиддий имтиҳонлар пайтини. Ўқитувчи айтган, имтиҳонга боғлиқ адабиётларни ўқишга менда кайфият йўқ эди. Лекин ўз конспектларимни ўқишга қаршилигим йўқ эмасди. Уни ўқиганимда эса имтиҳон саволларига етарли жавобларни топа олмасам, олдимда имтиҳонга тегишли ҳар қандай қалин китобнинг очилиши осон кечарди.



## БАРДАМ БЎЛИНГ

Ишни бошлашингизга сизга қандайдир туртки етишмаяпти. Бу ҳолатда бир неча дақиқа вақтингизни кайфиятингизни кўтариш учун сарфлашингиз керак. Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўпчилик катта ишга қўл урган одамлар охири яхши бўлмайди, деб ўйлаганликлари учун иш охирига етмай қолади. Шундай жараёнлар ҳам кузатиладики, баъзиларнинг осон деб ўйлаган ишларини аслида бажариб бўлмайди.

Уларнинг ҳаракатлари негизида муваффақиятга иккиланиш билан қараш ётади. Шунинг учун, ёдингизда бўлсин, бундай тасаввур сизнинг ҳиссиётларингиз орқали вужудга келган, аниқ далиллар асосида эмас.

## ҲИССИЁТ ВА ФАКТНИНГ ФАРҚИГА ЕТИНГ

Бой отамнинг, менга берган энг бебаҳо дарсларидан бири, унинг олдида биринчи сармоймни кўйиб, мақтангани борган куним бўлган. Албатта, илк сармоймдан зарар кўрганман ўшанда. Бой отам ҳар қандай ишни бошлашда, кимларнингдир сўзини олиб ёки ҳиссиётларга берилиб эмас, балки аниқ фактларга таяниб ва агар керак бўлса, рақамларга эътибор бериш кераклигини айтганди, ўшанда. Бу сабоқ хотирамда михланиб қолган.

Ҳар қандай ишнинг қийинлигини билсангиз-да, уни қийин эмас ва бу ишни осонликча бажара оламан, деган фикр билан бошланг. Шундагина, «А-1» ишни осонлик билан бошлай оласиз. Агар муваффақиятингизга ишонсангиз, ишни тез бажариб, охирига ета оласиз.

Мактабимиздаги футбол бўйича мураббийимиз жамоанинг жанговор руҳини кўтариш учун куйидаги сўзларни айтарди: «Сенинг кўлингдан келади, шундай давом эттир!», «Инжиқликни бас қил, ишингга қайт!»,

«Уриниб кўриш, қийналиш эмас!», «Мағлубиятли кайфиятингни бас қил!». Бундай чақириқлар сизга ҳам керак ва ёрдам беради.

## **БИРОР КИМСАНИНГ ОЛДИДА МАЖБУРИЯТ ОЛИНГ**

Ўзингизга шундай дейсиз: «Мен бунга куннинг иккинчи ярмида, бир соат вақт сарфлайман», аммо айтилган вақт келса-да, бошқа ишлар билан шуғулланаяпсиз. Агар сиз бирор киши билан учрашмоқчи бўлсангиз-чи, албатта, унинг ёнига айтилган пайтда етиб борасиз, чунки сиз бебурд бўлиб қолишдан кўрқасиз.

Одамлар мен билан учрашувга, албатта, келишади, чунки машғулотларим учун сарф қилаётган пуллари зое кетишини хоҳлашмайди ва қолаверса, ўзлари учун керакли нарсани вақтида олишни хоҳлашади. Бундай ҳиссиётлар ўта кучли таъсир этувчи ҳисобланади.

## **ИККИ ДАҚИҚА ҚОЛДИ**

Кимга қандай ишни бажаришни ваъда қила оласиз? Масалан, эрингиз (хотинингиз) боғингизда зиёфат ўтказадиган кун келгунча, боғни тартибга келтириб қўйишни, дейлик.

Ёзма равишдаги «фикрларингиз» бошлиғингиз Торонтадан қайтгунча тайёр бўлишини ваъда қилишингиз мумкин. Бундай ваъдалар виждонингиз амрига бўйсунушга ва «А-1» ишингизни ҳаракатга келтиришга ёрдам беради. Ваъдани ўз вақтида бажаришга уриниш, унга вафо қилиш ҳаракатни бошлашингизда яхшигина туртки бера олади.

Агар танишларингиз сизни «қачондир, қаердадир йиғилишга» таклиф қилишди, балки сиз ҳам буни

хоҳларсиз. Бундай йиғин агар сизга маъкул бўлса, албатта, кейинги йиғиннинг вақтини аниқ белгиламай тарқамасиз.

Айтилган вақтда, айтилган жойда, аниқ саволни муҳокама қилиш ишнинг ўлик нуқтадан силжишига ёрдам беради.

Учрашувлар, мажлис ва йиғинлар – вақтни кемирувчилардир. Булар ишдаги самарадорликни оширмайди. Айниқса, унда иш юзасидан муҳокамалар бўлмаса. Лекин сиз нимани хоҳлайсиз? Агар йиғилишга чақирган одам ҳамма муаммоларига жавоб топа олганда, бунга қўл уриб, сизни ёнига чақирмасди. Кўп йиғинлар кимнингдир «А-1»даги иши кўнгилдагидек енгил кечмаётгани ёки ўзи бажара олмаётгани учун чақирилади.

Жуда катта корпорацияларнинг ижрочи кўмиталари шунинг учун ҳам, зарур ишларга аҳамият қаратмай, ҳаммани йиғиб, «А-1» ишлари ҳақида кимнидир ўйлашга мажбур қилишади.

## 17-БОБ

### ИШГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ЙЎҚОТМАСЛИК УЧУН ҚАРАШЛАРИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРИНГ

Сиз ишга қўл уришингиз билан, унинг баъзи вазифалари охиригача ўзига тортади. Мисол учун, сиз уйни йиғиштиришни, кичик зиёфатдан кейинга, икки соатга қолдирсангиз бўлади, аммо бошласангиз уни охирига етмагунингизча йиғиштиришни тўхтата олмайсиз.

Кўп ишлар унчалик вақт талаб қилмайди, лекин ўша иш ўзига тортувчи хусусиятга эга бўлади. У ишни қўйиб, бошқа ишлар билан шуғуллансангиз-да, гўё яхши китобдай жалб қилиб, доим ўзига тортиб туради. Бошқа бир ҳолларда эса иш устида нафасингиз тикилиб қолгунча ишлайсиз.

### ДОИМ КЕЙИНЧИ БОСҚИЧНИ ТАЙЁРЛАНГ

Сиз биласизки, вақтдан тўғри фойдаланишнинг биргина йўли «А-1» ишингиз билан шуғулланиш. Ўзингизга айтасиз: «Ишни ортга суриш ўлим билан тенг». Сиз ишни ўзингизга бўйсундирдингиз. Сиз керакли тезликни олдингиз. Бироқ бирдан ишга бўлган иштиёқингиз сўнди. Қандай қилиб, бу бемаҳалда келган сусайиш ва ишга нисбатан йўқотилган қизиқишни қайтара оласиз? Жавоб: доим кейинги босқични тайёрлаш орқали.

Бой отамдан кўпинча қуйидаги сўзларни эшитардим: «Бугун ишлаб топган пулларимни эртага нима қилишни доимо биламан». Кўпинча корхоналарнинг синишига сабаб,

уларда кейинги режалаштирилган босқичнинг йўқлигидадир. Доимо иш бошлаганингизда, эртани ўйлаб иш кўришингиз керак. Ҳар бир босқичнинг тугаш вақтини аниқ белгилаб олинг.

## **ИШ СИЗНИ ТАМОМИЛА ЮТИБ ЮБОРИШИ ШАРТМАС**

Агар бирор вазифа билан бир муддат шуғулланганингизда ишлаб чарчашингиз, хавотирланишни бошлашингиз, иш эса жонингизга тегиши ажабланарли ҳолат эмас. Ишингизда ўзгаришлар қилишга эҳтиёж сезила бошлайди, албатта. Серқирралилик ҳаётга нафақат «мушки анбар» таратади, балки ҳаётнинг ёқимли воситаларидан бири ҳамдир.

Маълум вақт мобайнида ва бир хил шароитда ушлаб турилган одамларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши кузатилган. Шундай тажрибалар мобайнида, бир неча инсонларни тамомила ҳаётдан узиб қўйилган алоҳида хонага жойлаштиришади.

Улар кўп вақтларини қоронғуда, ўрин-кўрпада ўтказишди. Уларнинг ҳамма жисмоний эҳтиёжлари қондириларди, тугмачани босган заҳоти олдиларида иссиқ овқат муҳайё бўларди. Тажрибанинг бешинчи куни баъзи одамларда саросима, фантазия ва алахсиришлар бошланган.

Тажрибадаги одамлардан бирортаси етти кунга чидамаган. Аммо одатий ҳаётларига ўрганиб кетгунларича бир ой вақт керак бўлган. Тажриба шуни исботладики, инсон ҳаётидаги ўзгаришлар унинг рухий ҳолатига чуқур таъсир қилиши мумкин. Бу ўзгаришларга мослаша олган одамгина ҳаётда яшаб кетади.

Ҳорда яшаган одамларнинг ҳаёти ўзгаришларга мослашиш ва уни сезишга боғлиқ бўлган. Ҳиднинг ўзгариши уни яхши ёки ёмон ҳолатлардан огоҳ бўлишга

ундаган. Бу ўзгаришларни чуқур ўрганиб, унга кўникканлар яшашга ҳақли бўлишган.

Ҳозирги замон одамлари бу биологик радарни ўзларига мерос қилиб олишган. Қадимда мамонтнинг овозини эшитиш ҳаёт-мамотни аңлатган. Ҳозирда коридордаги шовқин, телефон кўнғироғи, кўчадаги шовқинлар одамни шунчаки асабийлаштириб, чалғитади, холос. Асабийлаштириб чалғитувчи нарсалар ҳамisha атрофимизни эгаллаб олган, айниқса, бирор иш билан бандлигимизда. Биз уларни баъзан сезмасак, баъзан инкор этамиз. Аммо баъзида керакли фаолиятингизни ҳаракатга келтириш учун атайин асабийлаштирувчи нарсаларни ҳаётингизга татбиқ қилиб кўрган ҳам маъкул.

Одатда ўзгаришлар, ишни рўёбга чиқаришдаги биринчи босқич кейинчи босқични пайдо қилиши лозим. Ҳар қандай ишдаги ривожланишнинг бошланиши янги ва янги вазифаларга етаклайди.

«Нима қилиш керак?» рўйхатини юргизиш, сизга янги имкониятларни, айниқса, ўзгаришлар жараёнида имкониятларни очади. Баъзида «А-1» ишни амалга ошириш йўлида янги қадамларни ўйлаб топиш керакки, сизнинг ҳаракат қилишингиз учун танловингиз кўп бўлсин. Агар ўз иш жараёнингизни назоратга олишни истасангиз, ҳаётингиздаги ўзгаришларга, кизиқиш уйғотувчи танаффусларга ҳам кенг ўрин ажратишингиз лозим.

## **ДАМ ОЛИШ УЧУН ТАНАФФУСЛАР ВА ИШНИ ЎЗГАРТИРИШ**

Биринчидан, сиз дам олиш учун танаффус қилишингиз мумкин. Бунда сиз йўлакни айланиб келишингиз, танишингиз билан бир оз гаплашишингиз ва хонангизга қайтиб, «А-1»даги ишингизни давом эттиришингиз мумкин.

**Сиз бошқача, яъни шуғулланаётган ишингизни бошқасига алмаштириб, танаффус қилишингиз ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар қандай иш тўғри келади, лекин «А-1»даги ишга тааллуқли бўлгани маъқул.**

## **СИЗГА ЯНГИ ХЎРАК КЕРАК**

**Иш жойингизни (хона ёки стол дегандай) алмаштиришга ҳаракат қилинг. Баъзида янги муҳит чарчаган бошингиз учун ғаройиб мўъжизаларни яратади. Агар сиз ўтиришдан зериккан бўлсангиз, бошингиз билан туришга ҳаракат қилинг. Ишнинг юришига услубларни алмаштириш ҳам яхши кўмак беради.**

**Сиз доим янги ахборот ва ғояларга муҳтожлик сезасиз. Уларни излаш ва шу асосда ҳаракат қилиш керак.**

## 18-БОБ

### ЙЎЛИНГИЗДАН ҚЎРҚУВНИ ОЛИБ ТАШЛАНГ

Бой отам мен ва ўгли Майклга: «Муваффақият йўлидаги энг асосий тўсик – хато қилишдан қўрқишдир. Шунинг учун ҳам кўпчилик мавжуд ишларига ёпишиб олиб, ўз келажакларига компания ва давлат қайғуришига умид қилишади», деб таъкидларди.

Бир эслаб кўринг, хато қилишдан қўрқиб, неча маротаба муҳим вазифани бажаришдан қочгансиз? Ёки неча марта асабийлашишдан, ё айбдор бўлишдан, ё зиммангизга кўп масъулият олишдан, ё эътибордан қолишдан қўрққансиз? Ёки билмаганингиз билан юзма-юз қелишдан қочгансиз? Мен аниқ биламанки, сизнинг ҳаётингизда бундай воқеалар жуда кўп учраган.

Ҳаяжонингиз сизни бошқаришига йўл қўйманг. Агар «А–1» ишингизни давом эттиришингизда сизда қандайдир ички қўрқув пайдо бўлаётганини сезсангиз, Қарор Қабул Қилиш Нуктасидан туриб, ўзингиздан сўранг: «Мен нимадан қўрқаяпман?». Турли вариантлар рўйхатини тузинг ва уларнинг ичидан ишни бошлашингизда тўсик бўлаётган қўрқувни топинг. Ундан сўнг, қўрқувнинг юзига тик қаранг ва айтинг: «Кет, сен менга халақит бераяпсан!». Қўрқувни енгишнинг бир йўли – унга юзма-юз бориш ва ўша қўрқув туғилган вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда унинг келиб чиқиш сабабларини топишдир.



## 19-БОБ

### КУЧИНГИЗ ЕТГАНИНИ ҚИЛИНГ ВА НАТИЖАНИ ЮТУҒИНГИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАНГ

Муваффақиятга кафолат бўлмаса-да, ҳафта давомида ҳар окшом ҳаётий мақсадингиз сари ҳаракат қилаверасизми? Агар шундай йўл тутмасангиз, инкирозга учрашингиз аниқ. Ҳаракат қилаверсангиз, сизда ютуққа имконият бор, аммо мағлубиятга учрашингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Нима қилиш керак?

Баъзилар кўп нарсага эга бўлишдан кўра, оз йўқотиш билан ҳаётий мақсадларига етишни исташади. Баъзи одамлар эса нотўғри кадам ташлаб қўйишдан ҳадиксираб, қимматли вақтларини «тарафдорман», «қаршиман» деган бемаъни ўйларни тарозига солиб зое кетказишади. Хатога йўл қўйиш вақтни тежаши ҳам мумкин, чунки иш мобайнида сиз қайси ғоялар қўл келаяпти, қайсиниси хато, билиб олишингиз учун имконият яратилади. Шунда саёз режалардан халос бўлиб, келажакда уларга вақт ажратиб ўтирмайсиз. Мисол учун, умрингиз мобайнида шоир бўлишга интилиб шеърлар ёзгансиз дейлик, охир-оқибат, ёзган тутуруксиз шеърларингизни ўкиб кўриб, тушунасизки, сиз хато қилгансиз ва шу тобдан энди бошқа ишга қўл урасиз. Шеърлар ҳақида унутинг, бошқа фойдали ишнинг бошини ушланг. Мағлубиятга ўхшаб кўринган жараён, охир-оқибат, сизга фойда келтириши мумкин. Сиз энди аниқ мақсадингиз сари кўприк қурдингиз. Агар сиз илк

ишингиздаги мағлубиятни тан ола билсангиз, келажакдаги олтин чўккига эришиш мақсадингизга йўл очиб, асосий ниятингизга эга бўла оласиз.

## **ХАТОЛАР СИЗНИ ХАФА ҚИЛМАСИН**

Инсон пайдо бўлибдики, ҳақиқатнинг тагига етиш учун хато қилиш ва уриниб кўриш унга ҳамоҳанг бўлиб келган. Ўйлаб кўринг, ҳар бир хато, албатта, муваффақиятга олиб боради. Мен бу ҳолатни «уриниб кўриш ва муваффақиятлар» деб атаган бўлардим.

Мен хотирамга муҳрланиб қолган, ҳаётимдаги омадсиз давримни кўп эсимга оламан. Ўша пайтлар менга қанчалар кийин бўлмасин, ўзимга гапиришдан чарчамасдим. «Хатоларнинг ҳам чегараси бор, ҳар бир хато мени муваффақиятга яқинлаштиради» дердим. Аммо бир хатони яна такрорламасликка ҳаракат қилиш ҳам лозим.

Ниҳоят, кечроқ бўлса-да, ўзим ўйлаганимдек оғир вазиятдан чиқдим. Кўпроқ куч сарфлаб барибир ниятимга етдим. Ўшандан бери ишларим юргандан юриб кетди. Бундай малакага эга бўлиб, муваффақият йўлидаги уриниб кўришларнинг янги йўллари кидиришга ва топишга ҳам ўргандим.

Сиз ҳеч қачон бажармаган ишга қўл урсангиз, албатта, биринчиси унчалик яхши натижа бермайди, иккинчи уринишда эса, албатта, мақсадга ета оласиз. Нима бўлганда ҳам, ҳеч нарса қилмагандан кўра, ўрнингиздан бироз кўзғалишга эришдингиз ва ишни бошладингиз.

## **ХАТО ВА УРИНИБ КЎРИШНИНГ БАҲОСИ**

Мактабда ўқиб юрган пайтларим, балет дарсидаги репетицияни кузатгандим. Жамоа янги балетни саҳналаштириш учун репетиция қиларди. Етакчи раққос

Ўзининг шеригини ногўғри ушлаганини кўрган режиссёр унга танбех бериб, ҳаракатни бошидан қайтаришни сўради. Раққос эса «Бунга ҳожат йўқ, мен ҳаммасини тушундим, энди нима қилишни биламан» деди. Ҳа, раққос нимани қандай бажаришни билиб олганди. Бу уриниб кўриш ва хато – муваффақият учун қадам эди.

Фан оламидаги кўп хато уринишлар одатда муваффақиятга олиб келган. Мари Кюри, Александр Флеминг, Луи Пастер ва Альберт Эйнштейннинг минглаб тажрибалари омадсиз яқунланган. Улар бу хатолардан кейин таслим бўлишлари мумкин эди-ку. Аммо унда бизда ҳозир электр лампочкаси, радий, пенициллин ва тозаланган сут бўлмас эди.

Ёки муваффақиятсизликлар занжирига ўралиб яшаган бир инсон ҳаётидаги қуйидаги мисолни олайлик: 1832 йили у ишсиз қолди; ўша йили штат қонунчилик палатасидаги сайловда мағлубиятга учради; 1833 йили бизнесда инқирозга учради; 1836 йили асаб бузилиши касаллигидан даволанди; 1848 йили қайта конгресс сайловларида иккинчи бор мағлуб бўлди; 1849 йили давлат ер ўлчовчиси вазифасига тайинланишга рад жавобини олди; Сенатга сайлаш сайловида 1854 йилда яна мағлубиятга учради; 1856 йили вице-президентликка сайловда муваффақиятсизлик; 1858 йили сенат сайловларида яна мағлубият.

Лекин барибир, охир-оқибат, 1860 йили Авраам Линкольн Америка Қўшма Штатлари Президенти бўлди.

## **АСОСИЙСИ – БАЖАРИШ**

Ҳаётни «мен кучим етганини қилдим» деган принципга таяниб қуриш лозим. Ортга бир қараб: «Мен бундан ҳам яхшироқ натижага эришишим мумкин эди» дейиш ҳам мумкин. Айтайлик, сиз ўйлагандек бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди, албатта. Лекин сиз бундан-да яхши натижага

эриша олишингизни айни пайтда тасаввур қилаяпсиз, холос. Аслида ўша пайтдаги шароит шу натижанинг барпо бўлишига йўл қўйган. Буни биз тўғри тушунишимиз керак.

Шунинг учун, сизни уриниб кўришдаги омадсизликлар ҳам тарк этмагани яхши. Бирор ишингизда муваффақиятсизликка учрасангиз, унинг сабабларини аниқлаш учун ўйланиб, кўп вақтингизни сарф қилиб ўтирманг. Сиз айнан ана шундан кўп нарсани ўрганишингиз мумкин. Ёдингизда бўлсин, сиз мана шу хатолар орқасидан ақллилик ва доноликка қадам қўйдингиз, чунки сиз ҳаммасини бошингиздан ўтказдингиз. Агар бу ўн беш дақиқа олдин юз берган бўлса-да, сиз энди маҳоратлироқсиз.

Ҳаётингиздаги одатларингизни бир неча кунда ўзгартириб бўлмайди. Менинг тавсия ва маслаҳатларим билан муваффақиятга эришган одамларни биламан. Бунга вақт керак – баъзан бир ёки икки йил. Ўз вақтингизни ва ҳаётингизни назоратга олишингиз учун «сим-сим очил» сингари сеҳрли сўзлар мавжуд эмас. Аммо ихтиёрингизда ўн беш дақиқа қолган бўлса ҳам, вақтингиз мавжудлигини ҳис этиб, кунлик ва ҳаётий мақсадларингизга эриша олишингиз мумкин.

Китобни ўқиб тугатишингиз билан Сизни ҳаракатни бошлашга чақираман. Сиз ҳаётингиздаги ҳар бир дақиқалардан лаззат олишингиз мумкин, улуғ мартабаларга эришишингиз ва шахсий ҳаётингизда камроқ куч сарфлаб, кўп нарсаларга эга чиқишингиз аниқ.

Бугунги кун сизнинг ҳаётингизда катта ўзгаришлар кунига айланиши, ўз ҳаётингиз давомида эса анчагина кўп вақт эгаси бўлишингиз мумкин. Хуллас, ҳозир сиз қай йўсинда вақтингиздан унумли фойдалана оласиз?

## **ИЛОВА**

### **МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ВАҚТНИ ТЕЖАЙМАН**

1. Мен ҳаётим мобайнида ихтиёримдаги ҳар бир дақиқадан қониқиш олиб яшашга ҳаракат қиламан.
2. Мен бажараётган ҳамма ишимдан қониқиш оламан.
3. Мен тузатиб бўлмас оптимистман.
4. Мен ғалабадан яна ғалаба сари интиламан.
5. Мен вақтимни омадсизлигимга қайғуриб ўтказмайман.
6. Мен қилолмаган ишим учун ўзимни гуноҳкор сезиб вақт сарфламайман.
7. Мен доим ўзимга эслатиб тураман: «Ҳамиша бирор зарур нарсани қилиш учун вақт топилади».
8. Мен вақтдан ютиш учун доим янги бирор чорани қидираман.
9. Мен доим азонда, соат 5:00 да тураман ва эрта ётаман.
10. Мен куннинг иккинчи ярмида мудраб юрмаслик учун енгил тушлик қиламан.
11. Мен газета-журнал ўқимайман (ҳар доим эмас), дунё янгиликларидан беҳабар қолмаслик учун шунчаки уларнинг сарлавҳасига кўз югуртираман.
12. Мен китобга чанқоклик билан ёпишаман ва ундан яхши фикр олишга шошиламан.
13. Мен ўз одатларимни яхшилаш ёки эскиларидан воз кечиш учун ўз хатти-ҳаракатларимни доим таҳлил қилиб бораман.
14. Мен умуман «кутишлардан» воз кечдим. Агар кутиш керак бўлса, буни «ҳади этилган вақт» сифатида қабул қилиб, кутиш жараёнида ўзимни бўш қўйиш, режа тузиш ва

илгари бажармаган нима биландир машғул бўлишга сарфлайман.

15. Мен кунни эртароқ бошлаш учун соатимни доим уч дақиқа олдинга суриб кўяман.

16. Чўнтагимда ён дафтарча олиб юраман, унга кузатишларимни ва калламга келган фикрларни ёзиб юраман.

17. Ойда бир марта ўз ҳаётий мақсадларимни қайтадан кўриб чиқаман.

18. Ҳар куни кундалик ҳаётий мақсадларимни кўриб чиқаман ва қайси ҳаракатни амалга оширсам, унга тезроқ етишимни белгилаб бораман.

19. Мен бир варақ қоғозга ёзган, столим устида турадиган ҳаётий мақсадларимни ўзимга эслатиб тураман.

20. Арзимаган ишларни қилган вақтимда ҳам, ўзимнинг олий ҳаётий мақсадларимни ёдимдан чиқармайман.

21. Эрталаб туриб биринчи қиладиган ишим, бугун нима қилишимни белгилаб олиш. Ишларимни зарурлик жиҳатини иноватга олиб навбатга кўяман.

22. Мен кунлик аниқ қилинадиган ишларнинг рўйхатини тузаман ва энг заруридан бошлайман.

23. Кучимни тенг бўлиш ва вақтни тўғри тақсимлаш ёки кўшимча вақтни топиш, зарурий режаларни амалга ошириш учун қиладиган ишларимнинг уч ойлик жадвалини тузаман.

24. Мен оғир ишни битирганимдан сўнг, ором билан ўзимни тақдирлайман.

25. Мен биринчи бўлиб аҳамиятли ишларни бажараман.

26. Мен муваффақиятга куч сарфлаб, толиқиб эмас, ақлан меҳнат қилиб эришаман.

27. Мен фақат «А» ишни бажаришга ҳаракат қиламан, аксинча «Б» ва «В» ишлар билан ишим йўқ.

28. Нима бўлган тақдирда ҳам, ҳамма ишларни заруратига қараб ажратишимга ишонаман ва бу қондани бузмасликка ҳаракат қиламан.

29. Мен ўзимга савол бераман: «Агар бу ишни бажармасам, бирор фожиа юз берадими?». Агар жавоб кониқарли бўлса, ўша ишни қилмайман.

30. Ишни бошлашни ортга сураётганимни сезсам, ўзимга савол бераман: «Нимадан қочишга интилаяпман?» ва бунга жавоб олиб, ўша муаммога юзланаман.

31. Мен доим 80/20 қондасини ишлатаман.

32. Мен ишни фойдалироқ томонидан бошлайман ва ўшанда ишнинг қолганини қилишга ҳожат қолмайди.

33. Мен фойдасиз ишдан воз кечаман.

34. Мен зарурий ишга фикримни қаратиш учун етарли вақт ажратаман.

35. Мен диққатни бир жойга жамлаш ва ҳаракатларимни бир предметга қаратиш орқали вақт маҳсулдорлигига эришишга тиришаман (баъзан кофе ёрдамида).

36. Мен фақат маълум предметга қараб фикримни жамлайман.

37. Мен шижоатимни фақат фойда келтирадиган нарсаларга ишлатаман.

38. Агар ғалаба қилишимни англаб қолсам, бор кучим ва билишимни қўллайман.

39. Қийин ишларни ҳам ўтказиб юбормасдан, ҳамма эътиборимни «Нима қилиш керак?» рўйхатимга қаратганман.

40. Ўз фикр-мулоҳазаларимни қоғозда акс эттиришга ўрганганман.

41. Ўз ижодий ишларимни эрталаблари ёлғиз қолганимда бажараман, куннинг иккинчи ярмини учрашув ва йиғилишларга бағишлайман.

42. Мен қилинадиган ишлар муддатини ўзим ва бошқалар учун аниқ белгилаб оламан.

43. Ҳар бир иш юзасидан тортишувларга эътибор билан кулоқ соламан.

44. Мен бошқа одамларнинг вақтларини беҳудага олмайман.

45. Мен баъзи ишларни бошқаларга топширишда уларнинг иқтидорларини ҳисобга оламан. Иш ўша одамнинг соҳасига тўғри келса, ишни унга топшираман.

46. Ёрдам учун, муаммоларимни ечиш учун малакали инсонларга мурожаат қиламан.

47. Мен олдимда кераксиз қоғозлар кўпайиб кетишидан сақланаман ва кўпайиб кетса кераксизларини доим ташлаб юбораман.

48. Мен бир қоғозни (ҳужжатни) бир мартагина кўлимга оламан.

49. Ҳар бир мактубга дарров жавоб ёзишга ҳаракат қиламан.

50. Мен столимнинг ишлашимга қулай бўлишини, доим ишлашим учун бўш туришини истайман, керакли қоғозларни столим ўртасида сақлайман.

51. Ҳамма буюмларим ўз ўрнида туради. Шунинг учун ҳам уларни топишим осон бўлади.

52. Бир ойда уч соатни арзимаган ишлар учун ажратаман.

53. Дам олиш кунлари иш тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қиламан.

54. Мен кўпинча ўзимни бўш қўяман ва «ҳеч нарса қилмайман».

55. Баъзан вақтим назоратга олмаган ишлар учун сарф бўлишини ҳам биламан. Аммо мен бунга ачинмайман.

56. Мен доим мақсадим сари янги қадамларни ўйлаб топаман.

57. Мен доим ўзимга савол бераман: «Айнан ҳозир, қандай қилиб, вақтдан унумли фойдаланишим мумкин?»

**ВАҚТИНГ КЕТДИ – НАҚДИНГ КЕТДИ.**



## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-боб. Нима учун сиз ўз вақтингиз ҳақида қайғуришингиз керак?!.....	5
2-боб. Асосий ютуқ: ҳаётингиз назоратингиз остида.....	10
3-боб. Қайси йўналишни танлаш керак.....	17
4-боб. Оқим бўйича сузиш, чўкиш ёки қарор қабул қилиш керакми?.....	25
5-боб. Назорат режалаштиришдан бошланади.....	39
6-боб. Ҳаётда айнан нимага эришишни истайсиз?.....	48
7-боб. Ҳозирнинг ўзида бошланг.....	59
8-боб. Сизга жадвал қандай ёрдам бериши мумкин.....	67
9-боб. Кутмаган жойдан вақтни қандай топса бўлади.....	77
10-боб. Устувор йўналишларни қандай тақсимлаш лозим..	92
11-боб. Бажарилмагани маъқулроқ ишлар.....	100
12-боб. Ўзгаларга ва ўзингизга яхши бўлиши учун нима қилиш керак?.....	112
13-боб. Ўзингиз учун дам олиш вақтини қандай топасиз?.....	116
14-боб. Ўзингизга «Робертнинг саволи»ни беринг.....	119
15-боб. «Швейцария пишлоғи» услубини қўлланг.....	122
16-боб. Қилиниши зарур бўлган ишга қандай қилиб тез киришиш мумкин?.....	132
17-боб. Ишга бўлган қизиқишни йўқотмаслик учун қарашларингизни ўзгартиринг.....	146
18-боб. Йўлингиздан кўркувни олиб ташланг.....	150
19-боб. Кучингиз етганини қилинг ва натижани ютуғингиз деб ҳисобланг.....	151
Илова. Мен қандай қилиб вақтни тежайман.....	155

**Роберт Т. Кносакки, Майкл Л.Леттер**

## **ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИНГИЗ**

**Ўз активингизни сақланг ёхуд  
ғояларингизни активга айлантириш  
борасида Бой отанинг маслаҳатлари**

### **1-китоб**

**Таржимонлар: Тохиржон Ҳакимов, Наргиза Анорбоева**

**Мухаррир: Адиба Ҳамро кизи**

**Техник муҳаррир: Намоз Толипов**

**Мусахҳияҳ: Дилшода Аввалбоева**

**Нашриёт лицензияси: АИ № 221; 16.11.2012.**

**Босишга рухсат этилди: 22.06.2016.**

**Бичими: 84/108 1/16. Офсет босма. “Times” гарнитураси.**

**Шартли босма табоғи: 10,0. Нашриёт босма табоғи: 7,25.**

**Адади: 1000 нусха. Буюртма: № 15-14.**

**Баҳоси келишилган нарҳда.**

### **Нашриёт манзили:**

**“Yurist-media markazi” нашриёти,**

**Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй**

**Тел.: 212-47-79, 230-04-74**

**E-mail: [yurist\\_media@mail.ru](mailto:yurist_media@mail.ru)**

### **Босмаҳона манзили:**

**«Sirius-media» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.**

**Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 4-уй.**



ЭНГ  
КАТТА

# БОЙЛИГИНГИЗ

РОБЕРТ Т. КИОСАКИ,  
МАЙКЛ Л. ЛЕЧТЕР



Бу китоб - шахсий тажрибам ва бой отамнинг сабоқлари ҳамда тажрибалари асосидаги хулссаларим; турли семинар иштирокчилари ва миждларимнинг вақтни тақсимлаш борасидаги маслаҳатларимдан фойдаланиб эришган натижалари йиғиндисидир.

Мен ишдаги шеригим, маслаҳатчим, дўстим, «Бой ота маслаҳатлари» китоби ҳаммуаллифининг турмуш ўртоғи Майкл Лечтерга алоҳида миннатдорчилигимни изҳор этаман. Унинг билим ва тажрибалари менга кўп пулимни сақлаб, вақтимдан унумли фойдаланишимга ёрдам берди.

Бу китоб завқли ҳаётга интилиб, умрини мазмунли ва бахтли яшаб ўтмоқчи бўлганлар учундир. Китобда ҳозирги ҳаётдаги баъзи муаммолар ва уларни ечиш йўлларини кўрсатибгина қолмай, ўша муаммоларни турли услублар ёрдамида, бирор бир зарарсиз ва йўқотишларсиз, барча тўсиқларни енгиб ўтиб, яхши натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақида ёзишга ҳаракат қилганман.

ISBN 978-9943-4336-5-6



9 789943 433656

1